

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

УДК 728.1.011

Қўл ёзма ҳуқуқида

АННАҚУЛОВ ЖАХОНГИР МАХМАТҚУЛ ЎҒЛИ

Ургут шаҳри учун замонавий кам қаватли
ҳовлили уйлар архитектурасини
шакллантириш тамойиллари

«Био ва иншоотлар архитектураси» мутахассислиги бўйича
магистр даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга рухсат берилди
«Архитектуравий лойихалаш»
арх.н,доц
кафедраси мудири
_____ Заиров Р.З.

Илмий раҳбар, арх.н,доц
_____ Исроилов Э.Х.
Илмий маслаҳатчи,
_____ Тоштемиров Р.Т.

САМАРҚАНД - 2016 й

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Факултет: Архитектура
Кафедра: Архитектуралар
лойиҳалаш
Ўқув йили: 2015-2016

Магистратура талабаси: Аннақулов Ж.М.
Илмий раҳбар: арх.н, доц.
Исроилов Э.Х..
Мутахассислиги: Бино ва иншоотлар
архитектураси

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Тадкилот ишнинг мақсади ва вазифалари ишлаб чиқилди. Диссертация ишининг мақсади Ургуч шаҳри фуқаролар йиғини (КФЙ) кишлоқ, туман марказлари учун илмий асосланган кам қаватли ховлини турар-жой уйлари хажмий-режалар тизими шакллантириш ҳамда турар жой иморат қурилиши тизимлаштиришда «блокквартира + ховли + уй» усулини қўллаш ва уларнинг тизимида ҳужалик, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ишларини ташкиллаштириш ва шакллантириш тақдирлари ва бошқа тавсияларни ишлаб чиқиш.

Ургуг шахри Кишлок фукаротлар йигини (КФЙ) архитектуравий – режавий ташкиллаштириш кишлок ва туман марказларида турар-жой курилишини олиб бориш учун, вилоят худудларининг архитектуравий-курилиш районлари аникланди; Лойихалаш ва иморатлар курилишида «Блок + квартира + ховли + ишлаб чиқариш + уй» модели асосида кам қаватли ховли турар жой уйларнинг ҳажмий-режавий шакллантириш ҳамда уларнинг тизимида ҳужалик тадбиркорлик ишларини ташкиллаштириш тамойиллари ва унинг методини такомиллаштириш;

Бу таклиф қилинаётган кам каватли ховлили ва томоркали турар жой уйлари типлари номенклатурани ва модел, иморатлар қурилишда қулланилса Навоий вилояти кишлок ва туман марказлари турар жой архитектураси ва улар қиёфасининг сифатини кутариш ҳамда капитал қурилишнинг иктисодий самарадорлигини оширишга олиб келади.

арх.н, доц. Исроилов Э.Х..

Аннакулов Ж.М..

**Ministry of Higher Education of the Republic Uzbekistan Samarkand State
Architectural - Construction Institute.**

Faculty: architecture

Master: Аннакулов Ж. М.

Chair: architectural design

Supervisor: с. arch.docent: Исроилов Э. Х.

Academic year: 2015-2016
structures.

Occupation: Architecture of buildings and

ABSTRACT MASTER`S THESIS

Relevance of the topic. New specially-economic conditions of Uzbekistan put the task of new interpretation of social problems and their solutions. Priority aspects primarily include environmental and aesthetic improvement of the environment, improved housing and public services.

Objective. Principles of Architecture and urban formation and determine the characteristics of space-planning structure and architectural and artistic composition of residential complexes with neighborhood management and servicing, as well as identify evidence-based direction and design. The object and subject of study. As the main object of the study were chosen serviced apartment houses and residential complexes with the service. The main factors influencing the formation of houses with service and residential complexes. The boundaries of certain research tasks, namely planning structure and volume-spatial organization of residential complexes with neighborhood management and servicing.

The methodology and research methods. Based on a comprehensive analysis of the many aspect of the project materials, historical and contemporary domestic and foreign experience in the design of the home. Full-scale survey of the architecture of houses with service in the cities. Tashkent, Samarkand and others. Opinion polls with the method of questioning. In the widely used graphical-analytical form of analysis, theoretical modeling, development of recommendations for the design of the residential complex. The methodological basis of the research is the principle of the system approach.

Supervisor: _____ Исроилов Э. Х.

Master of: _____ Аннакулов Ж. М

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I. боб. Ургут шаҳри шароитида кам қаватли турар жой уйларини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар	15
1.1. Социал – демографик хусусиятлари	15
1.2. Табиий – иқлимий шароитлари	18
1.3. Маҳаллий қурилишнинг моддий ва индустриал базаси	28
1.4. Республика аҳолисининг миллий урф – одатлари ва турар жойларни функциявий ташкиллаштириш	32
I – боб бўйича хулоса	34
II. боб. Ўзбекистон шароитида кам қаватли турар жой уйларини лойиҳалаш ва қурилиши тажрибалари таҳлили	36
2.1. Анъанавий халқ уйларининг ҳажмий – режавий тузилиши ва уларнинг тизимида хўжалик ишлаб чиқариш ишларини ҳисобга олиниши	36
2.2. Хориж мамлакатларида кам қаватли турар жой уйлари лойиҳаси ва қурилишининг таҳлили	41
2.3. Қишлоқ уйларининг янги намунавий лойиҳалари ва қурилиш тажрибалари таҳлили	44
2.4. Хориж мамлакатларида кам қаватли уйларни лойиҳалаш ва қурилиши тажрибаларидаги таҳлили	49
II – боб бўйича хулосалар	58
III. боб. Кам қаватли уйларнинг ҳажмий – режавий шакллантириш ва уларнинг тизимида хўжалик иншоотларини ташкиллаштириш ..	61
3.1. Шаҳар аҳолиси меҳнат асосида кам қаватли уйлари турларини аниқлаш	61
3.2. Кам қаватли ҳовли уйларининг архитектуравий – режавий ечимлари	64
3.3. Кам қаватли ҳовлилари турар жой уйларини ҳажмий – режавий ташкиллаштириш, уйларни турар жой иморат қурилишида қўллаш.	74
III- боб бўйича хулоса	85
Умумий хулосалар ва таклифлар	86
Фойдаоанилган адабиётлар	88
Интернет материаллари	89
Иловалар	91

КИРИШ

1. Магистрлик диссертацияси мавзусини асослаш ва долзарблиги. Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, шаҳарда ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, бу ерда яшаётган аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар.

Шу боисдан Президентимиз томонидан 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» 2016 йилни эса «Соғлом она ва соғлом бола» деб эълон қилиниши ҳам бунинг яққол далилидир.

Туман марказлари ва қишлоқларимизда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, уй жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини наъмунавий лойиҳалар асосида барпо қилиш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш туманлар маркази ва қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили Давлат дастури қабул қилинди ва у жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Дастурда белгиланган вазифалар орасида туман марказлари қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, тасдиқланган бош режалар асосида уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларининг наъмунавий лойиҳаларни барпо этиш масаласи қўйилган.

Шу мақсадда, туман маркази қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг бош режаларини ишлаб чиқишни таъминлаш, минтақаларнинг табиий – иқлим шароитлари, социал – демографик ҳолати ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, туман марказлари қишлоқ жойларда қуриш учун уй-жойлар ва ижтимоий объектларнинг наъмунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти ташкил этилди.

Юртбошимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган бу сиёсат натижалари бугунги кунда аҳолининг даромади ва фаровонлигининг изчил

ошиб боришида, ҳар бир инсонга унинг интеллектуал, касбий ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча имкониятлар яратиб берилаётганида ва шу асосда туман марказлари қишлоқ ҳаёти сифати даражасини тубдан ўзгартиришда намоён бўлмоқда.

Шу боисдан юртбошимиз томонидан 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ва 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳам бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ва 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги барчамиз олдимизга ниҳоятда маъсулиятли вазифаларни қўймоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий – режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган наъмунавий лойиҳалаш бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида туман марказлари қишлоқ аҳолисининг турар жой шароитларини яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 – августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК – 1167 сонли қарори бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан наъмунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қурилишининг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинган.

Қарорда яқка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилишини банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилиши, ижтимоий инфратузилма объектлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари қурилиши маҳаллий бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан молиялаштириш белгиланган.

Бунинг асосий сабабларидан бири вилоят ҳокимликлари архитектура ва қурилиш ташкилотлари, якка тартибда уй-жой қурувчи оилаларга замонавий арзон, яшашга қулай ва шинам уй-жойларнинг лойиҳалари билан етарли таъминланмаганлигидир. Аксарият мавжуд лойиҳалар эса Республикамиз вилоятлари иқлим шароитини, ижтимоий-демографик ҳолатларини, энг муҳими қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ва тамойилларини ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилмаган.

Мазкур диссертациянинг асосий мақсади, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» Давлат дастури асосида бажарилган бой материалларни таҳлил қилиш ҳамда Ургут шаҳри учун уй-жойларни лойиҳалашда, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий-демографик ва табиий-иқлимий шароитларини ҳисобга олишдан ташқари уларнинг меҳнат фаолияти – хўжалик, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш ишларини эътиборга олган ҳолда уй – жойларнинг янги турларини яратиш ва услубларини таклиф этиш.

Республикамизнинг асосий қишлоқ, туман марказлари ва шаҳарлари мураккаб табиий – иқлимий шароитларда ва кўп ҳолатларда қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган унумдор ва суғориладиган ерларда жойлашган. Уларнинг аксарият Қашкадарё, Сурхандарё, Чирчиқ-Ангрен, Фарғона, Қуйи Амударё, Ўрта ва Қуйи Зарафшон ва бошқа агломерацияларда жойлашган бу агломерацияларда яшаётган аҳолининг турмуш тарзи, қишлоқ ва шаҳар турмуш тарзи билан узвий боғланиб кетган. Бу эса уларнинг турмуш тарзи ва уй-жой қурилишини ташкил этишга ўз таъсирини утказмай қўймайди.

Қишлоқ ва туман масканларида кам қаватли ҳовли уйларнинг қурилиши – янги томорқали уйларни ривожлантиришга квартираларнинг уйғунлашувининг мураккаблигига, ҳовли тизимларининг янги боскичларига ўтилиши, квартираларнинг ердан узоқлашуви; хоналарда микро климатнинг ижобий томон натижасида ўтиши, турар жойларда аҳолисининг соғлиғига ва руҳий ҳолатига ижобий таъсир этиши

натижасида халқ ҳаётининг фаровонлигини оширишга олиб келади. Анъанавий халқ уйларида ҳовли системаси оптимал микроиклим яратувчи бўлиб, ҳамда йилнинг ҳамма фаслларда унда оиланинг маъиший ва хўжалик ишларини юритиш учун қулай шароитлар яратиш имконини беради.

Замонавий оммавий қурилиш амалиётида шундай аҳвол вужудга келдики, турар жой иморатлар қурилишини ва шаҳарлар қиёфасини бир хилликка олиб келдики, натижада қишлоқ ва туман марказларининг қиёфалари бир бирига ўхшаш, Республикамизнинг табиий-иклим шароитига тўлиқ жавоб бермайди. Бунинг сабабларидан бири Республикамиз шаҳарсозлигида бир хил турда 1-2 қаватли турдаги наъмунавий қишлоқ ва 2-4 қаватли кўп секцияли уйлар қўлланишидир. Бу турдаги уйлар ҳозирги кунда фақат оила сонига жавоб бера олади, бошқа талабларга масалан, оилаларнинг хусусий хўжалик, тадбиркорлик ишларига эса буткуллай жавоб бермайди.

Юқоридаги камчиликларнинг бартараф этиш борасида қишлоқ ва кичик шаҳар уйлар хоналарнинг ҳажмий-режавий ечимларини такомиллаштириш, уйларнинг ҳар бири ёзги хоналар тизимининг янги турларга ўтиш, хўжалик юритувчи оилалар учун янги типдаги қишлоқ ва шаҳар турар жойлар уйларни яратиш ҳамда очик, ярим очик ва ёпиқ ҳовлилар тизимини кенг кўламда қўллаш, турар-жой уйларнинг юқори қаватларида квартираларида ер муҳитини яратиш ва Республика регионлари ҳудудида шу жумладан Ургут шаҳрида яшовчи аҳолининг талабларига жавоб берадиган янги замонавий масканларни яратишни тақозо этади. Бу эса Республика минтақалари талаблари ва уларнинг атроф муҳитга мос масканларни яратиш орқали амалга оширилади.

Ҳозирги даврда, ҳориж мамлакатларида қишлоқ ва шаҳар кам қаватли уйларнинг янги авлоди яратилган ва натижада иморатлар қурилишининг зичлигини оширишнинг юқори курсаткичига эришилган. []

Республиканинг, шу жумладан Самарқанд вилояти ва қишлоқ, туман

марказлари ва шаҳарлари қурилиши, унинг кўлами ва ривожланиш тараққиётини аниқлаш, иморатлар қурилиши тарзини янгилаш, кам қаватли ҳовли турар-жой уйларнинг янги замонавий авлодини яратиш нафақат қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуши фаровонлигини яхшилаш ҳамда иморатлари қурилиши зичлигини оширишда 1-2-3 қаватли ҳовли уйлар тизимини қўллаш мақсадга мувофиқдир. [16,20]

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, диссертацияда Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) қишлоқлари ва туман марказлари учун қулай кам қаватли ҳовлили турар-жой уйларнинг янги авлоди ва уларнинг турларини илмий асослаш, лойиҳалаш ва қурилиши бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга, Ургут шаҳри шароитида илмий-тадқиқот ва лойиҳалашда қуйидаги система: «Блок - квартира + ҳовли + хўжалик + ишлаб чиқариш + уй» турар-жой бирлиги кўриб чиқилади. Ана шу объектларнинг бир-бирига боғлиқлиги шаҳарсозлик тизимининг яхлитлик сифати, ҳамда бу масалаларнинг долзарблиги диссертацияга мавзу сифатида танлашимизга асос бўлади.

Ўзбекистон қишлоқ уйлар қурилиши, турар жой масканлари архитектураси метадология ва типологияга оид асарлар ичида, Р.Р. Абдурасулов, М.К. Ахмедов, М.С. Бабиевский, А.А. Дмитриев, В.А. Махкамов, А.В. Эсенов, А.С. Уралов, Х.М. Убайдуллаев, Тоштемиров Р.Т, Фармонов А. ва бошқаларнинг ишларини алоҳида кўрсатиш керак бўлади. Ўзбекистон халқ уйлари архитектураси ва қурилиши тарихини ўрганишга бағишланган асарлар ичида В.Л. Лавров, В.А. Дмитриев, П.З. Зоҳидов, В.Н. Варонина, Р.Р. Абдурасулов, Л.И. Ремпель, И.И.Ноткин, Д.А.Нозилов, Р.Т. Тоштемиров ва бошқаларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир.

Республикамызда қишлоқ ва шаҳар турар-жой архитектураси ва қурилишининг ривожланишига Л.Т. Адамов, Х.А. Асомов, М.С. Булатов, Л.Караш, В.А. Дмитриев, О. Махкамов, Т.Ф. Кодирова, И.И. Ноткин, И.С.

Метпорт, Ф.Ю. Турсунов, А.С. Косинский, В.Якушев, Р. Валиев, А.Р. Тахтаев, И.М. Солихужаев каби Республикамининг машхур архитекторлари катта хисса қўшдилар.

Ўзбекистон турар-жой умумий методология концепциясини ишлаб чиқиш бўйича И.И. Ноткин, Г.И. Коробцев, Л.Н. Русанова, Г.Д. Гитберг, О.С. Жабборов, Г.Д. Раппорт, Р.Т. Тоштемиров, Г.Д. Польштарак ва бошқаларнинг илмий ишларни санаб ўтиш ўринлидир.

Республикамининг турар-жой архитектураси ва қурилиш муаммолари бўйича ҳозирги кунда УЗЛИТИИ шаҳарсозлик, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» ва бошқа илмий текшириш институтлари билан биргаликда ТАҚИ ва СамДАҚИ архитектура ва қурилиш факултети илмий ходимлари ҳам иш олиб бормоқда.

2. Тадқиқот объекти ва предмети. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри ва туман марказлари учун кам қаватли ҳовли уйлар тадқиқот объекти қилиб олинди.

Тадқиқотнинг предмети «Блок квартира + ҳовли +хўжалик ишлаб чиқариш + уй» модели ва турар жой гуруҳи бирлиги ва турар жой тизимида ривожлантирилган ёзги хоналар «атриум + холл + қишқик боғ» моделини қўллаш ва уларнинг боғлиқлиги ва тамойилларини аниқлаш;

3. Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри ва туман марказлари учун илмий асосланган кам қаватли ҳовлили турар-жой уйларнинг ҳажмий-режавий тизимини шакллантириш ҳамда турар жой иморат қурилиши тизимлашишида «блокквартира + ҳовли + уй» усулини қўллаш ва уларнинг тизимида хўжалик, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ишларини ташкиллаштириш ва шакллантириш таклифлари ва бошқа тавсияларни ишлаб чиқиш.

- Ургут шаҳри халқ уйларининг архитектуравий-режавий ва ҳажмий-фазовий тизимини тадқиқ этиш;

- анъанавий халқ уйларида хўжалик, ишлаб чиқариш ва

тадбиркорлик ишларини уйлар тизимида ташкил этиш ва шакллантирилганлигини тадқиқ этиш;

- Республикамизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» Давлат дастури асосида бажарилган наъмунавий лойиҳалар ва қурилишни комплекс таҳлил қилиш;

- хориж мамлакатларида замонавий кам қаватли турар-жой уйларнинг режавий тузилиш ва ҳажмий-фазовий шакллантиришини комплекс таҳлил қилиш;

- Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри ва туман марказлари учун «блок квартира + ҳовли + уй» модели асосида кам қаватли ҳовли турар жой уйларнинг ҳар ҳил турдаги ҳажмий-режавий тузилишининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш;

- Ургут шаҳри аҳолисининг меҳнат фаолияти асосида кам қаватли ҳовли турар жой уйларнинг турларини аниқлаш;

- «Блок квартира + ҳовли + хўжалик + ишлаб чиқариш + уй» модели асосида уйлар гуруҳлари ва маҳалла бирлиги, уларнинг бир-бирига структуравий боғлиқлигини аниқлаш ва тамойилларини ишлаб чиқиш;

- аҳолининг уйда тадбиркорлик хўжалик ва ишлаб чиқариш ишлари билан шуғулланиш учун меъёр нормаларини аниқлаш ва ҳаётга жорий қилиш;

4. Тадқиқот услубияти ва услублари. Тадқиқот қуйидаги комплекс методи асосида олиб борилди:

- кам қаватли ҳовли турар-жой биноларининг типологик қатори ва архитектурасини ҳамда унинг тизимидаги хўжалик, тадбиркорлик ишлаб чиқаришни комплекс ўрганиш;

- Республикада кам қаватли турар жой уйлари ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» Давлат дастури асосида бажарилган қишлоқ уйлари наъмунавий лойиҳалари ва қурилишни комплекс тадқиқ этиш.

- хориж мамлакатларида кам қаватли биноларини лойиҳалаш ва қурилиш тажрибаларини илмий адабиётлар асосида ўрганиш;

- янги авлод «Блок + квартира + ҳовли + ишлаб чиқариш + уй» тизимига қўшимча равишда ёзги хоналар тизими ва тадбиркорлик ишларини ташкиллаштириш системасини киритиш ва барпо этиш борасида кузатувлар олиб бориш.

5. Илмий янгилик. Самарқанд вилояти Ургут шаҳри Қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) архитектуравий – режавий ташкиллаштириш, қишлоқ ва туман марказларида турар-жой қурилишини олиб бориш учун, вилоят ҳудудларининг архитектуравий-қурилиш районлари аниқланди; Лойиҳалаш ва иморатлар қурилишида «Блок + квартира + ҳовли + ишлаб чиқариш + уй» модели асосида замонавий кам қаватли ҳовли турар жой уйларнинг ҳажмий-режавий шакллантириш ҳамда уларнинг тизимида хўжалик тадбиркорлик ишларини ташкиллаштириш тамойиллари ва унинг методикасини такомиллаштириш;

Самарқанд вилояти Ургут шаҳри ва туман қишлоқлари ва марказлари учун кам қаватли ҳовли турар жой уйлар ва турар жой гуруҳларини ҳажмий-режавий тизимини шакллантириш тамойиллари ишлаб чиқилди;

6. Амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, Самарқанд вилояти Ургут шаҳри қишлоқ ва туман марказлари шароитига таклиф қилинган замонавий кам қаватли ҳовли турар-жой уйлар ва уларнинг тизимидаги хўжалик, ишлаб чиқариш тадбиркорлик ишларини ташкиллаштириш ва уларни оптимал «Блок + квартира + ҳовли + хўжалик + ишлаб чиқариш + уй» тизими асосида ижтимоий-иқтисодий, табиий-илмий, архитектура ва шаҳарсозлик талабларига тўлиқ жавоб беради ҳамда қурилишнинг иқтисодий самарадорлигини оширади, уларнинг бадиий- архитектуравий композициялари қишлоқ ва туман марказларининг ташқи қиёфасининг кўркемлигини яхшилашга олиб келади:

Диссертация кириш, уч боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иллюстрациялар материаллардан иборат. Умумий

ҳажми 90 бет, расмлар, схемалардан иборат, фойдаланилган адабиётлар рўйхати -38 та.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусини долбзарблиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, муаммонинг ишланганлик ҳолати, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот предмети, объекти, бажарилиш услубияти ва унинг амалий аҳамияти очиб берилган.

Биринчи бобда, Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, қишлоқ ва туман марказларида кам қаватли турар жойларнинг шаклланишига таъсир қиладиган омиллар кўриб чиқилган ва Ургут шаҳри қишлоқлари ва туман марказларида турар жойлар қурилишини олиб бориш учун архитектуравий - қурилиш районларининг чегаралари аниқланди, қурилиш район ва кичик районларнинг умумий характеристикаси берилган ҳамда социал-демографик омиллар ўрганилган ва миллий урф-датлар ҳамда қишлоқ оилаларнинг турар жойида хўжалик, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятлари ҳам қараб чиқилган, уларнинг асосида кам қаватли ҳовли турар-жойларга талаблар аниқланган.

Иккинчи бобда, Республикамизда ҳамда Ургут шаҳри ва қишлоқ уйлари ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» Давлат дастури асосида бажарилган қишлоқ уйлариининг наъмунавий лойиҳалари ва қурилишини комплекс таҳлил қилинди. Кам қаватли ҳовлили турар жой уйлариини турларининг ҳажмий-режавий тизимлари ва уларнинг квартиралари ҳамда ёзги хоналар структурасини ташкиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш тенденциялар ва усуллар, таҳлиллар ва бошқа материаллар берилган. Бундан ташқари иссиқ иқлим шароитида ҳар бир тип турар-жой уйлари хонадонларининг архитектуравий-режавий ечимлари кўриб чиқилган, ҳамда тадбиркорлик ва хўжалик хоналари ва ишлаб чиқариш турлари ва уларни ҳовлилар ва ишлаб чиқариш блокларини ташкиллаштириш ва бир-бири билан боғлаш масалалари ҳам қаралган.

Учинчи бобда, Хўжалик ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик

ишларини юритувчи оилалар учун кам қаватли ҳовлили уйларнинг хажмий-режавий ечимлари ва ташкиллаштириш таклифлари, уларнинг бириктириш (туташтириш) тамойиллари, композициялари, иморатлар қурилишини ташкиллаштириш усуллари ва Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри қишлоқ ва туман марказларида уларни қўллаш тавсиялари берилган.

Хулоса қисмида диссертация натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва лойиҳалар мулоҳазалар берилган.

Диссертация мавзуси бўйича 2 та илмий мақола чоп этилган. Улар СамДАҚИда ўтказилган (2016) профессор-ўқитувчилар ва ёш олимлар илмий конференцияларида доклад қилинган.

1-боб. Самарқанд вилояти Ургут шаҳри шароитида кам қаватли турар жой уйларни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар

Ўзбекистоннинг қуруқ иссиқ иқлимига мос турар-жой биноларини лойиҳалаштиришни такомиллаштириш, янги типларини яратиш, Республикамиз замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Самарқанд вилояти шароитида кам қаватли турар жой уйлари ва мажмуаларининг энг қулай ҳажмий-режавий тузилишини ва турларини аниқлаш учун асосий шакллантирувчи ва вужудга келтирувчи омилларини мукаммал тадқиқ этиш керак бўлади.

Шундай омиллар қаторига қишлоқ аҳолисининг социал-демографик, миллий аҳолининг ўзига хос хусусиятлари ва турар-жойларни функциявий ташкил этиш, табиий-иқлимий, қурилишнинг моддий ва индустриал базаси ва ҳ.к. киради.

1.1 Социал-демографик омиллар хусусиятлари

Бу омилларни ўрганишга жуда кўп мутахассислар аҳолишунос, социологлар, психологлар, демографлар, архитекторлар ўз илмий ишларини бағишлаганлар. Кўрсаткичларнинг жами аҳоли таркибига кўра кўпроқ ёши ва жинсининг, оила ва унинг динамик ўсиши, ижтимоий тузилишлари лойиҳалашда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий - демографик текширувлар ҳар хил аҳоли контингенти учун мос уйлар турини қуриш бўйича, ва уларнинг уй ва квартира тизимини аниқлаш ҳамда уларнинг қурилиши бўйича илмий асослаб бериш имкониятини беради. [13,14,29]

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва шаҳарлар аҳолисининг демографик характеристикаларини ўрганиш эса ҳар хил типдаги уйлар ва хонадонларни лойиҳалашнинг янги сифатини юқори даражага кўтаришда ёрдам беради. Ўзбекистон аҳолисининг социал-демографик характеристикалари жуда хилма-хилдир, чунки Республикада 40 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Шунга қарамай, турар-жой яшаш шароитини яхшилаш нуқтаи назаридан қаралса, асосий ижтимоий-демографик кўрсаткичларни шакллантириш мумкин.

Оиланинг ҳажми, оила аъзоларининг жинси, ёши, маълумоти, бандлик даражаси, оиланинг ички ва ташқи алоқалар системаси ва бошқалар турар жойнинг характериға қишлоқ ва шаҳарлар жойлашувининг ўзига хослиғига, маиший хизмат кўрсатиши, дам олиш тизимларининг ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади. [13,14,18]

Турар жойнинг социал аҳамияти жамиятимизнинг ижтимоий ривожланишидаги, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматимиз социал-иқтисодий сиёсати туфайли халқимиз янги босқичга ўтадики, бу ўз-ўзидан аҳолининг янгича турмуш фаровонлигининг тарзини пайдо қилади, меҳнаткашларнинг яшаш шароити яхшиланиши ва ўсишига олиб келади, ижтимоий гуруҳлар янги-янги сифатларга эга бўлади ва турмуш тарзи зиёлиларга яқинлашади. Бунинг оқибатида оиланинг бу янги сифатлари бутун оила аъзоларининг маънавийлашуви ошиб бориб, аҳолининг барча социал гуруҳлари учун шинам ва қулай шароитларнинг яратилишида асос бўлиб хизмат қилади. [1,2]

Республика ҳукуматининг иқтисодий ва социал сиёсати туфайли ўзбек оилаларининг ўзига хос илғор анъаналари бошқа миллат ва элатларнинг тарихини ҳурмат қилган ҳолда байналминал ва бошқа миллат оилаларининг социал ва демографик тадқиқотлари ва айнан шу нуқтаи назардан ўрганилди ва олиб борилди. []

Аҳолининг социал таркиби сўнги пайтларда архитектура ва аҳолишунослик фанларининг аҳолининг турар жойга бўлган талабларини (уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан, маълумотлилик даражасидан, касбларидан келиб чиққан ҳолда) ўрганиш мақсадида бир қанча социологик кузатувлар ва илмий текширувлар ўтказилмоқда.

Аҳолининг оилавий тузилиши оила структураси, жинсий ёки ёшига кўра оила таркибининг у ёки бу томонга ўзгариши, маиший анъаналари ўзига хослиғи Республикада уйлар типларининг яшаш хоналарининг шаклланишида катта роль ўйнайди. Республика аҳолисининг ўзига хослиғи шундаки, ёлғиз оилалар кам фоизни ташкил этади, айниқса бу қишлоқларда йўқ ҳисоби.

Ёлғиз оилаларнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари айниқса, саноат шаҳарлари ҳисобланган Фарғона, Чирчиқ ва Навоийда кўпроқ

кузатилиб, Самарканд, Гулистон, Қарши, Бухоро каби марказий шаҳарларда бу кўрсаткичлар анча пасаяди. (18,7-16,5%). Саноат ривожланган шаҳарларда айниқса, ўқув юртлари кўп бўлган жойларда ёш авлод кўпчиликини ташкил қилади. Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг демографик характеристикаси тубдан фарқ қилади. 1970 йилда собиқ Иттифокда аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра шаҳар оилаларининг ўртача катталиги 4,5 кишига тўғри келиши ўзига хос хусусиятлардан ҳисобланади. Бундай юқори кўрсаткич Республика бўйича катта оилалар (6 киши ва кўпроқ)нинг нисбатан кўплиги сабаблидир. Бундай оилалар 1979, 1990, 2000 йиллар текширувига кўра 42%ни ташкил этади. (1,3-расм)

Ўзбекистонда катта оилаларнинг ўсиб бориши аҳолининг юқори эканлигини қайд этиш зарур:

1939 йил -22,3% бўлса (шу ҳисобдан 14,2 % шаҳарларда) 1945 йилда эса 29,8% (19,7% шаҳарларда)ни ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳар 1000 кишига аҳолининг туғилиши (%)

жадвал 1

Йиллар	1940	1950	1960	1965	1969	2000
Ўзбекистон	33.6	30.9	33.9	34.5	32.7	31.3

Уйларнинг турларини ишлаб чиқишда оилаларда болалар сонига эмас, балки туғилишидаги оралиқ ҳам аҳамиятга эга. Олиб борилган тадқиқотларга кўра бу оралиқ 1-2,5 йилни ташкил этади. Бу зайлдаги, маҳаллий оилалардаги туғилишнинг юқори кўрсаткичлари, аксинча бошқа миллат оилаларидаги туғилишнинг жуда паст кўрсаткичлари аҳолининг ўзига хос структурасини юзага келтирадики, бу ўз навбатида уй-жой турлари номенклатурасига нисбатан ўзига хос талаблар келтириб чиқаради. Бу ҳолга аниқлик киритиш учун ҳеч бўлмаса умумий кўринишдаги оилавий структураларнинг келажакдаги ўзгаришини олдиндан кўра билиш зарур. [14,30]

У қуйидаги омилларда ўз аксини топади: ҳар хил гуруҳий шаҳарларда яқин келажакда аҳоли туғилиши юқорилигининг сақланиб қолиши ва жуда узоқроқ келажакда эса туғилишнинг камайиши; умр узайиши ва ўлим сонининг камайиши; мураккаб оилаларнинг тузилиши каби факторлардир. Ўзбекистон шаҳарларида оилавий структура ва

аҳоли ўсишининг динамикаси жуда хилма-хилдир. 2-жадвалда Тошкент шаҳри ва Республиканинг бошқа саноат шаҳарларида оила ҳажмининг ўртача кўрсаткичлари келтирилган.

жадвал 2

Миллати	Ҳоиз	Оила ўртача ҳажми, 100 киши ҳисобида
Ўзбек	40-50	5,8
Рус	30-35	3,9
Бошқалар	15-30	4,3

Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳарларида энг кўп тарқалган оила турларидан 3-4 болали оилалардир. (46-57%). Текширишлар шуни кўрсатадики, ҳар бир маҳаллий оилаларда 1 та ёки иккала қария (отана) ҳам биргаликда яшайди. Бу эса қишлоқ аҳолисининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади (оддий оилаларнинг солиштира нисбати 75% ни ташкил қилади).

Қишлоқ ва кичик шаҳарларда, оилада оила аъзолари сонининг кўплиги, кўп авлодлилиги туғилишнинг юқорилиги, оила юмушининг кўплиги оғирлиги катта ҳажми кўпроқ айёллар зиммасига тушиши маҳаллий аҳоли оилаларининг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. [13,14,30]

Оилалар динамикаси. Турар жой фақат оила таркиби ва структураси талабларигагина эмас, балки унинг ўзгаришларига ҳам жавоб бериши керак. К.Карташева услубига кўра, оила ривожланишини 3 даврга ажратиш кўрсатиш мумкин. 2 давр - оиланинг шаклланиши ва ривожланишини ўз ичига олади; бу даврда 1-галда оила сонининг ўзгариши туради. 1-давр: шаклланган оиланинг ривожланиши оила аъзолари социал ҳуқуқларининг ва ёшининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳолда ривожланади. Оиланинг ҳаётӣй фаолиятини педагоглар, врачлар, психологлар ва архитекторларнинг фикрига кўра 5 циклга бўлиш мумкин. Ўзбек оилаларининг ҳаётӣй фаолияти вақтга нисбатан ўзгариши билан ажралиб туради. Ўзбек оилаларининг 5-цикли - фаол пенсия олди даври, шунингдек пенсия (эрта, ўрта ва кечки) даврга тўғри келади. Эр-хотин пенсия олди даврида фаол меҳнат ва маданий-маъиший фаолиятини давом эттиради,

меҳнат қилишга лаёқатлидир; оила бошлиғи оилани бошқаради ҳамда болаларга ҳам ёрдам беради. Ўрта пенсия даврида эр-хотин жамоатчилик ишларида иштирок этмасада, оила умумий ҳаётида ва жамоатда иштирок этиб, ўғиллардан бирортаси билан биргаликда яшайди. 1990-2000 йиллардан ўзбек оилаларда ёш оилалар алоҳида ажралиб жойлашиши, социал ривожланиши ва илмий техник тараққиёт ҳисобига янги сифатга ўтади. Ўзбек оилалари келажакда 7 циклик ҳаётга ўтиш мумкин. [13,14,30]

Ёши ва жинси структураси. Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг ёши ва жинсий структураси географик жойлашуви, этник келиб чиқиши ва ҳажмига кўра ўзига хос хусусиятларга эга.

Эркак ва аёллар сонининг мутаносиблигини, аҳолининг ўртача ёши, қанча эканлигини аниқ тасаввур қилиш муҳимдир. Мана шу ўзаро муносабатлар аҳолининг турар жойга бўлган талабларини аниқлаштиради. Ўзбекистон аҳолисининг ёшига кўра пирамидаси қуйидаги кўринишга эга: аҳолининг 0 ёшдан 24 ёшгача 53,42% ини, ўрта ёш 38,25% ини ташкил этади. Аҳолининг ёш ва жинси структураси шаҳарлар бўйича бир-биридан фарқ қилади. Айниқса ҳозирги 0 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар 64% ташкил қилади. [13,30]

Саноат шаҳарларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ва ёш болаларнинг кўплиги ўзига хосдир (Фарғона, Навоий, Олмалиқ, Чирчиқ). Саноат кам ривожланган Ургут, Хива ва Шаҳрисабз каби шаҳарларда нисбатан қария ва болалар сони кўпчиликини ташкил этади. Республикада 0 дан 44 ёшгача бўлган аёллар ва эркаклар сони тенг бўлса, 55 ёшдан ошган аёллар сони эркаклар сонидан кўпроқ.

Шунга кўра, Республикамизда: туғилиш юқори ва ўлим кам; аҳолининг табиий кўпайиши юқори; 0 ёшдан 44 ёшгача бўлган аёллар ва эркаклар сонининг тенглиги; ўрта ёшлилар гуруҳининг ошиб бориши, 55 ёшдаги аҳоли ўртасида аёллар сонининг кўплиги ёш ва жинсий структурасининг ўзига хослигини намоён этади.

1.2 Табиий-иқлим шароитлари.

Ўзбекистон минтақаларида қурилатган кам қаватли турар-жой

биноларининг меъморий режаси, ҳажмий-фазовий ечимлари, композицияси, иморатлар қурилишига таъсир курсатадиган асосий омиллардан асосийси табиий-иқлим шароитидир.

Ижтимоий-демографик, қурилиш-техник иқтисодий каби факторлар билан бирга турар-жой меъморчилигига энг катта ва доимий таъсир кўрсатувчи қуёш радиацияси (тўғри, қайтарилган ва йиғинди), ҳаво ҳарорати, намлик, шамол йўналиши ва тезлиги, жой орфографияси ва ер устки қатлами характери, сув ресурсларининг мавжудлиги, яшил экинларни ўстириш имкони ва бошқа табиий-иқлим факторлари таъсир кўрсатади. [17,24,25,33]

Шундай қилиб, Ўзбекистон шароитидаги турар-жой меъморчилигида бир қатор табиий-географик муҳит комплекслари ўзаро таъсирини меъморчиликда ҳисобга олинишини комплекс иқлимшунослик (метеорология, актинометрия ва бошқалар) фани беради. Амалий қурилишда иқлимшунослик фанининг сезиларли ривожланиши нафақат тегишли қурилиш меъёрий ҳужжатлар («ҚМҚ 2.07.01.94 Турар жой бинолари» “шаҳарсозлик”. ШНҚ 2.08.01-05 “Турар жой бинолари” ва бошқалар)да , балки бир қатор турар-жойлар ва шаҳарсозлик типизация масалаларини ечишда табиий-иқлим шартларини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш ҳамда районлаштириш услубларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган. [18,25,30]

ТошЗНИИЭП, “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” институти Республика минтақалар ҳудуди иқлим шароитларини баҳолашда иситиш даври давомли ва шамолнинг ижобий натижасидаги унинг тундаги ўртача тезлиги олиниб, турар жой бино хонадонлар хоналарининг температураси биноларда сунъий совутиш ускуналарида зарурлиги ва характери билан белгиланади. Бу усул Ўзбекистон минтақалар ҳудудларини районлаштириш учун асос қилиб олинган ва бунга асосан иситиш даври давомийлиги билан фарқ қилувчи 4 та район ажратилган. I-45 кунгача; II-45-60 кун; III-90 ва ундан ортиқ кун ва IV -иситиш мавжуд эмас. [18,30]

Ўзбекистон шароитида турар-жойларни лойиҳалашда ҳозирги замон

шаҳарсозлиги талабларига биноан иқлим типологиясида табиий муҳит шароитлари комплекс баҳолаш ва Республика турли қишлоқ, шаҳарлари ҳудудини микроиқлим районлаштиришга ягона ёндошишни талаб этади. [30]

Бундай услуб асосан қуруқ иссиқ иқлим шароитида кам, ўрта, куп қаватли турар жой ва иморатлар қурилиши, шаҳарсозлигини ташкил этишни тўлалигича, лойиҳалаш учун зарур бўлган ўта аниқ типологик ва шаҳарсозлик шартлари ўрнатилиши мумкин бўлиб, қишлоқ ва шаҳар ҳудудида ва республиканинг алоҳида меъморий-қурилиш районлари локал хусусиятлари аниқланади.

Районлаштириш қуйидаги структурага эга: «зона, район, район олди микрорайон». Районлаштиришнинг биринчи стадиясида зона чегаралари аниқланади, иккинчида-район ва район олди чегаралари учинчида-шаҳар ва аҳоли пункти жойлари микрорайонлаштирилади. Районлаштиришнинг бундай структураси-турар жой ячейкасида то кам, ўрта, кўп қаватли турар-жой ҳажмий режавий структурасигача, ҳамда турар жой иморат қурилиши ва бутун шаҳар фазовий композициясини шакллантириш ва меъморий лойиҳалашда табиий иқлим типологияси асосларини аниқлаш ва ўрнатиш имконини беради.

Мазкур ишда тавсия этилаётган Республика ҳудудини меъморий-қурилиш районлаштириш усули конкрет қурилиш жойини аниқловчи иқлим факторларини ҳисобга олган ҳолда табиий иқлим шартлар комплексини ўрганиш имконини беради. [18,25,30]

Қуйида келтирилган маҳаллий макро ва микроиқлим шартларини ўрганиш босқичлари иқлим трансформацияси ва унинг кенглигида, вертикал кесимда ва ер усти қатлам тўшамаси ҳажмидаги унинг спецификацияси ҳақида аниқ тасаввур олиш мумкин бўлади.

Қуруқ иссиқ иқлим шароитида олинadиган ёз ва қиш даври сифат баҳоси инсоннинг атроф муҳит билан ўзаро муносабатини аниқлайди. Ёз даври характери билан шунингдек баҳор-куз даври давоми ҳам боғланган. Қиш даври-куз-қиш-баҳор даврлари билан чамбарчас боғлиқдир. Анна шу икки давр лойиҳалашда муҳим ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммаси турар жой ячейкасининг хонадонлари умумий

режалаштиришда хоналар йиғиндиси ва турлари ҳамда уларнинг ўрнини аниқлайди. Ўз навбатида маҳаллий табиий иқлим шартлари спецификацияси бинонинг хажмий-режавий структурасини ва шаҳарсозлик типологиясини ҳам аниқлаб беради.

Физик-географик шароитлар. Республика ҳудудининг иқлим хусусиятлари унинг ички китъавий жойлашиши ва атмосфера намлигини бу ерга етказиб берувчи асосий манба ҳисобланган океанлардан узоқлиги билан аниқланади. Ўзбекистоннинг 37-45° шимолий кенгликда жойлашиши, унга куёшнинг нисбатан катта баландликдлиги бўлиб, иқлимнинг умумий характеристикасини белгилайди.

Ўзбекистоннинг субтропик иқлими Орол денгизи, Қизилқум ва Қорақум чўллари ва Тяньшан ва Помир-Олтой тоғ тизмаларининг мураккаб рельефлари таъсиридан ўз кўринишини кўп марталаб қуруқ субтропикдан то нормал субтропикгача тоғ бағри ва тоғ оралиғи чуқурликларида, ғарабда нормадан совуқ ва намагача баланд чуқурликларда ўзгариб туради. [18,30]

Ўз иқлимига унинг ҳудудида ва ташқарисида жойлашган тоғ тизимлари оғта таъсир кўрсатади. Республика жануби-шарқдаги Тяньшан тўсиғи шимол ва шимоли-шарқдан жанубга совуқ қуруқ континентал ҳавонинг кириб келишига қаршилик кўрсатади. Одатда совуқ масалар катта қувватга эга эмас. Шунинг учун ҳатто нисбатан баланд бўлмаган Қоратоғ чўққиси ва республика марказида жойлашган Нурота чўққиси иқлим бўлувчи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг турлича иқлими, турли физик-географик шартлар ва иқлимни яратувчи факторлар таъсиридан йиғилган бўлиб, қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: текис ҳудудлар, тоғ тизмалари ва тоғбағри ва тоғ оралиғи чуқурликлари иқлим яратувчи факторлар (расм-1,4)

1. Текис ҳудудлар. Республиканинг ғарбий ва марказий қисмлари текисликлардан иборат бўлиб, у ерда Устюрт плотаси, Қизилқум чўли ва Орол денгизлари жойлашган. (расм 1.2, 1.3)

Республиканинг текис ҳудудлари иқлим ташкил этувчи факторлар -

Орол денгизи, Устюрт плотаси, Қизилкум, Қоракум ва чўллар орасидаги водийлар ҳисобланади.

Бу ерда иқлим кескин-континентал бўлиб шимол ва жануби-ғарбдан глобал циклон ва антициклолар иштирокида ҳосил бўлади ва шунинг натижасида бу ҳудудда қишда кучли шамоллар ғарбдан эсиб қуруқ совуқ (январда -15°) езда эса ($25-30^{\circ}\text{С}$ гача) чанг шамолли қизишлар кузатилади.

2. Тоғли ҳудудлар. Республиканинг тоғли районлари Тянь-Шан ва Помир-Олойнинг турли тизимларига қарашли бўлиб, Ўзбекистон ҳудудига уларнинг этаклари кириб келган ҳалос. Уларнинг денгиз сатҳидан 5-6 минг бўлган юқори нуқталари Республикадан ташқарида жойлашган. (расм 1.2, 1.3)

3. Тоғ этаклари ва оралик чуқурликлари. Ўзбекистон тоғ тизимларига тоғ этаклари ва оралик чуқурликлари тўғридан тўғри уланиб кетади. Улардан энг йириклари қуйидагилар: шимолда Чирчиқ-Ангрен ва Мирзачўл тоғ этаклари чуқурлиги Тянь-Шан тоғтармоқлари орасида жойлашган, жанубда Туркистон Мальгузор, Нурота тизмалари. Форгона хавзаси республиканинг шарқ қисмида Тянь-Шан ва Помир - Олой тоғ тизмалари оралигида жойлашган. Сангзор-Нурота чуқурлиги нибатан ингичка тасма кўринишида Мальгузор ва Нурота тизмалардан жануброқда чўзилган бўлиб, жанубда Чукмартов ва Оқтов тоғлари билан чегараланган. Зарафшон чуқурлиги жанубдан Зарафшон тизмаси ва шимоли-ғарбда Чукмартов ва Оқтов тоғлари билан чегараланган. Қашқадарё чуқурлиги учбурчак шаклида бўлиб Зарафшон ва Ҳисор тизмалари тармоқлари оралигида жойлашган. Ундан шарқда нисбатан катта бўлмаган Китоб-Шахрисабз хавзаси бўлиб ғарбда асосий чуқурлик аста-секин кенг қумли чўл текислигига айланади. Сурхондарё чуқурлиги Ўзбекистон ҳудудининг четки жунаби-шарқий ҳолатини эгаллаган ғарбда у Ҳисор тизмаси (Сурхонтов) тармоқлари билан, шарқда эса Боботоғ тизмаси билан чегараланган. Қия тоқ этаклари баъзан эни 100 ва ортиқ километрдаги текис тасмалар ҳосил қилади.

Тоғ этаклари ва ораликлари чуқурликларида асосий иқлим яратувчи факторлар сифатида бошқа районлардаги каби қуёш радиацияси ва

ўртача кенгликлар эрон тармоғи циклонли фаолияти ва бошқдлар ҳисобланади. Бироқ бу чуқурликларнинг тоғ тизимлари ва текис ҳудудлар орасида чегаравий жойлашганлиги ва у ёки бу ҳудуднинг иқлим яратувчи факторларнинг бир вақтидаги таъсири ҳар бир чуқурликларнинг маҳаллий иқлимнинг шаклланишига таъсир кўрсатганлиги ҳарорат ва шамол режимларини турлича бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган иқлим яратувчи факторлар асосида районлаштирилган республика ҳудуди физик-географик шартлар ва вертикал белбоғ бўйича қуйидаги минтақаларга бўлинган: Устюрт, Қуйиамударё, Қизилқум, Қуйизарашон, Ўртазарафшон, Мирзачўл, Чирчиқ-Ангрен, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё,

Шамол режими шароитлари. Шамол режимини баҳолаш анча мураккаб, чунки республика ҳудуди бўйича кундузги ва кечаси шамол тезлигининг тақсимланиши ўзига хос хусусиятга эга.

Ҳаво режимини баҳолаш асосида қуйидаги кўрсаткичлар ётиши керак: йиллик ва суткалик ҳаво йўналиши қайтарилиши (шамол юлдузи, шамол устунлиги, шамол тезликлари турли градациялар эҳтимоли ва узлуксизлиги; шамол йўналиши ва тезлигининг бошқа метеоролог элементлар билан айниқса ҳаво ҳарорати билан биргаликда қайтарилиши мумкин.

ТашЗНИИЭП ва “Қишлоқ қурилиш лойиха” институтлари томонидан республика ҳудудининг июл ойи кечасининг ўртача шамол тезлиги ва (чанг-шамол режими бўйича) районлаштириш харитаси тузилган бўлиб, унда чанг бўронлари тарқалиши, атмосферанинг юқори чанглиги, ҳамда хавф келтирувчи шамоллар зоналари ажратиб кўрсатилган.

Республиканинг ғарбий ва марказий қисмлари учун киш вақтининг энг характерли шамоли булиб тезлиги 5-6,5 м\с булган шимолий ва шимолий-шаркий шамоллар, шаркий ва жанубий қисмларда эса тезлиги 4-4,5 м\с булган шимоли-шаркий шамоллар ҳисобланади.

Ёз даврининг энг куп эсадиган шамоллари турлича йуналишда булади: Устюрт регионида шимоли-ғарбий, Қуйиамударё, Қизилқум ва

Қуйи Зарафшонда -шимолий, Қашқадарёда - шимоли-ғарбий.

Тоғли ва унга яқин районларда, маҳаллий циркуляцион жараёнларни таъсирдан энг куп эсадиган шамоллар йуналиши узгаради ва мураккаб , турлича шамол режими - баъзи жойларда ҳалокатли шамоллардан то тулиқ тинчликкача ҳолат яратилади.

Республиканинг ғарбий ва марказий қисмларида йилига 40 -50 кунни ташкил этувчи чанг бўронлари тарқалган .Бу ҳудудларда ҳаво таркибидаги чанглик катталиги кузатилади.(расм 1.4).

Шамол характерини табиий-иклим шаротлари , йил фасли ва регионидан боғликлигини урганиш ва таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон шаҳарларига хос бўлган январ ва июл ойлари учун шамол қайтарилиши ва тезлиги бўйича шамол юлдузлари тузилган.(расм. 1 .4) [25,30]

Ўзбекистон ҳудудларини физикавий - иқлим районланишида шамол тезлиги радиацион ва термик режимга таъсир этеувчи омил сифатида ҳисобга олинади. Бироқ шамол атроф муҳитга ҳам анчагина аэродинамик таъсир курсатади: чанг бўронлари, тўполон, гипервентиляция зоналари. Ўзбекистон ҳудуди бўйича бу ҳодисалар кенг тарқалган. Шамоллар характеристикаларини комплекс таҳлили чанг бўронлари манбаалари тарқалиши билан шамол активлиги даражаси кам ва ўрта каватли турар-жойларда алоҳида меъморий-режавий ечилар талаб этиб, турар-жой хонадонларида ва қурилишида яхши микроиклим яратиш билан фарқ қиладиган иккита районга ажратиш имконини беради.

Улардан, биринчиси Ўзбекистоннинг ғарбий ва марказий қисми бўлиб, ёзги лаврда чанг буронлари ва анчагина чанг -шамол фаолият билан характерланади. етарлича бўлади.

Бироқ баъзи жойларда чанг бўронлари бўлиши мумкин. Турар-жой ҳоналари ва қурилишининг микроиклимини яхшилашдаги асосий чоралари оптимал шамоллатиш учун шароит яратишга олиб келади.(14,1,5). Ҳалқ меъморчилигида турар-жой типларини шакллантиришда бу омилларни тўғри ҳисобга олишнинг етарлича мисоллари мавжуд. (расм 2.1). [18,30]

Шамол ва термик режимлар хусусиятлари билан боглиқ, топологик чораларнинг тахлили кўрсатадики, шамолнинг ёмон таъсиридан турар жойларни химоялашда худуднинг термик режаси ҳам яхшиланиши кузатилади. Бу ўз навбатида районлаштириш асосига шамол режими динамикасини ҳисобга олишга имкон берада.

Мухандислик-геологик шароитлар. Ўзбекистонда тураржой қурилиши мураккаб муҳандис-қурилиши ва оғир табиий-иклим шароитларида олиб борилади. Республиканинг асосий худудлари 9 балли зил-зила районларига қарашли ва кўпгина йирик шаҳарлар - Тошкент, Андижон ва бошқа шаҳарларда 9 балли зил-зила районларда жойлашган.(расм 1.5).

Республика худудида асосан икки типдаги грунтлар мавжуд: II категория чўқувчан лес грунтлар чўқувчанлик қалинлиги бир неча ўн метргача ва II категорияли чўқувчанлиги юқори агрессив сувли (3м ва ортиқ) ва шўр тупроқли грунтлар асосан Қўйи Зарафшон, Ўрта Зарафшон, Мирзачўл, Чирчик , Ангрен, Фарғона ва Қашқадарё районларини эгаллаган: Юқори агрессив сувли ва шўр тупроқли грунтлар Қўйи Зарафшон, Қўйи Амударё ва Мирзачўл, Қашқадарё региони қисмларида тарқалган. [18,30]

Тоғли районларнинг ҳамма жойларида сел ва кўчки ҳодисалар мавжуд бўлиб, бу худудларда баъзи шаҳарлар (Фарғона , Андижон, Жиззах, Ангрен, Олмалиқ ва бошқалар.) жойлашган.

Республиканинг аксарият худуди Ўрта Зарафшон, Сурхондарё, Фарғона ва Чирчик Ангрен регионларининг қисми мураккаб муҳандислик тайёргарлик, ҳамда шаҳар худудларини ободонлаштириш ва сугоришни талаб этади.

Республиканинг юқорида кўрсатилган муҳандислик-геологик шароитлари, кўп қаватли турар-жой биноларини лойиҳалаш ва қурилишни қийинлаштиради, нархи ва техник-иқтисодий кўрсаткичларга таъсир кўрсатади. Улар шаҳарлар кўринишини лойиҳалашга ўзига хос ёндошишни талаб қилиди, махсус конструктив ечимлар ва кам, урта ва кўп қаватли турар-жойлар бунёд этиш

усулларини яратиш ҳамда тураржой ва конструкцияларга махсус талаблар қўяди.

Ландшафт-иклимий шароитлар. Республика худуди кенг ва табиий иқлим шароитлари турлича. Ҳар бир баландлик поясида - текислик, тоғ этаклари, баланд тоғликлар - ўз хусусий рельефи, денгиз сатҳидан турлича баландликдаги билан фарқланади; бу ўз навбатида уларнинг иқлими, ернинг устки тупроқ қопламси, яъни барча ландшафт кўринишларига таъсир кўрсатади.

Республикада мураккаб иқлим шароити ландшафтининг шаклланишида ўз таъсирини кўрсатади. Бунда ҳаво муҳитининг намлик ҳолати ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, чўл ва ярим чўл шароитларида яққол кўринади, чунки бу худудларда чанг бўронлари вужудга келиш хавфи кучли ҳамда яшил ўсимликларни ўстириш ўта қийин. Бу бир вақтда иссиқлик ҳарактеристикаси ва жойнинг ландшафти муҳитига мослашиш чора- тадбирларини кўриш зарур.

Республика худудининг сув билан таъминланганлиги шаҳарлар ландшафти ва суғоришнинг асосий факторларидан бири ҳисобланади. Улардан оқилona фойдаланиш натижасида яшаш comfortи ва бутун қишлоқ ва шаҳарнинг микроиқлимига уларга боғлиқ.

Республиканинг барча худуди табиий намлик етишмайдиган районлар каторига киради, чунки ёғингарчилик яшил ва маъданий ўсимликларнинг табиий ўсиши учун етишмайди. Республиканинг маҳаллий сув оқими бошқа республикаларга нисбатан жуда кам ва йилига $27\text{м}^3/\text{км}^2$ га тенг.

Ўзбекистон шароитининг турли табиий иқлими турар жой ва шаҳарсозликнинг муҳим муоммаси иқлимнинг салбий таъсирини нейтраллаштириш ва табиат ландшафт иқлимининг фойдали хусусиятларидан максимал фойдаланиш, уларга уйғунлашиш шаҳар қурилиши ва табиий муҳитни яхшилаш ишларининг чора тадбирларини қуриш керак бўлади.

Қишлоқ ва шаҳар иқлимини шакллантиришда қуёш радиацияси, жой орографияси, табиий ландшафт комплекслари, шамол ва у билан боғлиқ иқлим хусусиятлари, қишлоқ ва шаҳар қурилиш жараенида

яратиладиган сунъий муҳит факторлари қатнашади, ва ўз навбатида биринчи тўртта факторнинг таъсири катта. Бу факторларнинг ўзаро таъсирини урганиш ва уларнинг районлаштириш уларнинг таъсирини инсон ҳаёт фаолияти учун комфорт шароитларининг критерийел ҳисобланишни урганиш Ўзбекистон ландшафт иқлим шароитларини баҳолашга асос бўлди. [24,25,26]

Баҳолашнинг услубий асоси бўлиб ландшафт компонентлари анализи, иқлим ва уларнинг бирикмалари билан ўзаро муносабатлари кам урта ва кўп урта қаватли тураржой янги хажмий-режавий структураларини ишлаб чиқиш, ҳамда дискомфортни нейтралловчи махсус чоралар кераклигини таъқозо этади.

Ландшафт ресурсларининг ва иқлим факторларининг таҳлил қилиш натижасида уларнинг турли катталиқ ва масштабдаги қаватли турар жой типларига ва хажмий-режавий структурасига таъсири аниқланди. Масалан, ландшафт ресурслари билан таъминланган районларда қишлоқ ва кичик шаҳарлар ташқи дискомфортдан яхши ҳимояланган бўлади ва аксинча шундай ресурслар билан таъминланмаган районларда ташқи салбий таъсирлари юқори даражада бўлади.

Йирик шаҳарда шамолдан кенг ҳимоялаш шароитини яратиш мумкин. Бироқ жазирама иссиқ даврда (вертикал, қия ва горизонтал нурланувчи юзалар кўпайиши муносабати билан) йирик шаҳарда қуёш радиацияси интенсивлигининг йиғинди миқдори кичик шаҳарникидан юқори бўлиб, шаҳар устидан қўшимча дискомфорт ва иссиқлик оролчасини пайдо қилади (расм-1,4,1.5).

Ландшафт ва иқлим факторларини тадқиқ қилиш натижасида мазкур ишда қаватли турар жой уйларнинг хажмий-режавий структурасини ташкил этиш ва уларнинг композицияси учун комплекс иқлим талаблари таърифлаб берилди ва ишлаб чиқилди. (расм-1,4,1,5).

Турар жой қурилишининг микроиқлими қуйидагилар ҳисобидан яратилиши мумкин: ҳудудни максимал кўкаламлаштириш (шамол тезлигини секинлатиш, ҳаво чангини камайтириш, горизонтал юзаларга қуёш радиациясини камайтириш, конвенсияни кўпайтириш ва бош.,) ҳудудга максимал сув чиқариш (яшил экинлар ўстириш, ҳавони

намлантириш ва бош.) турар-жой тузилмалари ва районларни туташтирилган, ярим очик ва тўғри чизикли ҳажмий-фазовий композициясини ташкил этиш (аэрация шароитини яхшилаш, тўсими ва бошқа факторлар). [18,26,30]

Ўзбекистонда ландшафт шароитини баҳолаш, табиий, физик-географик, ландшафт иқлимий районлаштиришни тураржой қурилиши ва шаҳарсозлик нуқтаи-назаридан қўшиш принципларига асосланади. Бунда жой орографияси, ўсимлик, тупроқ ва сув билан таъминланганлик ландшафт-иқлим район ва кичик районларга бўлишда муҳим фактор ҳисобланади(расм-,1,4,1,5). Шундай қилиб, республика ҳудудини воҳаларга ажратилган тўртта ландшафт иқлим районга фжратдик: 1- нчи - тўртта кичик районни шимолий район; 2 – нчи - тўртта кичик районни Жануби - Шаркий район , 3 – нчи - Жанубий район 3-ўрта кичик районни ва 4 – нчи - ўрта кичик районни Тоғли район.

Республиканинг ландшафт-иқлим районлари ва кичик районларнинг умумий характеристикалари жадвал ва расмда келтирилган.

Бажарилган ишлар натижасида вертикал кесим бўйича тўртта район аниқланиб улардан иккитаси қуруқ ҳаво муҳитига ва июль ойида қиздириш ҳарорати 28-32°C ва ортиқ бўлган ҳудуди текис областини ўз ичига олади. Қолган районларга тоғли, тоғ оралиги ва тоғ олди чуқурлик районлари кириб июль ойи ўртача ҳарорат 21-23 °C ва 24-28°C нормал намлик ва қуруқ ҳавога эга. Бу тоғ этаклари, Тянь-Шан ва Помир-Олой тоғ этаклари ва тоғ ораликлари чуқурликлари бўлиб, уларнинг ҳаммасида ёзи комфорт билан характерланади, иккинчиси эса иссиқ, бироқ иккаласи ҳам нормал намликли ҳаволи меъморий қурилиш районига киради.

Кейинги район тоғли ва қисман текис районлар чегарасида жойлашган. Намлик характеристикалари бўйича бу район тоғлига киритилган, чунки иқлимнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича ва физик-географик шароитлари бўйича унга тўғри келади. Бу районда ҳаво намлиги соат бирда 25-30% ни ташкил этади, бошқа вақтда эса - меъёр чегарасида. [18,30]

Шундай қилиб, факторлар комплекси асосида, қишлоқ ва шаҳар

турар-жой курилиши ва шаҳарсозлиги мақсадлари учун республика ҳудудини тўртта меъморий-қурилиш райони аниқлади (1,5 расм).

1.Шимолий район, учта кичик районлари билан - 1А-Устюрт, 1Б-Оролда воҳалари ва 1В-чўллар оарсидаги воҳалар ёз даврида оғир табиий-иқлим шароити ва курук ҳавоси билан характерланади.

2.Жануби-Шарқий район, иккита кичик районлари билан-2А-тоғ ва чўллар билан ўралган воҳалар; 2Б-тоғ оралиғи чуқурликлари-Фарғона, Чирчиқ-Ангрен, Ўртазарафшон регионлари бўлиб, ёзги даврда қулай табиий-иқлим шароитлари ва нормал ҳаво намлиги билан характерланади.

3.Жанубий район, учта кичик районлари билан-3А-Қизилқум, 3Б-чўллар ва 3В-Сурхандарё вшҳаси бўлиб, ёзги даврда мураккаб табиий иқлим шароити ва курук ҳавоси билан характерланади.

4.Тоғли район, учта кичик райони билан Г-1А-Тян-Шан ва Хисор-Олатов тоғ системалари тоғ этаклари, Г-1Б-Нурота ва Туркистон тизмалари тоғ этаклари, Г1В-Зарафшон,Бойсунтов ва бошлар, Тизмалар тоғ этаклари бўлиб, ёзги даврда қулай табиий иқлим шароитлари ва ташқи муҳитнинг нормал ҳаво намлиги билан характерланади.

Республика меъморий-қурилиш районлари умумий характеристикалари жадвал ва расмда келтирилган (расм 1.5).

Шундай қилиб Навоий вилояти Республика архитектуравий-қурилиш раёнларининг 2-нчи Жанубий-Шарқий районнинг 2-тоғ ва чуллар билан уралган районига ва 3-нчи Жанубий раённинг 3-нчи Б чуллар районига киритилди. Бу районларнинг умумий характеристикаси 1.5 расмда келтирилди ва кам қаватли турар-жой биноларини лойиҳалаш учун иқлимий талабларни аниқланди.

1.3 Республика аҳолисининг миллий урф-одатлари ва турар жойларни функциявий ташкиллаштириш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тураржойларни функциявий ташкил этиш Ўзбекистон шароитига ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар иқлимий этник, ва анъаналар билан узвий боғлиқдир. Ўзбек оилаларининг миллий анъаналари маъиший, турмуш тарзи кун кечириш

шароитлари асосан 3 - та омил таъсирида шаклланади: демографик, анъаналар ва иқлим шароити.

- олимларнинг узбек оилаларида ўтказган тадқиқотлари ўзбек оилаларининг кундалик ҳаёт тарзини аниқлашга имкон беради: ҳаёт кечиришининг турмуш тарзи 7 цикли ўрнига 5 цикли; даврлар давомида оила ривожланишининг динамикаси; катталар ва ёшларнинг муаммо хусусиятлари, овқатланиш ташкил этиш; бўш вақтни ўтказиш билиш хусусиятлари; кундалик ҳаёт тарзида иқлимнинг таъсири; узбек оилаларининг ўзига хос никоҳ дорулфунини ва урф-одатлари; таъзия маросими ва ҳ.к.

Оилаларнинг даврлар оша ривожланиши, оилаларнинг кўпайиши динамикаси. А.Н. Русановнинг ўтказган тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда узбек оилаларининг турар-жойларини алмаштиришга бўлган талабларини тўғри аниқлаш мумкин. Оилаларнинг ҳамкорликда умр кечиришлари давомида 7 -март, 5 кишилиқ оилаларда -9 март, 7 кишилиқ 12 март, 9 кишилиқ оилаларда -14 март ўзгарар экан.

Маҳаллий аҳоли демографик структурасининг ўзига хослиги, кўп болали -катта оилалар солиштирма вазни кўпчилиқни ташкил этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яқин келажакда катта оилалар сезиларли даражада камайиб кетади. Оилаларда 3-5 боланинг бўлиши, ёшларидаги фарқ эса 1,5-2 йилни ташкил этиши тарбияга кўпроқ вақт ажратилиши кераклигини тақоза этади. Шу сабабли турар жой бинолар хонадонларнинг болалар хонаси универсал тарзда бўлиши (жўшқин, тез ўзгарувчан, ҳаракатчан) керак. [13,30]

Турар жой иморатлар қурилиши структурасида ва атрофида ёш болалар ўйнаши, усмирларнинг спорт билан шугулланиши учун шароит керак.

Оилаларда ёшларнинг катталарга бўлган муносабатлари. Узбек халқининг миллий анъаналаридан бири - ёшларнинг ота-оналарига ва катталарга нисбатан ҳурматли, эътиборли бўлишларидир. Ана шундай анъаналар асосида болалар тарбияланади, яшаш ва меҳнат қилишга

ўргатилади. Бу анъаналар республикамиз мустақиллиги билан янада мустаҳкамланади ва камол топмоқда. Шу анъаналар янада ривожланиши учун ёш оилаларни турар жойларда шундай жойлаштириш керакки, агар ота-оналари билан бирга яшашни хохламаса ҳам ҳеч бўлмаса яқин турар жойларда истиқомат қилишларини таъминлаш керак.

Бўш вақтларни ўтказиш хусусиятлари. Маҳаллий халқнинг бўш вақтларини ўтказиш шакли - меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш, қариндошлар ва кўшнилари билан биргаликда бўлишдир. Замонавий кам ва урта қаватли биноларда узбек миллий анъаналари талабларига жавоб бермайди ва яхши ташкил қилишмаган. Бу ҳол ўз навбатида турар жой ячейкаларини такомиллаштириш, маданият доирасида мослаштиришни талаб этади. Кам қаватли уйлар структурасида умумий хона ва меҳмонхона – кабинет булиши, уларнинг зоналарига булинишнинг зарурлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. [13,30]

Кундалик ҳаёт тарзининг ўзига хослигига иқлимнинг таъсири.

Анъанавий ховлиларда оила аъзолари бири билан мулоқотда бўлиш истаги, кундалик ҳаёт ташвишлари (уйқу, мулоқот, боллар ўйинлари, таомлар тайёрлаш, хўжалик-рўзғор ишлари, тадбиркорлик меҳмон кутиш, дам олиш) кўкаламлаштирилган, обод ховли саҳнида анъанавий ёзги бино-айвонларда ўтказилади.

Замонавий кам қаватли турар-жой қурилишлар архитектураси купчилик ҳолларда алоқада бўлиш масалаларини, ижодий эгаллаган. Демак, кам ва урта қаватли турар жойларда иқлимий талабларга, кўни-кўшнилари билан суҳбатда бўлиш иссиқ кунлари сўриларда ўтириб салқинлаш каби талабларга яхши ташкил қилиш масаласи яхши ечилмаган. Айнан, мана шундай дам олиш, бўш вақтини мароқли ўтказишда шинамлик, қулайлик туғдирадиган янги замонавий турар-жойларнинг ҳажмий-режавий тузилиши ва ҳажмий-режавий композицияси яратишни тақозо қилади. Улардан ташқари қишлоқ уйлари структурасида хусусий тадбиркорлик кичик бизнес ва хўжалик – ишлаб чиқиш ишларини ташкил қилиниши керак.

Ўзбек оилаларининг никоҳ институтлари ва халқ

маросимларининг узига хослиги. Республикамиз аҳолисида хали-ханузгача онда-сонда бўлса ҳам қизларни барвақт-ёш турмушга бериш воқеалари содир бўлиб турибди. Сўнгги ўн йилликларда қизларнинг никоҳдан ўтиш ёшларидаги фарқ анча ўзгаради. Бунда ҳукуматимизнинг олиб борган доно сиёсати катта аҳамиятга эгадир. «Соғлом она - соғлом авлод» гарови, «оналарни ёшликларидан тарбиялайлик» каби гоялари илгари сурилмоқда.

Бундан ташқари аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, сиёсатда, иқтисодиётда, тадбиркорликда олиб бораётган фаол ҳаёт тарзи ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. 1990 йилдан 2000 йилгача бўлган ораликда 16-19 ёшдан турмушга чиққан қизлар сони 2-2,5 баровар камайди. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 94% қизлар сўнгги вақтларда 17-25 ёшда никоҳдан ўтмоқдалар. Никоҳдан ўтиш - оила қуриш муносабати билан ҳалкимиз катта туйлар ўтказиб, бунда бир неча маҳалла аъзолари, қариндош-уруғлар иштирок этади. Бундай тантана ва тўй маросимлари келажакда ҳам давом этаверади, лекин хажми, дабдабалиги анча қисқариб бораверади. Мотом маросимлари, анъанавий урф-одатлар сабабли эмас, балки одамларнинг идрокли тушунчалари сабабли янги шаклга эга бўлиши мумкин. Маҳаллий ҳалқ ҳаёт тарзини кузатишлар шуни кўрсатадики, кам ва урта қаватли уйларда яшовчи аҳоли ўртасида ҳам маҳалла анъаналарига, маҳаллачиликка эҳтиёж катта ва янада ривожлантирилмоқда. Шу сабабли, мустақил тарзда маҳалла аксоколлари тўй ва маъракаларни яхши ўтказилишда сарамжон саришта ва ихчам ўтказиш бўйича янги таклифлар билан чиқмоқда ва улар учун янги бинолар ташкил этилмоқда. Замонавий биноларда бундай қулайликлар йўқлиги, келажакда кам, урта ва кўп қаватли бинолар қурилиш лойиҳаларини қайта қуриб чиқиш кераклигини такозо этади. Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг олиб бораётган сиёсати ҳам барча инсонларни маҳаллаларга бирлаштириш. маҳалла орқали ёшларни тарбиялашда ҳамда ёшларнинг бугунги ва эртанги кунимизнинг буюк кучга айлантиришни илгари сурмоқда бу борада анча ишлар қилишмоқда.

Кундалик ҳаётнинг янги шакллари. Ҳаёт тарзининг ўзгариб

бориши, ташқи ахборот оқимларининг таъсири туфайли янгича ҳаёт кечириш шакллари кузатилмоқда. Янгича ҳаёт кечириш шакллари-кучли интеллектуал мулоқотга эҳтиёж, маданий, спортча, туризм, бўш вақтларни ўтказишдир. Бу наъмунавий йуналишдаги оилаларга хосдир. 2-нчи йуналишда-оилаларнинг уйда меҳнат фаолияти ва тадбиркорлик ишлари билан шугулланишдир.[18,30]

Хозирги пайтда қишлоқ ва туман марказларида қирилган 1-2-3 қаватли ёки куп қаватли биноларда маҳаллий анъаналар талабларига жавоб берадиган, иқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қулайликлар яратиб берадиган бинолар - маҳалла марказлари лойиҳаси типлари ишлаб чиқилмаган. Албатта, яқин келажакда бу муаммолар уз ечимини топади, деб умид қилиш мумкин ва бу муаммоларни қандайдир ижобий ечиш бу ишнинг мақсади қилиб қўйилган.

1.4. Маҳаллий қурилиш базаси ва унинг турар жойларни ташкил этишга таъсири

“Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури, мамлакатимизнинг узида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қўпайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектларни қурилишларини жорий этиш бўйича чора тадбирлар белгиланган. Улар асосида:

- Ёгилгининг муқобил турларидан фойдаланган ҳолда умумий қуввати йилига 81,1 миллион дона бўлган замонавий, энергияни тежайдиган гишт заводларини ишга тушуриш;
- Қишлоқ жойларда замонавий том ёпиш материалларини тайёрлаш бўйича 6 – та ишлаб чиқариш объектини топшириш;
- Йиғма конструкцияларни мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини хатловдан ўтказиш ва қўйидагилар бўйича ҳудудий комплекс чора – тадбирларни амалга ошириш;
- Йиғма конструкциялар ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш;

- Йигма конструкциялар ва маҳаллий қурилиш материаллардан фойдаланган ҳолда қишлоқ объектлар қурилишининг индустриал ва йигма технологияларини тадбиқ этиш;
- Йигма конструкцияларни куллаш билан, жумладан;
- Қишлоқларда объектларни қуришнинг индустриал усуллари каталогларини ишлаб чиқиш ва чоп этиш;
- Қурилиш иштирокчиларини техник ва технологик ҳужатлар билан таъминлаш;
- Қишлоқ йигма конструкцияларни йиғиш ва монтаж қилиш бўйича асбоб ускуналар ярмаркасини ўтказишни ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларга техникавий ёрдам курсатиш;

Бу борада, “Ўз эспомаркизи” да 7 – 13 сентябр 2009 йилда мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан ўз ишни бошлаган бир канча тематик бўлимлардан ташкил топган “Қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй – жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган курғазмаси” да “Ўз қурилиш материаллари” акциядорлик компанияси республикамізда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларидан иборат девордан материаллар (ҳар хил турдаги гишт, қурикбетон, газ бетон, сэндвич панеллар), тусикловчи материаллар (гипсоқордон), иссиқлик изоляциявий материаллар (вермикулит, менерал пахта, минерал пахтали плита, қурикпластмасса материали) бинонинг фасадини безакловчи материаллар (“алькопон” амоминий пластиткли композитли понеллар, табиий ва сунъий тошлар (мармар, гранит, травертин), металл черепица, кералик черепица, полемер қумли черепица), ойна маҳсулотлари (қурилиш ва меъморий) бинонинг ичкарасини безаш учун мулжалланган маҳсулотлар (қурук қурилиш қоришмалар, лак бўёқ маҳсулотлари), санитария техника буюмлари (ванналар, раковиналар, уливальниклар, душ учун поддонлар, фитинглар, сувокова қурувлари, иситиш батареялари), шунингдек полга ётқизиладиган материаллар (ламинатланган паркет), йулакларда

ишлатиладиган курилиш материаллари (сопол плиткалар), йулаклар учун турли хилдаги плиткаларни намоиш этган.

Шунингдек “AKFA” корхонасининг турли ранг ва курилишидаги эшик ва ромлари ҳамда «ПРОГРЕСС» МЧЖ корхонасининг ёғочдан ва МДФ дан тайёрланган турли ранг ва курилишдаги эшик ва ромларни намоиш этган.

“DEUTSCHE KABEL AG TASHKENT” ОАЖ нинг металдан тайёрланган буюмлари ва “ЗД” номли деворбон панеллари, Темопанеллар, тусиклар учун деворлар, бокслар, пайвандлашда ишлатиладиган симлар, арматуралар, иситиш иш поллари ва хонаданлар намоиш этган.

Урмон хужалиги бош бошкармаси қишлоқларни ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш учун дарахт намуналари ва кучатлари, гул тувакда экиладиган гуллар ва дарахт намуналари, табиатни муҳофаза қилишни тадбиқ этувчи материалларни намоиш этган.

Қишлоқ жойларда курилишни комплекс олиб бориш учун йигма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда курилишнинг индустриал ва йигма технологияларини қишлоқ объектларига жорий этиш лозим ва бу борада курилиш индустриал базаси етарлича ривожланган. Республика индустриал базаси расм 1.4 да келтирилган.

I боб хулосаси

Республика ҳукуматининг иқтисодий ва социал сиёсати туфайли узбек оилаларининг ўзига хос илғор анъаналари бошқа миллат ва элатларнинг тархини ҳурмат қилган ҳолда байналминал ва бошқа миллат оилаларининг социал ва демографик тадқиқотлари ва айнан шу нуқтаи назардан ўрганилди ва олиб борилди.

Аҳолининг оилавий тузилиши оила структураси, жинсий ёки ёшига кўра оила таркибининг у ёки бу томонга ўзгариши, маиший анъаналари ўзига хослиги республикада уйлар типларининг яшаш хоналарининг шаклланишида катта роль ўйнайди. Республика аҳолисининг ўзига

хослиги шундаки, ёлгиз оилалар кам фоизни ташкил этади, айникса бу қишлоқларда йук хисоби.

Қишлоқ ва кичик шаҳарларда, Оилада оила аъзолари сонининг кўплиги, куп авлодлиги туғилишнинг юқорилиги, оила юмушининг куплиги огирлиги катта хажми кўпроқ айёллар зиммасига тушиши маҳаллий аҳоли оилаларининг ўзига хос хусусиятларидан хисобланади. [13,14,30]

Шунга кўра, республикамизда: туғилиш юқори ва ўлим кам; аҳолининг табиий кўпайиши юқори; 0 ёшдан 44 ёшгача бўлган аёллар ва эркаклар сонининг тенглиги; ўрта ёшлилар гуруҳининг ошиб бориши, 55 ёшдаги аҳоли ўртасида аёллар сонининг кўплиги ёш ва жинсий структурасининг ўзига хослигини намоён этади.

Шундай килиб, факторлар комплекси асосида, қишлоқ ва шаҳар турар-жой курилиши ва шаҳарсозлиги мақсадлари учун республика худудини тўртта меъморий-курилиш райони аниқлади (1,5 расм).

1.Шимолий район, учта кичик районлари билан - 1А-Устюрт, 1Б-Оролда вохалари ва 1В-чўллар оарсидаги вохалар ёз даврида огир табиий-иқлим шароити ва курук ҳавоси билан характер л анад.

2.Жануби-Шарқий район, иккита кичик районлари билан-2А-тоғ ва чўллар билан ўралган вохалар; 2Б-тоғ оралиғи чуқурликлари-Фарғона, Чирчиқ-Ангрен, Ўртазарафшон регионлари бўлиб, ёзги даврда кулай табиий-иқлим шароитлари ва нормал ҳаво намлиги билан характерланади.

3.Жанубий район, учта кичик районлари билан-3А-Қизилқум, 3Б-чўллар ва 3В-Сурхандарё вшҳаси бўлиб, ёзги даврда мураккаб табиий иқлим шароити ва курук ҳавоси билан характерланади.

4.Тоғли район, учта кичик райони билан Г-1А-Тян-Шан ва Хисор-Олатов тоғ системалари тоғ этаклари, Г-1Б-Нурота ва Туркистон тизмалари тоғ этаклари, Г1В-Зарафшон,Бойсунтов ва бошлар, Тизмалар тоғ этаклари бўлиб, ёзги даврда кулай табиий иқлим шароитлари ва ташқи муҳитнинг нормал ҳаво намлиги билан характерланади.

Оилаларда ёшларнинг катталарга бўлган муносабатлари. Узбек халкининг миллий анъаналаридан бири - ёшларнинг ота-оналарига ва

катталарга нисбатан ҳурматли, эътиборли бўлишларидир. Ана шундай анъаналар асосида болалар тарбияланади, яшаш ва меҳнат қилишга ўргатилади. Бу анъаналар республикаимиз мустақиллиги билан янада мустаҳкамланади ва камол топмоқда. Шу анъаналар янада ривожланиши учун ёш оилаларни турар жойларда шундай жойлаштириш керакки, агар ота-оналари билан бирга яшашни хохламаса ҳам ҳеч бўлмаса яқин турар жойларда истиқомат қилишларини таъминлаш керак.

Бўш вақтларни ўтказиш хусусиятлари. Маҳаллий ҳалқнинг бўш вақтларини ўтказиш шакли - меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш, қариндошлар ва кўшнилари билан биргаликда бўлишдир. Замонвайи кам ва урта қаватли биноларда узбек миллий анъаналари талабларига жавоб бермайди ва яхши ташкил қилишмаган. Бу ҳол ўз навбатида турар жой ячейкаларини такомиллаштириш, маданият доирасида мослаштиришни талаб этади. Кам қаватли уйлар структурасида умумий хона ва меҳмонхона – кабинет булиши, уларнинг зоналарига булинишнинг зарурлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. [13,30]

II-боб. Ўзбекистон шароитида кам қаватли турар жой уйларни лойиҳалаш ва қурилиш тажрибалари таҳлили.

Ўзбекистон анъанавий халқ ўйларининг режалаштиришдаги кўлами, тизимини хажмий-фазовий тузилишини текшириш ва ўрганиш мақсадида Хоразм, Бухоро ва Самарканд вилоятлари қишлоқ ва шаҳарлари танлади, чунки айнан шу қишлоқ ва шаҳарларда анъанавий халқ уйларнинг ўзига хос турлари халқ томонидан яратилган. Муаллиф маҳаллий табиий – иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қуриладиган қишлоқ уйлари ховлили турар жойларни лойиҳалаш бўйича халқ анъанавий уйларини ўрганиш бўйича услубиятини ишлаб чиқилди. Анъанавий уйларда меъморий қурилиш анъаналарини, маъиший ва бадий воситаларини, ҳаёт кечириш тарзини, авлодлар бой тажрибаларини узида мужассам этган. Иккинчидан Республикаимиз табиий – иклимий шароитида қишлоқ Турар жой уйларини лойиҳалаш ва қурилишини комплекс таҳлил қилинди.

Анъанавий халқ уйларининг хажмий – режавий тузилиши уларнинг тизимида хужалик тадбиркорлик ва ишлаб чиқиш.

2.1. Анъанавий халқ уйларининг хажмий-режавий тузилиши ва улар тизимида хўжалик ишлаб чиқариш шароитини ҳисобга олиш.

Ўзбекистоннинг халқ меъморчилиги ўзининг табиий-иқлимий шароитларидан, маданиятидан, миллий маиший анъалардан ва қурилиш моддий техникавий базасидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб келди. Илгари узбек оилаларининг ижтимоий шароитлари уйларда ичкари ва ташқари ҳовлилар бўлишини тақозо этган.

Ташқари ҳовлида барча хизматга доир ишлар, учрашувлар, хўжалик ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ишлари амалга оширилса, ичкари ҳовлида эса оилавий ҳаёт турмуш тарзи кечирилган. Баҳор ва куз фаслининг ёқимли, ёзнинг жазирама иссиқ кунлари очик хавода вақтнинг кўпроқ қисми ўтказишига қулай имкон бўлади. Анъанавий халқ уйларининг ўзига хослиги шундаки, биринчи галда юқори радиоактив куёш нурларидан химоя қилинса, иккинчидан иссиқ гаремсел шамолларидан химоя қилади.

Халқ меъморлари, бинокорлари тмонидан кенг қўламли структуралар ва уларнинг элементлари, яшаш хонадонларининг хажмий кенг майдонли бўлиши, иқлимий талаблари туфайли ишлаб чиқилган. Очик кенг ҳовли бўйлаб хоналарнинг жойлаштириш тартиби ҳам иқлимий шароит ва турмуш тарзи талаблардан келиб чиқади. Тасодифий ўзгаришлар, участкаларнинг шаклига, қурилишига унча таъсир кўрсатмаган. Бунга ўхшаш кичик чекинишлар асосий лойиҳалаштириш тамоиллардан четга чиқишга йўл қўя олмайди. Бу принцип шундан иборатки, кенг қўламли турар жой композицияларининг асосини ташки ва ички ҳовлилар ташкил этади. Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлимида халқ уйларининг кенг қўламли структураларида ташкил этилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатади, халқ иморотларининг функционал ва технологик боғлиқлигини асосларини яхлит система ташкил этган:

Хона+ дахлиз+ айвон + ҳовли + ишлаб чиқариш+дарвоза хона+уй

Бухоро ва Хоразм қишлоқ ва шаҳарларида ҳовли - сахни анъанавий уйларнинг қулайлиги билан қўшилиб яхлитликни ташкил этишни таъминлаган. Бухоро анъанавий халқ уйларнинг ҳовлилари купчилик ҳолларда сугорилмайди, лекин ҳовли, кўкаламзорлаштирилади, ҳамда кичик гулзор майдончалар ташкил этилади. Бу Хоразм уйлари ҳовлиларида бир туп дарахт билан кичик гулзорлардан иборат. Шаҳарларда уй қурилишлари кўламининг лойихалаштирилиши жуда содда ва оддий бўлиб, шу ҳудуднинг табиий иқлимий шароитларига мос келади. I ва II районларда тўрт томондан иморотлар билан ёпиқ ҳолдаги ҳовлилар композицияси асосий тизилма бўлиб ҳисобланади. II районда шунингдек турар жой анча кенг, эркин композициялари - икки тарафлама биноли ҳовлилар унинг асоси ҳисобланади. Халқ меъморларининг, усталарининг турар-жой қурилиш услублари иссиқ кунларда соя-салкин, сершамол бўлишини, чанг тузонларадан химоя қилиб туришини, мухими шинам, қулай микроиклим яратилишига асосланади.

Шундай услублардан бири - Хоразм уйларининг олдида уллу айвонлар қурилиши, махсус дарвозахоналарнинг «Далон» қуламли кенг қисмли бўлишидир; икки тарафлама ёруғ тушадиган ёзги хоналар, баланд айвонлар галереяси (6.м), дарвозахоналар ва тағхоналар Бухорача қурилиш услубидир; Фарғонада анъанавий уйларнинг марказий «кашкарча» ёзги хоналари; Тошкентда соябон, Самаркандда меҳмонхонанинг ёнидан алоҳида қурилган ҳашаматли очик айвон меҳмонхона олдида айвонлар галереяси 90⁰ бурчак остида ва дарвозахоналар ўзига хос услубиларга мисол бўла олади.

Асосий ҳажмий-режалаштириш усуллар республика районларида турар-жой ва иморат қуриш муаммоларининг ҳал этилишига ижобий таъсир қурсатади ва ҳар бир воҳа учун ўзига хос ва мос уйлар турлари яратилган (расм 2.1). Хоразм ва Қўйи Зарафшон минтақаларининг қуруқ иссиқ иқлими шароитида бунёд этилган тураржой бинолари ҳар хил шаклдаги, баландликдаги, ички кенглик композицияларидаги халқ уйларининг турлари учрайди. Бу бинолар лойихаси имкони борича қуёш

нурларининг радиациясидан, кучли гаремселлардан, чанг тузонли ва кум – тузонли шамоллардан химоя қилишга қаратилган. [16,22,30]

I.тип. Хоразм анъанавий халк уйларнинг хажмий-режавий элементлари куйидаги блоклар гуруҳ ва элементларидан иборот: 1-бош меҳмонхона «сарой» олдида уллу айвон ва карама-қаршисида терс-айвон, бу иморотларнинг асосий уки шимол томонга аник йуналтирилган. Уллу-айвоннинг баландлиги 6 м бўлади, қолган барча хоналар ва терс айвонлар-бир қаватли. Кўпинча биноларнинг устида галериялар ва «Казана» омборхонаси қурилган. Хоразмча ҳамма уйларнинг қурилишида шу тамойил асосида қурилган. Меҳмонхона «Сарой» ва Уллу-айвон баландлиги билан бошқа хоналардан ажралиб туради ва у энг асосий элемент ҳисобланади. (расм 2.1).

II.тип. Бухоро анъанавий уйлар тузилиши куйидаги элементлардан иборот: 6 метр баландликдаги 4 устумли айвон ва бош ёзги меҳмонхона «табистон» икки томонида дахлиз ва ётакхона, 2-яшаш хона «зимистон», ёнида дахлиз ва “мадан” 3-та яшаш хоналари ва ўртада дахлиз жойлашган. Бухоро анъанавий халк уйларининг хажмий-кенг кўламли уй-жой қурилишининг ўзига ҳослиги шундаки: Ховлининг шимолий-жанубий укида бир-бирига карама-қарши томонида жойлашган ёзги ва қишки хоналар гуруҳи, ховлининг шарқ ва ғарб томонида қишки яшаш хоналари жойлаштирилган.

Бухоро анъанавий уй қуриш режаси - ички ҳовлилар бўйлаб иморот солиш, Хоразм анъанавий уй-жой қуриш тизимига ухшайди. Лекин фарқи шундаки, Бухораа қурилиш тузилиши кескин фарқ бўлиб, ёзги ва қишки хоналар ажралиб туради. Шунинг билан бирга ёзги хоналар шимол томонга аник йуналтирилган. Қишки хоналар жануб томонга аник йуналтирилган бўлади. Қишки хоналар тез иситилиши учун кўпинча паст қилиб қурилиб, бу хоналар баландлиги 2,75 м дан 3 метргача бўлади. [16,29,30]

Бухоро анъанавий уй-жой қуришнинг характерли томони шундаки, қисман ёки бутун бинолар бўйлаб тағхоналар - ер тўланинг қурилишидир. Тағхона бош меҳмон хонанининг остида қурилиб, олдида майдон ташкил этилиб, тарновлар ҳам шу томонга қаратилган. Ёзги

ошхона ҳам шу супачада жойлаштирилган. Хаво окими тагхона оркали ўтиб, ҳовлига салкинлик бахшида этиш учун қулай бўлган. Бундан ташқари тагхоналар пойдевор воситасидан ташқари бинолар деворларининг намланиш ва шурланишидан асраган.

Фаргона, Чирчику-Ангрен, Ўрта Зарафшон вохаларида уй-жой бинолари икки ховлили ховли бўлиб 2 – 3 – томонлама қурилиб, кўкаламзорлаштирилган ва сув оқими кириши учун қулай шароит яратилган.

III.тип. Самарканд анъанавий уй-жой қуриш тизимининг элементлари қуйидагича: яшаш хоналари ёки қатор хоналар ва дахлизи билан; бу хоналарни бирлаштириб турувчи 90° остида қурилган айвон. IУ-қатор хоналар ва олдида узунасига 3-6 устумли айвон жойлаштирилган; Самарканд анъанавий уй-жой қурилиши тизимининг типик белгилари ҳовлилар бўйлаб 2 ёки 3 томонида яшаш хоналарнинг жойлайтирилишидир.

Ўрта Зарафшон ҳудудлари уй-жой қурилишига кескин талаблар қўйилади. Энг яхши ориентация жанубий ва жануби-шарқий йуналиши ҳисобланади.

IV- тип. Фаргона анъанавий уй-жой қуриш тизимининг хажмий-режавий элементлари қуйидагилардан иборот:

I - марказий ёзги хона - «кашқарча», ёнидан хоналар; II - марказий хонанинг ташқи томонида икки табакали очиладиган девор «табодон» ва олдида супа, ёнида хоналар қурилган.

Фаргона анъанавий қурилишнинг ўзига хос характерли томонларидан бири «Кашқарча» ёзги хонанинг олд томонидаги очилиб ёпиладиган «тободон» деворидир. (перегородка).

Ҳовлиларнинг кўкамалзорлаштириш ва сув билан таъминланиши.

Тошкент, Фаргона, Ўрта Зарафшон ва Чирчиқ минтақаларида анъанавий уйларда ховлиларни учун кўкамалзорлаштириш муҳим роль ўйнайди. Айника, ўзининг чиройли барглари билан, чирмашувчанлиги билан тут дарахти ҳисобланади. Ҳар бир айвон олдида

ток экилиб, ишжомлар табиий айвон вазифасини ҳам ўтайди. Ички ва ташки кенглик бир текис ва тартиб билан амалга оширилади.

Ўалк уйларида микроиклим табиий холда: кўкаламзор ва сув чиқариш йўли билан тартибга солиб турилади. Ўалк тажрибаси бирқатор системани яратадики,

бу ховлилар ўртасида «ховуз» ва ховуз бўйлаб гуллар, кўкат экилиши, мевали дарахтлар ва узумнинг экилиши шаҳар турар – жой иморат курилишида қўлланилмокда. Яхши соя-салкин килинган ховлилар темпиратураси 4°-5° даража пасайиб, хаво намлиги 17-28% гача кўтарилади. Бундай кўкаламзорлаштирилган, дарахтлар экилган ховлилар туни билан салқинлашиб, кундузи эса атрофдагиларни иссиқ куёш тафтидан асраб туради.

Тошкент типи ўзига хос хусусиятларга кўра, Фаргона ва Самарканд типларининг ўртасида туради. Шу сабабли Тошкент тип ларида Фаргона ва Самарқандча типлар бирлашиб кетади. Шунга карамай, Тошкент анъанавий уй-жой куриш типининг ўзига хос услуби бор - бу «соябон» услубидир. Бу усул ўз мақсадига кўра яшаш хоналарини шамоллатиб туришда жуда қулай бўлиб, шу йўл билан ички ҳовлида микроиклим шароитини яратиб бериш учун ҳам қўлланилади. Бу урта ва усул кўп каватли турар жойларда «шахта» усули деб ном олган.

Қошқадарё типи Бухоро усулига яқин туради. Шу сабабли Қашқадарё типи ишлари Бухоро типига киргизилган. Шунга қарамай, Қашқадарё уйларидаги «шийпон» ва мехмонхонанинг икки томонида айвон жойлаштирилган ва бу алоҳида ахамиятга эга. Мехмонхонанинг хажмий режавий ечими Бухоро «табистон» структурасига монанд келади. Шийпон эса уйнинг иккинчи каватида жойлаштириб, ёзнинг энг мухим хонаси ҳисобланади. Шийпон ёнида бошқа хоналар қурилган. [16,30]

Махаллий табиий иклим шароитини яхши билган меъмор-усталар шийпон курилишини усталик билан орқа деворини шимол томонга қаратиб куришган ва деворда туйнукчалар қолдиришган. Бу хол хона ва ховлиларда хаво айланиши ва уларни шамоллатиш учун қулай имкон яратиб, иссиқ кунлари ҳовли ичкарасида салқинлик ташкил этиб хаво

оқимининг тезлиги эса 0,25-1,5 м/с ташкил этади.

Курилиш материаллари ва курилмаларидан фойдаланиш. Ўзбекистоннинг ҳар бир районида, уй-жой курилиши ўз табиий табиий - иқлимий шароитларага кўра ҳар хилдир. Чунончи, Фаргона ва Қашқадарё уйлари огир вазнли, кенг қамровли қилиб қурилса, Тошкент, Самарканд ва Бухоро регионларида ёғоч синчлардан фойдаланилади. Бу ўзига хос элементлар ҳар бир жойнинг табиий иқлими, геологик тузилиши, сейсмик ҳолати, ёгингарчилик даражасига монанд келади. Чупкори-ёғоч синчли уйлар пахсали ёки гиштли уйларга караганда мустахкамроқ ҳамда жуда кам майдонни эгаллайди.

Шундай қилиб, халқ уйлари устида утказилган текширишлар ва кузатувлар шуни курсатадики ҳар бир регионнинг узининг уй жой курилиш тизими бор ва ишлаб чиқилганлиги, факат улар шу регионнинг табиий – иқлим шароити, урф-одатлари ва яшаш тарзларига тулик жавоб беради.

Шу тарзда халқ уйлари ҳар бир регионларида узига хос вам ос типлар вужудга келган, улар узининг таркиби, системаси ва қонуниятлари билан ҳар бир регионнинг бетакрор анъанавий халқ уйлари архитектураси яратилган.

2.2. Анъанавий халқ уйлар тизимида хужалик, ишлаб чиқариш ишларини ҳисобга олиниши.

Ўзбекистон тарихий шаҳрининг анъанавий халқ уйларининг тизимида тадбиркорлик, хужалик ва ишлаб чиқаришни шундай ташкил этилганки, ва узининг юкори даражасига эришилган қуйидаги типларга булинади:

Биринчи тип. Самарканд, Тошкент, Кукон ва бошқа шаҳарлар ҳунарманд-уста, тукувчилар ва бошқаларнинг уйлари икки ховли булиб, ташки ховлида, дарвозахона ёнида 1-2 та тукиш дастгоҳи, дарвозахоналардан унғ томонда, хужалик ва ишлаб чиқариш хоналари жойлашган. Уста бой булмаганлиги учун ташқари ховлида меҳмонхона жойлаштирмаган ҳамда моллар учун бинолар йук. Ичкари ховлида эса

мехмонхона, ётокхоналар ошхона, ойрим холларда хужалик хонали жойлаштирилган. Шу сабабдан ичкари ховлида хоналарни жойлаштиришда эркинлик бор. Шундай қилиб ҳар икала ховлида, энг камида турар жойда, икки уч хона ва айвондан иборат.

Иккинчи тип. Бу типдаги уйларда хоналар ховлининг ичкарисидда жойлаштирилмаган, ташки ховлида туқиш дастгохларини айвонда эмас, махсус устахонада 4-6 туқиш дастгохи жойлашган. Устахонанинг карама қаршисидда эса мехмонхона жойлаштирилган. Ичкари ховлида эса хоналарнинг жойлашуви биринчи типдагидай. Ишлаб чиқариш шарт шaroитлари, устахоналарнинг пайдо бўлиши, маҳсулотлар омборхонаси, мехмонхоналарни қабул қилишнинг (бюро-мачилар ёки комиссиянерлари) мажбурийлиги. Буларнинг ҳаммаси ташки ховлини режалаштиришда қатъий талабларни қуйди. Шундай қилиб бошқа ховлининг одий ва аниқ ечими унча қийин бўлмаган ишлаб чиқариш хоналари ҳунарманднинг турмуш тарзига, талабларига жавоб боради. [16,30]

Учинчи тип. Учинчи типдаги уйларда, бой ва йирик ҳунармандларнинг типик турар жой уйлари билан қатталаштирилган ишлаб чиқариш қорхонаси қелтирилган. Ташки ховлининг преметири бўйича, чап ва унғ томонда ишлаб чиқариш хоналари, омборхоналар жойлаштирилган. Ички ховлида Бухоро, Самарқанд, Хива анъаналарига ҳос ховлининг приметри бўйича комплекс хоналар жойлаштирилган. Бу типдаги уйларда ховлилар ва хоналар системаси шундай уйғунлашиб қетганки, натижада ишлаб чиқариш оила турмуш тарзига ҳалақит бермайди ва улар бир-бирини тулдирди. (расм 2.1.)

Туртинчи тип. Туртинчи типдаги уйлар ҳам иккита ховлидан иборат бўлиб, иккинчи типдагига ухшайди ва хоналар қуча бўйлаб жойлаштирилган. Лекин ташки ховлининг биринчи қаватида мол боқиш учун молхона, бострмалар, ва бошқа хужалик хонали жойлаштирилган бўлиб, иккинчи қаватида ишлаб чиқариш устахоналари ва мехмонхона жойлаштирилган. Ичкари ховли узининг режалаштирилиши ва бадиий композицияси билан бошқа бойларнинг уйидан қолишмайди. Иккинчи қаватда эса ёз вақтда дам олиш учун ҳашаматли ним айвончалар ташқил

этилган. Бу типда ошхона олдидан меҳмонларни олиб утиш ва иккинчи каватга чиқиш анча ноқулайликларини ташкил қилади. Лекин меҳмонхона ховли томонга олиб чиқиш ва томини тушама гишт билан тушалиши бу тажриба билан исотланган.

Бешинчи ва олтинчи тип. Бу типга катта бой, савдогар ва саноатчиларнинг уйлари киради. Ташки ховлида катта отхона (саисхона) жойлашган ички ховлида комплекс хоналар холининг периметрии билан жойлашган. Иккинчи каватда хашаматдор нимайвончалар жойлашган. Участка майдонлари бошқа типларга караганда купдир. [16,30]

Ташки ховлида, ошхона устахона, меҳмонхоналар шундай жойлаштирилганки, улар ховлилар системаси билан уйғунлашиб яхлитликка олиб келган (расм 2.1).

Бу типларда, ташки ховлида янги меҳмонхона мадонна билан жойлаштирилиш, меҳмонларни кутиб олиш, улар билан ишлаб чиқариш борасида музокаралар олиб бориш, шартномалар имзолаш ишлари олиб борилган, келган меҳмонлар тунаб қолишга ҳам имкониятлар яратилган.

Еттинчи тип. Бу типда бошқа ички ва учинчи ховли-саисхона. Ташки ва ички ховли юкорида келтирилган ховлилар композицияси билан мос ва бадий жихатдан яхши ечилган юкори комфортга эга. Учинчи ховлида, ишлаб чиқариш билан боғлиқ булган ишлар билан, меҳмонхоналарни кутиб олинган ва ховлида ёзги ва кишги хоналар булган. Бу шундай жойлаштирилганки, ташки ва ички ховлида бўлаётган жараёнлар бири-бирига боғлаб турувчи ва уларнинг алохида мустақил ишлашини таъминлаш вазифасини бажарган.

Устахоналар. Камбагал хунармандлар купчилик холларда устахоналари булган, улар устахоналари ташки ховлидаги хоналарда жойлаштирилган. Урта холл хунармандларда устахоналарни (2,86x4,73 м) махсус хонада ва дуконини ташки ховлида жойлаштирилган.

Бой хунармандлар устахоналарни ишлаб чиқариш йуналишларига караб, махсус ишлаб чиқариш қархоналари булган. Хужайини эса уста булмаган, у ишлаб чиқаришни бошқарган. Устахоналари улчамлари 5,9x5,7 м дан 5,9x6,2 м гача булган. Омборхоналар бу устахоналарда узининг таркиби билан улчами ва урни булган. (расм 2.1.)

Самарканд шаҳри хунаромандларининг уйларидан бирида, у бир ховлили бўлиб, кириш дарвозасининг унг ва чап тарафида устахона ва дукон жойлаштирилган устида меҳмонхона жойлаштирилган. Иккинчи каватнинг узида шундай мужаз ховли атрум жойлаштирилганки унинг икки томонида меҳмонхона куча ва ховли тарафига чуқувчи очик айвонлар жойлаштирилган. Ички ховлининг уч томонидан ута дид билан хоналар жойлаштирилган. Бу усулни халк уйларининг дурдонаси деб аталиши керак. Афсуски, бу уй Гури Амир ёдгорли қошида жойлашган эди. У реконструкция ишлари даврида суриб ташланди. [29]

2.3. Кам қаватли турар жой архитектурасининг ривожланиш боскичлари.

XIX охири XX аерларда Ўзбекистон турар жой меъморчилиги катта кизикиш уйготади. Шу даврда олимлар томонидан Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳарларида табиий иклим шароитларига мос ва хос булган уйсозлик халк тажрибалари устида тадқиқотлар олиб борилган ва жамланган. Масалан Хива, Самарканд, Бухоро " турар жой иморатсозлиги шаҳар марказлари узининг бетакрорлиги билан республиканинг бошка шаҳарлардан ажралиб туради, уларнинг композитцияси очик, ярим ёпик ва ёпик характерли бўлиб, куёрадиацияси, куча шовкини ва чангдан тузон шамоллардан химояланган. Бундай ховлили-уйларда узининг микро иклими бўлиб ва куннинг иссик вақтларида салкин булган. Бухоро ва Хива турар жойларида узининг микро иклимини хосил қилиш учун махсус ситема яратилган, масалан дарвозахона - долонлар, тағхона айвонлар ва ховлилар системаси. [16,30]

1930 йилларда, Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш бўйича «Ўзбек пахта пром» тамонидан кам қаватли ховли уйларга конкурс эълон қилиниб, ундан танлаб олинган уйларнинг лойиҳалари асосида Тошкент, Самарканд, Бухоро ва бошка шаҳарлар иморат қурилишида қуллай бошлади. Бу лойиҳаларда биринчи маротаба миллий анъанавий архитектураси асосида ишлаб чиқилган лойиҳалардир. (арх. А.Қараш. В.Якуцев. А. Абдурасулов. В. Димитрев ва бошкалар.)

XX асрнинг 30-40 йилларида Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳарлари тез

суръатлар билан ривожланиши натижасида, кам ва урта каватли турар - жой уйларига талаблар орта борди ва курила бошлади. Бу давргача республикамиз шаҳарларида замонавий кам ва урта каватли тураржой бинолари курилмаган, ва шу сабали бу уйларга нисбатан олимлар ва лойихачилар томонидан катта кизиқиш уйготди. Бу даврда республикамизда илмий-тадқиқотлар, лойиха ишлари олиб борилди ва конкурслар эълон қилинди.

1940 йилларнинг биринчи ярмида, илк бор республикамизнинг шаҳарлари учун кам ва урта каватли тураржой уйларига конкурс эълон қилинган. Бу конкурсда архитектор И.Рачинская ва муҳандис В. Озеровларнинг лойихалари ғолиб деб топилди. Шу конкурс лойихалари асосида типлаштирилган куп секцияли 2-4 каватли уйлар серияси яратилди ва ишлаб чиқишга жорий қилинди. Шаҳарлар турар - жой иморат қурилишида кенг қулланила бошлади.

1940 йилларнинг охирида, Узгоспроект институти томонидан типлаштирилган турар жой биноларининг ховли уйлар ва, 2-каватли куп секцияли уйларнинг 210-серияси ишлаб чиқилди ва қишлоқ шаҳар турар - жой иморат қурилишида кенг қулланилди.

Тошкент шаҳри ҳамда янги қурилаётган Чирчик шаҳрининг янги турар - жой иморатлар қурилишида 1-4 каватли тураржой уйлари курила бошлади. Бу турар - жой уйлар танланган майдонга караб алоҳида лойихаланган, мисол учун Пушкин кучасидаги 4-каватли уй (Арх.К.Бобиевский), кейинчалик Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳрлари учун икки квартирали секция типдаги ёзги хоналари ва икки томнлама шамоллатиш мумкин бўлган квартиралар лойихалари ишлаб чиқилган.

40-йилларнинг биринчи яримда биринчи марта муҳандис В. Озеров томонидан ишлаб чиқилган типлаштирилган урта каватли секцияли уйларни ишлаб чиқилди. Урушдан кейинги йилларда Тошкент шаҳрининг Навоий кучасини шу типдаги 2-3-4-каватли купсекцияли уйлар билан қурилган. (арх.М. Булатов, Л.Караш, А. Якушев, И. Рачинская, В. Якушев, В. Архангельский) 1940-йилларнинг охирида қишлоқ ва шаҳар учун «Узгоспроект» институт томонидан ишлаб

чикилган 210-серия (2-4 каватли куп секцияли уйлар) асосида турар - жой иморатлар курилиши олиб борилди.

Россия Урта Осиёни узига кушиб олгандан кейин, шаҳарлар иморотсозлигига уз таъсирини курсатди. Руслар (Фаргона, Когон, Тошкент, Самарканд, Андижон шаҳарларининг ёнидан яхши лойихаланган янги шаҳарлар кура бошладилар.) Бу шаҳарлар курилиши Европача усулда булиб, яхши кукаламзорлаштирилган тугри куча ва йулақлар, ариқлар куриб лойихаланган. Руслар Европа усулида кам каватли ховли тураржой уйлар ва жамоат биноларини куришди. [28]. Бу эса Ўзбекистон биринчи маротаба Европа усулидаги уйсозлик курилиши эди.

1963 йилдан илмий изланишлар ва Архитектура курилиш кумитасининг лойихалаш институтлари тизими томонидан, яъни(1963-1964) типлаштирилган лойихалаштиришнинг 2-даврида, бир катор янги турар жой биноларининг 1Уз-500 УСП, ТСП,1-310И, 1-310ТСП сериялари ишлаб чикилган. Бу типдаги серияли уйларда, кавартираларнинг хоналарни эксплуатация ва меъморий-режавий ечимлари сезиларли даражада яхшиланиб, яшаш хоналари, ошхона майдони ва кириш жойлари, ховлилари анча такомиллаштирилган.

Турар жой уйларининг курилишининг катта ютуқларидан бири, бу тайёр йигма темирбетон конструкцияларидан йигиладиган уйларга утишдир.

1961-1962 йилларда Гипростройиндустрия ТДСК ва 1-464-АСП сериялари кайта 2-4 каватли уйларнинг янги авлоди яратилди. ТДСК-серияли уйларнинг умумий. ва яшаш хоналарини режалаштирилиши 1-310-серияли гиштли уйлардан фарк килмайди, фаркли жихати-ёзги хона - терасса умумий хона билан боғланган лоджия билан алмаштирилган. [28]

1963-1965 йилларда мавжуд серияларни (1-310, 1-464-УСА, 1-464-НСПД-Уз-500) янада такомиллаштириш даври булди дейиш мумкин. Лойихаларни меъморий-режавий ва шаҳарсозлик сифатини таъминлашга катта эътибор берилди.

1964 йилда курилишга кабул килинган такомиллаштирилган

деворлари гиштли 1-310-И- серияли (Арх. Б. Блюм, М. Акрамов, В. Гитберг; конструкторлар А. Бочарова, В.Иванов, Л. Горлицкий ва бошқалар) тураржой уйлар 1-310-сериядаги мавжуд булган купгина камчиликлар бартараф килинган ва такомиллаштирилган.

Москва архитекторлари томонидан, Урта Осиё биринчи маротаба Тошкентнинг Ц-11 Микрорайони учун кам каватли ховли уйлар системаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ховлиларнинг системасида оригинал жойлаштирилиш сабабли ҳам архитектуравий-режавий ечими ҳам хонадонлари шамоллаштириш, ховлида микро иқлим ташкил қилиш имканиятини берди. Архитекторлар томонидан миллий архитектуравий анъаналардан жуда усталик билан фойдаланилган, ҳамда иморатлар қурилиши зичлигини оширишга олиб келинган.

1970 йилларга келиб ТашЗНИИЭП, Узгипросельстрой ва Целинстройпроект институтлари томонидан Республиканинг қуриқ ерларни узлаштириладиган районларга ва кичик шаҳарлари учун кам каватли ховли уйларнинг янги авлодини яратдилар ва республика шаҳарсозлигида қулланила бошлади. [18,28]

Улар асосан, давлат корхоналари савхоз ва колхоз меҳнатқашлари оилаларига мулжалланган. Бунда оила унинг биологик ривожланиши, кундалик турмуш тарзи ҳар хил тантанали маросимларнинг ўтказиш, дам олиш ва бошқа талабаларни ҳисобга олган типовой лойиҳалар ишлаб чиқилган. Турар жой тизимида тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш функциялари олиб ташланиб, улар жамоат ишлаб чиқарилишига берилган.

Бундан ташқари ҳаракатдаги намунавий серияларга архитектуравий режалаштириш сифатига тузатишлар киритилган ва хоналар жойлашиши мутоносиб, кваттирада киши сонига қараб ётоқ хоналар, қириш жойи, ошхона, ваннахона ва ҳолатхона майдонлари анча қулайтирилган оширилган. 2-каватли 77-серияли турар жой уйларда ваннахоналар табиий ёруғлик билан таъминланганлиги, яшаш хоналари ва ёрдамчи хоналарни алоҳида шамоллатиш имконияти яратилган ва натижада эксплуатация жараёнида оилага анча қулайликлар яратилган.

Бу янги тураржой уйларни лойихасини ишлаб чиқишда архитектор ва муҳандислар катта гуруҳи институт бош муҳандис раҳбарлигида ишланган, улардан; С.Розенблум, Р. Крюкова, Р. Янбулатова, Н. Мусорина, Н. Айрапетова, М. Аксенова, ва бошқалар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 77-серияли тураржой уйларни нафакат меъморий режавий ечимлари, унинг эксплуатация сифати ҳам юқори. унинг 1-310-ТСП серия билан солиштирилганда 2,5%га материал; меҳнат ва бир киши туриш нархи сарфи камайишга олиб келинган.

Янги типда лойихаланган уйлар Тошкент, Ангрен ва Душанбе шаҳарларида тажрибадан ўтказилган [18,28]

Урта Осиё республикаларининг табиий иқлим шароти қуруқ бўлган минтақалари учун ТошЗНИИЭП ва Узгипросельстрой институтлари томонидан турар - жой биноларининг янги авлодини яратиш учун, ёпик, ўсти берк композицияли турар - жой уйлари ўстида иш олиб борган. Бу борада Тошкентда қурилган 2- 4-қаватли шахтали тураржой биносига тажриба ўтказган. (Г.В.Гуткина, Ш. З.Садикова) Шахтада хавонинг ҳар хил ҳарорати асосига ҳаракатланиши натижасига квартираларда хаво алмашинуви катта бўлган. Лекин, биринчи қаватда шахта ёнида жойлашган квартираларнинг хоналарига шамол таъсири катта бўлган. Шахтага қаратилган ошхонада кундузи ишлаш учун ёруғлик етарли ва у ернинг хавоси етарли даражада салқин бўлиши аниқланган. [23]

Хоналар режавий ечимлар тугри топилган; Терраса билан умумий хонани функционал боғлиқлиги сақланиб қолганлиги, IV иқлимий минтақада секцияли тураржой уйларини лойихалаш ва қурилишидаги қўп йиллик тажрибаларга асосланиб умумий хона билан бирга барча хоналар алоҳида ошхона билан боғланган ва ундан ташқари ошхона майдони 5,3 м² дан 8,3 м² га оширилган; 2-хонали квартирадан бошлаб барча квартираларда алоҳида ҳолатхона ва бошқаларнинг қўлланиши эксплуатация сифатининг қўтарилишига олиб келинган.

Айникса, Ц-1, Ц-2, Ц-7 ва Украина микрорайонларида, қўлланган 2+4+9 қаватли турар - жой уйлари бир - бири билан уйғунлашган. Бундан ташқари уйларнинг типлари галерияли, шахматли ва гилам нусхадаги композициясидаги кам қаватли уйлардир.

Кейинги даврда, Ташгинрогор институти томонидан (арх А Коссинский рахбарлигида), Тошкент шахрининг тарихий қисмида «Калховуз» турар - жой райони лойихаланди. Бу турар жой районида урта ва куп каватли турар - жой бинолари билан биргаликда миллий архитектурамиз анъаналари асосида 2-3 каватли ховлили уйлар ишланган. Бу ховлили уйларнинг архитектуравий-режавий ечимлари, хажмий-фазовий композициялари диққатга сазовордир ва улар 2-4-9-12 каватл турар жой бинолари композицияси билан уйгунлашиб кетган ва улар халқимизнинг турмуш тарзига тулик жавоб беради.

2.4. Ҳориж мамлакатларида кам қаватли уйларни лойиҳалаш ва қурилиши тажрибаларидаги таҳлили.

3,4,5 квартира билан қурилган уйлар асосан бир каватли 5,6,7 квартиралар билан қурилганлар 2 каватлардир. Уларнинг участкаси зоналарга бўлган: Яшаш зонаси ва ховлиси билан тамарка зонаси ва хужалик иморат зонаси.

Ховлили уйлар қишлоқ аҳолисига узининг иқтисодий, функциявий ва табиий – иклимий шароитларнинг тулик ҳисобга олинганлиги ва қулайлиги билан маъқул бўлмоқда. Бундай уйларни қуриш ҳозирги қишлоқ қурилишининг муҳим йўналиши бўлиб у давлат томонидан қулаб қувватланган ва Республика архитектура ва қурилиш ишлари Давлат қумитаси қишлоқларда давлат, жамоа хужаликлари, кооператив усулида ва яқка тартибда турар жой қурувчилар учун ховлили уйларнинг янги типовой, яқка тартибдаги ва экспериментал лойиҳалари тасдиқланди. (расм 2.4.)

Кейинги босқичда «Ўзгинроселвстрой» институти томонидан давлат ва колхоз қурилиш учун республика қишлоқ ҳудудларининг демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 3,4,5 ва 6 хонали бир ва икки каватли ховлили уйларни вариант лойиҳаларини ишлаб чиқди.

Хар хил ҳудудларнинг иклимий шароитига қура қуйидаги турларга бўлинади: бир каватли 4,5 ва 6 хонагача; икки каватли хоналар икки сатҳда жойлаштирилган квартиралари билан. Уларда бир ховлили бўлиб уй ва қириш дарвозаси қуча томондан жойлаштирилган ховлининг бошқа

периметрида ёзги ошхона, хужалик иншоотлари жойлаштирилган. Ховли эса регионал зоналарга булинган яхши кукаламзорлаштирилган ва ободонлаштирилган (расм).

Булардан ташкари институт томонидан блакировкали уйлар сериясини ҳам ишлаб чиқилган. Улар ховлили уйлардан фарк қилиб одатда икки каватли бўлиб 3,4,5,6 хонали квартиралар уйлардир. Хар бир квартира икки сохада: биринчи ва иккинчи каватларда жойлаштирилган. Биринчи каватда умумий хона (Меҳмонхона) ошхона, айвон (терасса) Сан.узел ва ота-оналар ётоқхонаси, иккинчи каватда ётоқхоналар жойлаштирилади. Бу ерда квартираларга икки томондан куча ва ёндош участкадан қилинади.

Блокировкали уйларни куча бўйлаб ёппасига, куча қизигидан 4-6 м масофада жойлаштирилади. Куча томондан, уй олдида кичик гулзор – богчалар, орқа томонида, хар бир квартиранинг олдида участкалар жойлаштирилган. Блакировкали уйларнинг квартиралари хоналар хар икки томонга чиққанлиги сабабли уларнинг ориентацияси текланмаган.

Квартиралар қошидаги участкаларда, оила шахсий ёрдамчи хужалигини юритиш мумкин. Бундан ташкари, блокаровкали уйлар билан турар жой иморат қурилиши зичлиги 2-3 мартда ошади. Бу эса турар жой қурилишига сарфланадиган инжер – коммуникация ва ободонлаштириш харакатларининг анча камайишига олиб келади.

Блакировкали уйлар билан ховлили уйларни турар жой иморат қурилишида куллаш эса аҳолии пунктининг қиёфасини бадиий жихатда яхшилади ва куча силуетини қуп хиликка олиб келади.

Шу билан бир каторда кейинги йилларда Қишлоқ турар жой қурилишда ва лойиҳалаш тажрибасида ховлили уйлар планировкасининг қулай усуллари: уйларни куча қизил қизигидан бошлаб ховлига қириш, шахсий транспорт воситасини саклаш ва гараж вазифасини бажарувчи «блок-вставка»лардан фойдаланилмокда,

Бир ёки икки квартиралар ховлили уйларда миллий меъморчилигимиз услуби «дарвоза - долон» лар кенг кулланилмокда натижада узлуксиз

тушунтирилиб куриш услуби, айна вақтда ҳам ховлили уйларга, блакировкали уйларга хос булган барча кулайликларни яратади ва қишлоқларимиз кифасини куп хилликка олиб келади.

Қишлоқ турар жой қурилишида кенг таркалган ховлили (якка тартибда, куш квартирали) уйлар билан ҳам қурилмокда. Улар айникса туман ва қишлоқ марказларида қуриладиган икки каватли секцияли ва галереяли турдаги уйлардир. Блакировкали ва куп квартирали уйлар (секцияли ва галереяли) саноатлашган туман марказлари, қишлоқ агросаноат комплекслари, совхоз ва колхозларнинг йирик марказлашган посёлкаларининг иморат қурилишида қулланилмокда. Чунки бундай аҳолии пунктларида кичик оилалар ёшлар, қишлоқ интеллигенцияси оилаларига мулжалланган.

Кейинги 1980-1986 йилларда «Ўзгипросельстрой» институти томонидан Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурувчиларга мулжалланган ховлили уйларнинг катор наъмунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу уйлар асосан бир каватли 3,4,5 ва 6 хонали уйлардан иборат. Улар бир ва икки оилаларга мулжалланган блокировка қилинган уйлардир. Серияда уйлар ховли ва хужалик иморатлари билан билан лойиҳаланган. Улар республикамизнинг барча иклимий районларига мослаб ишланган ва 7-8 балли зилзила бардошлик қилиб лойиҳаланган. Бу турдаги уйлар маҳаллий урф – одатларни ва аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланган.

2.5. Қишлоқ уйларининг янги наъмунавий лойиҳалари ва қурилиши тажрибалари таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йилни «Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги барчамизнинг олдимизга ниҳоятга масъулиятли вазифалар қуйилмокда.

Бу замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабаларидан келиб, чиқиб, намунали лойиҳалар ишлаб чиқиш ва қуллаш, қишлоқ қурилиши қуламини ошириш ҳамда уни индивидуаллаштириши, қишлоқ жойларда

махаллий хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланилган ҳолда янги ва замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқишни ташкил этиш асосида уй-жой, ижтимоий ва маиший ҳамда маданий қурилишини автомобиль йулларнинг ҳолатини транспорт ва коммуникация хизматларини яхшилаш, умуман қишлоқ аҳолии пунктларининг кифёсини узгартириш ва пировардида қишлоқ меҳнаткашлари турмушининг сифат даражасини янада оширишдан иборат.

Республика вилоятлари қишлоқларини ҳар томонлама ривожлантириш ва обод этиш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш учун «Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Дастурда қишлоқлар кифёсини сифат жиҳатдан яхшилаш ривожлантириш, архитектуравий-режа ва бош планга мувофиқ қишлоқ аҳолии пунктлари ҳудудлари қурилиши қишлоқларнинг турар жой ва ижтимоий соҳа объектларини наъмунавий лойиҳалар бўйича барпо этишини назарда тутувчи қишлоқ аҳолии пунктлари ҳудудларини архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш кузда тутилган. Қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини ошириш, қишлоқ аҳолии пунктлари транспорт коммуникациялари, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, айникса, бориш кийин булган ва олис қишлоқларни телекоммуникация тармоклари ва почта алоқаси билан камраб олишини таъминлаш.

Вилоятларнинг узида қурилиш материалларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йигма конструкциялар ва маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланилган ҳолда қишлоқларда уй-жой ва ижтимоий соҳа бошқа объектларни индустриал йигма ва бошқа илғор технологияларни жорий этишга эришиш.

Белгиланган вазифалар ичида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини юксалтириш бўйича чора – тадбирлар ва қонуниятларини ишлаб чиқиш муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини маънавий жихатдан юқорига кутариш ва қурилиш ишларини ташкил этиш учун, қишлоқларнинг бош режаларини ишлаб чиқишни таъминлаш, минтақаларнинг табиий – иқлими, ижтимоий – демографик ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ уйлари ва ижтимоий соҳа объектларини унификация ва типизация асосида наъмунивий лойиҳаларни тайёрлаш, айниқса, жорий йилда қишлоқларда 7100 минг квадрат метр уй-жойни қуриб фойдаланишга топширишини таъминланган ҳолда 2009-2015 йиллар мобайнида наъмунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши лозим. []

Юқорида қурсатилган вазифаларни ҳал қилиш борасида, Дастурда замонавий архитектура ва шазарсозлик талаблари асосида қишлоқ аҳолии пунктлари кифасини, яхшилаш ва қишлоқ аҳолисининг турмушининг сифат даражасини янада ошириш, ҳусусан қишлоқ аҳолии пунктларини архитектуравий – режалаштиришни ташкил эти шва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштиришни тубдан яхшилаш борасида Маъсулияти чекланган жамият «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳа кидирув институти ташкил этади.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор вазирликлар, вилоят ва маҳаллий туман ҳокимияти органлари ҳамкорлигида Республика қишлоқ аҳолии пунктларини 2009 йил январь ҳолати бўйича янги руйхатдан утказилди.

Руйхатдан утказишдан қузланган асосий мақсад, мавжуд қишлоқ аҳолии пунктларини объектив баҳолаш, бугунги аҳолини пунктларини объектив баҳолаш, бугунги аҳолини ҳар томонлама урганиб чиқиш ҳамда келажакда қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараккиётини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудларини ривожлантиришни

бош режалар ва ҳудудларни архитектуравий ташкиллаштириш ва шакллантиришни боскичма – боскич таъминлаш дастурини ишлаб чикитшдан иборат ва бугунги қишлоқ аҳолии пунктларининг ҳозирги аҳолини ҳар томонлама таҳлил қилиш лозим.

Сунги йилларда мамлакатимиз агросаноат комплекс ива қишлоқ хужалигида юз берган маъмурий ва иктисодий ислохатлар сабабли, қишлоқ хужалик корхоналари фаолияти уларнинг аҳолиси яшайдиган жойларнинг ҳам тузилиши узгарди.

Шу сабабга кура, илгари ишлаб чиқилган бош режалар (ген планлар) эскирди ва бугунги кун талабаларига жавоб бермайди.

Республика вилоятлари қишлоқларининг қупчилиги, тарихий жихатдан шаклланган аҳолии яшайдиган ҳудудлар ҳисобланиб, республикада утказилган руйхатга олиш маълумотларига кура, 160 туман мавжуд булиб, уларда 1509 – та қишлоқ фукаролар йигини ва уларнинг ҳудудида 11820 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжудлиги аникланди.

Республикада утказилган руйхатган олиш маълумотларига кура, турли йилларда вилоятларнинг қишлоқ аҳоли пунктларининг 4449 та бош режаси ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган бош режалардан 467 таси ярокли, 3082 тасининг бош режаси эскирган ва узгартиришлар киритишни талаб қилади. 7371 та қишлоқ аҳолии пунктларининг бош режа лойихаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Республика «Давархитектура қурилиш» кумитаси томонидан, қишлоқ аҳоли пунктлари, бош режаларини ишлаб чиқишдан мақсад, хужалик ичидаги ер ва уни тузиш ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил эти шва жойлаштириш ҳамда маданий-маиший хизмат курсатиш, транспорт йуллари ва мухандислик коммуникациялари вазиқаларини комплекс ҳал этиш буйича, ҳар бир қишлоқнинг алоҳида ишлаб чиқиш учун уларни схематик жойлаштириш ва хужжат билан таъминлайдиган қишлоқ

фукарolari йигини негизда унинг худудни архитектуравий – режавий ташкил этиш лойихасини (ХАРТЭ) ишлаб чиқиш таклифи киритилди.

Бундан ташкари, қишлоқ худудларини режалаштириш ва ташкил этиш лойихаларни ишлаб чиқариш норматив базасини яратиш учун «Қишлоқ хужалиги корхоналари худудларини режалаштириш ва ташкил этиш» норматив хужжат кулангани қайта ишлаб чиқилди.

Кумита томонидан, утказилаг хатлов натижаси асосида қишлоқ аҳолии пунктларини бош режалар ва худудларни архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойихалари билан уз вақтида таъминлаш ушбу худудларни шаҳарсозлик жихатидан комплекс ривожлантиришни ошириш мақсадида, 2010-2014 йилларда худудларни архитектуравий-режалаштиришни ташкил этиш лойихаларини, қишлоқ аҳолии пунктлари бош режалари билан бирга ишалаб чиқиш (тузатишлар киритиш) чора тадбирлари Дастури тайёрланади ва Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

Дастурнинг амалга ошириши ҳар бир қишлоқ фукарolari йигинини худудини архитектуравий-режавий ташкиллаштириш лойихаси (АПӨТ) билан ҳар бир аҳолии пунктини эса, батафсил режалаштириш лойихаси билан бирга ишлаб чиқилган бош режа эскизи билан таъминлаш ҳамда амалга оширилиши режалаштирилаётган қурилиш ишларининг биринчи навбатини белгилаш имкониятини беради.

«Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг роҳида этиш ҳамда қишлоқ аҳолии пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойихаларига мувофиқ тасдиқланган наъмунавий лойихалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши қуламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида Республика Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қуламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тугрисида» ги ПҚ – 1167 сонли қарори бўйича Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

томнидан намунавий лойихалар асосида уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуришнинг қурилишнинг тажриба лойихаларни амалга ошириш учун қишлоқ хужалиги ҳамда урмон фонди ерлар тоифасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинган.

2009 – 2010 йилларда 260,5 млрд. сумм, шу жумладан – 65,5 млрд. сумм миқдори намунавий лойихалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида яқка тартибдаги уй – жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб берилган.

Қарорда яқка тартибдаги уй – жой қурилиши массивларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилиши инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилиши ижтимоий инфратузилма объектлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари қурилишини маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган.

Давлат дастурининг амалда бажарилишини 2009 йил 7-13 сентябр кунлари «Узэкспомарказида» «Қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй – жойларни лойихалаш қуриш ва қурилиш материалларини тарғибот қилиш ва ихтисослаштирилган» қурғазма бўлиб ўтди. Бу қурғазма аҳолининг кизиқиши катта бўлди ва уни ҳамма вилоятларда ташкил этилди.

Қурғазмада янги ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш лойиха» институти томонидан жойларнинг табиий иқлим шароитлари ва рельефини, ижтимоий демографик хусусиятларини, маҳаллий қурилиш материаллари борлигини, мавжуд қурилиши индустриал базасини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ уй – жойларининг ва ижтимоий объектларнинг янги намунавий лойихалари намойиш қилинди.

Вилоятлар бўйича белгиланган 42 – та намунавий посёлкаларнинг ҳар бир ҳудуднинг жугрофий иқлимий ва геологик хусусиятлари, демографик ҳолатларига мос ечимлари билан ишланган лойиха ва мамлакатларга намойиш қилинди. Айниқса, минтакаларда Қашқадарё, Андижон вилоятлари ва қорақалпоғистон Республикасининг туманларида

энг янги курилиш материаллари ва буюмларидан фойдаланган холда айрим аҳолии пунктларининг тажриба намунавий курилиш буйича турар жой уйларнинг лойихалари ва макетлар намойиш этилди.

Булардан ташкари кургазманинг иккинчи павильонида республикамизда ишлаб чиқиладиган замонавий курилиш материаллари, уй-рузгор ва енгил саноат маҳсулотлари, мебеллари, маиший техника ва қишлоқ хужалик ускуналарини намойиш этилди.

Ушбу амалий кургама ва унинг ҳамма вилоятларда ташкил этилиши, энг авало Ўзбекистон Республикаси «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг мазмун ва моҳияти асосий йўналишлари ва белгиланган чора – тадбирларининг ташкилий - ҳукукий механизмларини нафақат кенг халқимиз оммасига шу соҳаларда ишлайдиган мутахассисларга етказишга хизмат қилди.

Юқорида, «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида «Қишлоқ курилиш лойиха» институтининг асосий вазифалари:

- Қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва қишлоқ ва қишлоқ фуқаро йиғинлари (КФЙ) ҳудудларининг архитектуравий – режавий ташкиллаштириш лойихаларини ишлаб чиқиш;

- Ҳудудларнинг ижтимоий – демографик хусусиятларини ҳисобга олган ва замонавий курилиш материалларидан фойдаланган холда қишлоқ уй-жой бинолари, ижтимоий маданий соҳа объектларининг янги намунавий лойихаларитни ишлаб чиқиш;

Шу борада, «Қишлоқ курилиш лойиха» институт институт томонидан қишлоқ уй – жой биноларининг наъмунавий лойихаларини ишлаб чиқиш буйича Республиканинг ҳамма ҳудудларини 5 – та курилиш иқлимий зоналарга бўлиб, улар учун зилзила бардошлиги 7-8 баллга тенг бўлган қишлоқ уйларнинг 22 намунавий лойихаси, шунингдек ижтимоий – маиший объектларнинг 16 намунавий лойихаси ишлаб чиқилди. (расм).

Қишлоқ уй-жой бинолари лойihalари кулланиши мулжалланаётган минтакаларнинг табиий – иклимий шароитлари ва уй-жойларнинг шаклланишидаги миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда архитектуравий – режавий ечимларнинг турли вариантлари ишлаб чиқилган.

Республика қишлоқ ҳудудларининг демографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 3,4,5,6,7 ва 8 хонали бир ва икки каватли уй-жой биноларининг вариантли намунавий 31 – та лойihalари ишлаб чиқилган (расм).

Уй-жой биноларининг архитектураси ва яшаш учун яхшиланган шарт – шароитларнинг мужассамлиги, қишлоқ уй-жой биноларини ҳам маиший, ҳам ижтимоий жихайдан шаҳар уй – жойларига яқинлаштирилган ва уларнинг комфортабеллиги шаҳар уй – жойларидан қолишмайди.

Наъмунавий уй – жой лойihalарида ошхоналар бир мунча қулай ва кенгрок қилиб ишланган, бу ҳам булса, миллий урф одатлар ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, алоҳида ёток хоналарнинг жойлашуви меҳмонхоналарни айвон ва ошхоналар билан боғланганлиги уйнинг узида ювиниш хоналарнинг жойлаштирилиши, буларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳолиси учун қулайлик ва қомфортлик яратилган.

Қишлоқ уй-жой биноларининг намунавий лойihalари хонадонларнинг иккита шинамлиқ (қомфортлик) даражаси қузда тутилган, яъни ҳар бир қишига тугри қеладиған турар жой майдони 16-18 м² шинамлиқнинг оддий даражаси, бир қишига тугри қеладиған турар жой майдони 24 – 26 м² шинамлиқнинг яхшиланған даражаси.

Наъмунавий лойihalарда янги конструктив ечимлар, маҳалий қурилиш конструкциялари ва материаллардан кенг фойдаланилган. Уй жой биноларининг барча турлари замонавий муҳандислик жихозлари билан таъминланған.

Ишлаб чиқилған наъмунавий лойihalарда энергияни тежаш имқониятини берувчи замонавий технологиялар қулланилған.

Қишлоқ аҳолии пунктларининг экологик ҳолатини яхшилаш борасида меъёрий қоидаларга риоя қилинган (ориентация, шамоллати, чанг-тузонли шамоллардан ҳимояланиш ва бошқалар). Ховли участкасини кукаламзорлаштириш ва ободонлаштириш уша ҳудудларнинг дарахтлари, узум ва мевали дарахатлардан кенг фойдаланилган. Ховли участкасида ёзги ошхона, омборхона, кичик ҳажмдаги иссик хона, хожатхона, куйхоналар жойлаштирилган.

II боб хулосаси

Дастурнинг амалга ошириши ҳар бир қишлоқ фуқаролари йигинини ҳудудини архитектуравий-режавий ташкиллаштириш лойихаси (АПӨТ) билан ҳар бир аҳолии пунктини эса, батафсил режалаштириш лойихаси билан бирга ишлаб чиқилган бош режа эскизи билан таъминлаш ҳамда амалга оширилиши режалаштирилаётган қурилиш ишларининг биринчи навбатини белгилаш имкониятини беради.

Шу борада, «Қишлоқ қурилиш лойиха» институт институт томонидан қишлоқ уй – жой биноларининг наъмунавий лойихаларини ишлаб чиқиш бўйича Республиканинг ҳамма ҳудудларини 5 – та қурилиш иқлимий зоналарга бўлиб, улар учун зилзила бардошлиги 7-8 баллга тенг бўлган қишлоқ уйларнинг 22 намунавий лойихаси, шунингдек ижтимоий – маиший объектларнинг 16 намунавий лойихаси ишлаб чиқилди. (расм).

Республика қишлоқ ҳудудларининг демографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 3,4,5,6,7 ва 8 хонали бир ва икки қаватли уй-жой биноларининг вариантли намунавий 31 – та лойихалари ишлаб чиқилган (расм).

3 боб. Қам қаватли ховлили уйларнинг ҳажмий – режавий шакллантириш ва уларнинг тизимида ҳужалик ишишларини ташкиллаштириш.

Қишлоқ турмуш тарзи қупгина йуналишларга эга. Булар миллий регионал, ишлаб чиқариш ва бошқалардир. Бу қирралар йуналишлар турар жойлар ва аҳолии яшаш пунктларининг фазовий қурилишларида

уз аксини топади. Қишлоқ турмуш тарзи бугунги кунда узининг анъанавий куринишини узгартирмасдан колдирмокда. Аммо унинг йуналишлари турмуш тарзи шаҳар турмуш тарзига якинлашиб бориш кузатилмокда.

Қишлоқларда турмуш тубдан узгариб янгича тус олмокда. Фермер хужаликларининг пайдо булиши ва улар қишлоқ хужалигининг кайси йуналиши билан шугулланишларга караб у ерда яшайдиган аҳолининг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзи ҳам узгариб борди.

Ўзбекистон Республикаси бозор иктисодиётига утиш жараёнини ва бу жараён қишлоқ аҳолисини турмуш даражасига ҳам катта таъсир курсатмокда. Қишлоқларда катта ва кичик фермер хужаликлари, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқариш корхоналари ва хоказолар пайдо булмокда. Булар уз навбатида қишлоқ аҳолисининг турмуш аҳолисининг яхшиланишига олиб келади ва уз навбатида турар жой биноларини структурасини бирмунча узгаришига олиб келади. Масалан: катта фермер хужаликларида эса молхона, товукхона ва самонхоналар турар жой биноларини бирга ишланиб унинг катта кисмини ташкил килмокда.

Якка тартибдаги хужаликларда эса уз турар жойларида кичик корхоналар ташкил килиш билан бирга турар жой хонадонларини структурасини кенгайтирмокдалар.

Мисол килиб: ташки ховлида кичик тегирмонлар, устахоналар, тикиш – бичиш цехлар ва бошқаларни ташкиллаштирмокда.

Якин келажакда қишлоқ турмуш тарзи тубдан узгариб янгича тус олиши мумкин. Фермер хужаликларининг турларига ва уларнинг кандай иш билан шугулланишларига караб у берда яшайдиган аҳолининг ижтимоий яшаш жараёни ҳам узгариб боради. Мисол учун: Қорамол ёки куй бокиш билан шугулланадиган фермер хужалиги аҳолии яшайдиган қишлоқдан маълум масофада жойлашган булади.

Фермер хужалигини бошқариб унда ишлайдиган оила аъзолари хар

куни ишга бориб келиш учун маълум вақт сарфлайдилар. Ишнинг яхши бориши учун уларнинг яшаш жойлари фермага якин жойда бўлиши маъкул бўлиб қолади.

Шундай қилиб ферма хужалиги атрофида турар жой биноларини қурилади. Вақт ўтиши билан ферма хужалиги катталашиб ишчилар сони купаяди, натижада турар жой бинолари ва агросаноат мажмуалари пайдо бўлади.

3.1. Меҳнат фаолияти асосида қишлоқ уйлари турларини аниқлаш.

Собик Совет иттифок даврида, шаҳар турар жой тизими таркибидаги, хужалик, тадбиркорлик ва бошқа турдаги ишларни жамоат, давлат корхона ва ташкилотларига берилган эди. Шу сабабли оила турар - жойида, оиланинг биологик ижтимоий ривожланиши, уй-рузгор ишлари, дам олиш, меҳмонларни кутиб олиш, маросимларни ўтказиш қабилар қолдирилди.

Бу борада социологик-демографик илмий-тадқиқотлар ўтказилиб, турар жой уйлар ва уларнинг квартираларини қандай ривожлантириш ва нормативларни аниқлаш борасида ишлар олиб борилиб, турар жойларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича КМКлар яратилди. Шу КМКлар бўйича квартира ва турар - жойлар лойиҳаланди ва қурилишлар амалга оширилди.

Давлатимиз мустақилликка эришилгандан кейин, Бош қомусимизда, ҳамма мулкларга рухсат берилди. Қишлоқ ва шаҳарларда квартиралар, уйлар приватизация қилиниб, хусусийлаштирилди. Натижада, Республикаимизнинг қишлоқ, туман марказлари ва шаҳарлари аҳолилари хусусий хужалик тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш билан шугуллана бошладилар ва турар - жойларини шу йўналишга мослаштира бошладилар.

Натижада, қишлоқ ва туман марказлари бу жараёнга тулик тайёр эмаслиги маълум бўлди. Бу жараёни бошқариш учун тулигича меъёрий ҳужатлар Республика архитектура ва қурилиш қумитаси, шаҳар ва туман

хокимиятлари томонидан ишлаб чикилмаган. Расмларда келтирилган фактлардек республика қишлоқ ва туман марказлари стихияли турар жой қурилишини олиб бормокдалар. (расм 2,3,2,4)

Шу боисдан ишга анъанавий халқ уйларида бу масала қандай ечилгани ва турар - жой тизимида қандай жойлаштирилган? Бу масалани Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг анъанавий халқ уйлари тизими урганилди, лойихалаш ва қурилиш тажрибалари таҳлил ва хулосалар қилинди.

Иккинчи босқичда, ҳозирги кунда аҳолининг меҳнат фаолиятини турар жойларда олиб бориши бўйича илмий қузатишлар ўтказилди. Натижада меҳнат фаолияти турлари бўйича қишлоқ, туман марказлари учун қам қаватли турар жой уйларнинг турлари аниқланди:

Хужалик, хужалик-тадбиркорлик, хужалик-ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш-тадбиркорлик (расм 3.1).

Шу юқорида келтирилган турар жой уйларнинг хужалик типлари зоналари схемаси (моделли) ва қам қаватли уйларнинг наъмунавий типларининг зоналари схемаси (моделли) аниқланди (раем 3.2).

Тадқиқот натижалари (1-бобга қаранг) қурсатадиган маҳаллий шароит (ижтимоий - демографик, табиий - иқлим, моддий ва индустриал базаси ва бошқалар,) лар хусусиятидан келиб чиқиб Навоий вилоятида қишлоқ турар жойларнинг меъморчилик ечимига, яъни унинг ҳажмий – режавий ва ҳважмий-фазовий ташкил этилиши, конструктив ечимларга ва бутун турар - жой иморат қурилиши муҳитини шакллантиришига ўз таъсирини қурсатди. [30]

Тадқиқотлар (2-бобга қаранг) қурсатадики, қурилиш услубларини қуллаш ҳамда замонавий қуриш материал ва конструкциялар биргаликда талаблар шартлари турар - жой гуруҳини ташкил этади. Бу шарт ва талаблар қишлоқ турар – жойлар меъморчилигини аниқлайди, унинг шаҳарсозлик ҳаракатини таъминлаш, қаватлари режа ва конфигурацияси, композицияси (масштаб, пропорция, ритм) ориентация, инсоляция қабил масалаларни белгилайди.

Турар жойларни ҳажмий - режавий шакллантириш ва ҳажмий фазовий ташкиллаштиришда тадқиқотлар шуни қурсатадики асосий

фактор - бу табиий - иклим шароитларидир.

Ушбу қонуниятнинг қулланиши, социал-демографик, табиий-иклимий факторлари турар жой архитектурада, турар – жой иморат шаҳар қурилишида ва уларнинг таракқиёти асосида турар-жойларни лойихалаш, турар-жойларнинг ривожланиш истикболи ва янги авлодларни ишлаб чиқишда мана шу қонуниятлар ётади. [12,13,14,30,31]

Қишлоқ турар - жойларнинг режавий тузилиши ва ҳажмий – фазовий композициясини комплекс ва системали тадқиқот қилиш натижасида, ишда, қуйидаги тамойилларидан иборат қишлоқ ҳовли турар-жойларнинг архитектуравий-режавий тузилиши ва ҳажмий - фазовий ташкиллаштириш ва шакллантиришнинг асосий тамойиллари ва усуллари аниқланди.

Республикамізда ва чет эл хориж мамлакатлари лойиха ва тажрибалари бўйича, қам қаватли ҳовли турар–жой уйларнинг «блок+квартира+ҳовли ҳужалик+тадбиркорлик+ блок-уй» бўйича прогрессив турлари аниқланди.

1. Блок квартира ва социал-фазовий турлари бўйича блок-уй ва блок квартира ҳамда блок+квартиралар ҳужалик блокларини дифференциаллаш ва номенклатурага квартираларни гуруҳлаб бирлаштириб ва ташкиллаштириш.
2. Қам қаватли ҳовлили турар – жой уйлар тадқиқ қилиниши натижасида узимизнинг ва хориж мамлакатлари турар–жойнинг уйлари прогрессив блок+квартира+уйларидан истикболда турар–жой уйлари оменклатурасини тузиш.
3. Ишлаб чиқилган модель асосида қам қаватли ҳовлили турар – жой уйларини шакллантириш, ташкиллаштириш ва ривожлантириш талаблари аниқланди.

Ўзбекистоннинг минтақавий маҳаллий ҳудудларининг табиий-иклим шароитлари бўйича турар жойларни лойихалаш меъморий - қурилиш ишларини амалга оширишда маълум бир узларининг махсус талабларига эга. (1-бобга қаранг). Яъни республика шароитида доимий омиллардан - табиий-иклим шароитларидан қуёш радиациясининг юқори даражаси,

тез узгарувчанлиги ва куруклиги, аммо шу билан бирга регионал фаркланишга эга. Бу асосий фактор республиканинг барча худудларида, ёзги даврда хаво хароратининг юкорилиги, термик муддатнинг давомийлиги (2-3 ой давом этади) дискомфортлик шароитлар ҳукумронлиги ҳисобланади. Шунинг учун бу фактор жуда муҳим бўлиб, ёз даврида турар- жойларнинг квартира хоналарини ва турар – жой иморат қурилиши худудларини бош факторлардан ҳимоялаш ва уларда янги тури - «усувчи уй»ни яратиш имконини беради. [30]

Бу лойиҳаларнинг ҳажмий-фазовий композициясининг марказида ҳовлилар системаси ётади, (моделга қаранг 3,1-расм) оиланинг турмуш тарзи, меҳнат фаолиятида керакли I-нчи типологик қарорлар ётади, яъни ҳовлининг параметри бўйича блок-квартира, олоҳида ҳолда ҳужалик ва бошқа блоклар жойлаштирилади. 2-қаватда II-типологик қатор - ётоқхоналар жойлаштирилган. Агар 3-қават пайдо бўлса оиланинг мустақил ҳаёт кечирадиган оилали фарзандлари, лекин ота-онаси билан биргаликда яшайди. Бу ерда ҳовли эса оилаларни бирлаштирувчи «учоғи» бўлиб хизмат қилади.

Таклиф қилинаётган «усувчи-уй» - «блок-квартира+ҳовли+уй» бир вақтнинг узида 1-2-қаватли бўлиб кейинги оиланинг сифат узгариши бўлганда 3-қаватли ҳаттоки 4-қаватли уйларга айланиши мумкин. Бундан ташқари, «Блок-квартира+ҳовли+уй» бирлаштирилаётганда, горизонтал ва вертикал коммуникация - галерея-корридорлар қуча тизимига киритилади. Бу тизим уйларни гуруҳлаштиришнинг турар жой мажмуалари яъни маҳаллани ташкиллаштиришда асосий композициявий усул бўлиб хизмат қилади.

Лойиҳаларда 4-5-6 ва 7-8-хонали квартираларнинг функциявий-режавий ечимлари берилган. (расм 3.4,3.5,3.6).

Бу «усувчи» уй» лойиҳаси Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, туман марказлари ва шаҳарлари айниқса - III-архитектуравий-иклимий районининг табиий-иклим шароитига, оилаларнинг социал-демографик

ва иктисодий талабаларга тулик жавоб беради.

Республикамиздаги ва хориж мамлакатлари лойиха ва курилган кам каватли ховлили турар жой уйларнинг илгор типлари киритилган ва шулар асосида тузилган уйлари номенклатураси ва модель асосида турар жой уйларни лойихалашни тавсия этилади.

Юкори комфортлари кам қаватли турар жой уйлар хоналарининг таркиби ва майдонларининг улчамлари

Хоналарнинг таркиби	Яхшиланган классдаги (бир оила учун уй) квартиралар				Юкори классдаги (бир оила учун уй) квартиралар			
	Хоналарнинг тавсия этилган майдонлари м ²							
	3-хона-ли	4-хона-ли	5-хона-ли	6-хона-ли	6-хона-ли	7-хона-ли	8-хона-ли	9-хона-ли
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Яшаш ва истикома г килиш хоналари								
Умумий хона	27	27	30	30	30	30	40	48
Мехмонхона	-	-	-	-	24	24	24	24
Ошхона (емакхона)	-	-	-	-	15	15	15	20
Ота-она ётоқхонаси	16	16	16	16	20	20	20	20
Болалар уйнайдиган хона-ётоқхона	-	-	-	-	20	20	20	20
Кабинет (кутубхона ва бошқалар)	14	14	14	14	20	20	20	20
1 кишилик ётоқхона	-	12	12	12х2	-	14	14	14
2 кишилик ётоқхона	-	16	16	16	-	-	18	18
Яшаш майдони	57	85	88	100	129	143	171	196
Ердамчи хоналар								
Дахлиз ва коридорлар	10	10	12	12	12	14	16	18
Ошхона	10	10	12	12	12	12	15	15
Хожатхона, ванна - хона ва хоказо	9	9	9	12	12	12	15	15
Омборхона ва жавонхона	4	4	5	5	10	10	10	10
Хаммом	-	-	-	-	10	10	10	10
Умумий майдон	33	33	33	41	56	58	61	68

*Юкори майдон классдаги квартираларнинг (бир оила учун уйларда) мехмонхоналар (лойиха топшириги мувофик) оддий классда

колдирилиши мумкин.

3.2. Кам қаватли ховлили уйларининг архитектуравий-режавий ечимлари

Маълумки, ҳозирги вақтда кичик ва шаҳарлардаги кам қаватли турар жой бинолари курилишининг 30 фоизи замонавий турар жойларга қўйиладиган талабларга жавоб беролмайдиган эски намунавий (типовой) лойиҳалар буйича амалга оширилмоқда» Булар 210, 310, 77 серияларга тегишли икки, уч ва тўрт қаватли уйларнинг ҳамда 1-2 қаватли ховлили уйларнинг лойиҳаларидир (2,1 -расмлар). Ушбу лойиҳаларда халқ маҳаллий уйларига мос қулайликлардан фойдаланилмаган меъморий ечимлар мавжуд бўлиб, энг муҳими хонадонлар (квартиралар) ҳовлисиз, ҳовли билан узвий боғланмаган ҳолда лойиҳаланган. Хонадонлар ёзги хоналари (лоджия, веранда)нинг эни эса 1,7 метрга яқин бўлиб, умумий яшаш хонаси ва ошхона олдини тусиб қуйганлиги туфайли оиланинг, айниқса катта оилаларнинг ёзги турмуш тарзини каноатлантирмайди.

1966 йили Москва ЦНИИЭП жилища лойиҳа институти Тошкент шаҳри учун тажриба Ц-94 туркумли 2 қаватли уйлар лойиҳаларини ишлаб чиқди. "ТашЗНИИЭП" институти эса 144,101 туркумидаги намунавий лойиҳаларни такомиллаштириш устида иш олиб борди.

Аксарият ижодий изланишлар ушбу уйлар лойиҳаларида, дастлабки босқичда, биринчи қаватда ёзги хоналарни тараккий эттиришни, кейинги босқичда эса квартиралар олди боғларини ташкил қилишни таклиф этдилар. Аммо қаватларга қўйиладиган хонадонлар олди боғлари иқтисодий жиҳатдан тежамсиз бўлиб, бизнинг тез ўзгарувчан иқлимли мураккаб шароитида, айниқса қиш пайтларида фойдаланишга ноқулайдир. Бу эса уйлардаги ёзги хоналарни самарали, тежамли ва мақсадга мувофиқ тарзда ечиш зарурлигини, турар жой таркибида ички ҳовли ташкил қилиб, уни уй хоналари билан қулай боғлаш масаласини тақозо этади. [12,18,27]

Ушбу маънода асрлар давомида халқимиз томонидан яратилган ташки ва ички ховлили анъанавий уйлар зур кизиқиш уйғотади. Бухоро, Самарканд, Хоразм анъанавий уйларнинг меъморий тузилиши халқимизнинг уй-жойларга бўлган барча талабларини қондириш ва

кулайлиги ёрқин амалий мисоллар була олади. (2.1,2.4 - расмлар) Ушбу уйларнинг ҳажм-фазовий композицияси асосида барча яшаш ва ҳўжалик иморат билан мутаносиб боғланган муъжаз ховлилар тизими ётади.

Бухоро ва Хоразм уйларида ташки ва ички ховлилар мухити уйнинг ҳажмий-фазовий композицияси билан омехта тарзда боғланиб кетиб унинг таркибий кисмини ташкил килади ички ховлилар сугорилмасида, кисман кукаламзорлаштирилган, бир-икки мевали дарахт, тоқлар ва муъзаж гулзорлар билан ободонлаштирилган. Вазифаси, фазовий тузилиши ҳамда кулланилган ечимлар услуби бўйича Хоразм уйларида катта кичик айвонлар ва яшаш хоналарининг ички ҳовли атрофида жойлашиши, яшаш хоналари ва айвонлар билан бир-бирига қарама-қарши тарзда шимол ва жануб томонларга қараб аниқ йуналтирилган. Шимолга қараган катта, яъни уллу айвон икки ошён баландлигида, қолган хоналар ва жанубга қараган кичик, яъни терассали-айвон бир ошён баландликка ёта. (расм 2.1.)

Бухоро уйларининг ҳажмий-фазовий композиционвий тузилишида куйидагича ечимлар ажралиб туради: ташки ва ички ҳовли атрофида ёзги ва кишки хоналарнинг периметрал жойлашиши, ёзги ва кишки хоналарнинг қарама-қарши ҳолатда, айрим ҳолларда ички ҳовлининг уч томони бўйлаб жойлашиши кўзда тутилган. Ташки ва ички ҳовли уч томондан иморатлар, туртинчи яъни куча томондан девор билан чегараланган. Ёзги хона ва айвонлар қатъиян шимолга, қишқилари ёса жанубга қаратилган. [18.30]

Халқ уйларининг анъанавий Самарқанд ва ургут типи алоҳида хусусиятларга ёта. Уларда уйларни икки қисмга: ичкари ва ташқари ховлиларга бўлишни анъанавий ҳисобланиб, ободонлаштирилган ички ҳовли периметри бўйлаб жойлаштирилган турли хоналар ва айвонлар тизими ташкил килади.

Замонавий уй-жой бинолари қурилишига келсак, бу ерда ёзги хоналар квартираларнинг олдида «балкон», «лоджия», фойдаланилувчи томлар, «терраска», «веранда», қаватлардаги муъжаз ховличалар тарзида 12 дан 24 кв.м.гача сахнда ишланиб келинаётганининг гувоҳи бўламиз.

Анъанавий халқ уйларида ёса ёзги хоналар, (айвонлар ва бошқалар)

усти ёпик 2 ёки 3 томонидан бекитилган, тарҳи тўртбурчак шаклида, яшаш хоналаридан баланд айвонлар тарзида ҳамда офтобдан ишқомлар билан тўсилган фойдаланувчи томлар кўринишда ишланган (2,1-расм). Аммо энг кулай яшаш муҳитини куча тамондан ҳоли булган ички ва ташки ховлили уйларда яратиш мумкин.

Бунда ҳовли уйдаги яшаш хоналарининг узвий давоми ҳисобланиб ва ярим очик, айвонлар билан омихта қўшилиб кетиб, атрофига уйнинг таркибий қисмларини бирлаштирувчи нафакат бошлангич ядро, балки хужалик ва уй-рузгор юмушларини, (таом тайёрлаш, ва бошқалар) овқатланиш, дам олиш, ухлаш, меҳмон кутиш каби асосий вазифаларга кулай булган, ҳолилаштирилган ва айна пайтда очик, жой ҳамдир. Ҳовлининг одатдаги шакли квадрат ёки бир ярим квадратга тенг булган тўғри тўртбурчакдир. Ҳовлининг улчамлари одатда яшаш хоналарининг баландлиги билан узвий боғланган, эни ва буйи эса асосий яшаш хонасининг баландлигидан сезиларли катта. [16]

Кам каватли анъанавий уйларнинг тарҳи ва тарзи, ҳажмий-фазовий тузилишини урганиш шуни курсатадики, ички уйлар катор кулайликларга эга , бўлиб, булар: уйнинг ички ҳовли қисмини ёз кунларида офтобдан саклаш, ёздаги иссик, шамол, чанг-тўзондан, кишнинг совуқ шамолидан тўсиш, ёзда оиланинг асосий турмуш жараёнини ҳовли саҳнида кечади, бундай уйларни тигиз ёнма-ён куриш мумкинлиги туфайли курилиш ҳудуди ҳисобига юкори тежамкорликка эришиш каби хусусан уй режаси тузилишидан келиб чикувчи катор меъморчилик имкониятларидан иборатдир. [16,29,30].

Шуни таъкидлаш зарурки, Республикамизнинг қишлоқ, кичик шаҳар ва туман марказларида, ўрта ва катта шаҳарларга нисбатан аҳолининг турмуш тарзи, яшаш жараёни, кишиларнинг уй-жойга ва оилага бўлган муносабатлари халқчил анъанавий тус ва шаклларда давом этиб келмоқда

Бу ҳолат қишлоқ ва кичик шаҳарларда ҳам замонавий уй-жой муаммосини ҳал қилишда асосан анъанавий уй-жойлар курилишини меъморчиликда тарғибот ва услублардан кўпроқ, фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Лойиҳа илмий тадқиқот ва бошқа институтларининг бу соҳадаги қуп

йиллик-илмий тадқиқот ва лойиҳа иш тажрибаларига кура, иссиқ иқлимли Ўзбекистон шароитида турар - жой уйлар ва хонадонлар қуйидаги асосий хоналар гуруҳидан: шахсий яшаш хоналари, умум оилавий яшаш хонаси, шахсий гигиена хоналари (ванна хона, хожатхона, душхона), хужалик хизмати хоналари (ошхона, хужалик хонаси, қирювиш хонаси), боғловчи хоналар (дахлиз, қаридор ва галерия, холл, долон), хужалик ускуналарини сақлаш ва жойлаштириш хоналари (омборхона, казнок, озик-овкатларни қишда сақлаш хонаси) ва уларни қаватлар аро жойлаштириш, ҳамда ҳовли сатҳи билан қулай боғлашни ташкил қилишдан иборатдир.

Ушбу хоналар гуруҳидан тузилган турар-жойларнинг ҳажмий-фазовий композицияси ва режасини маҳаллий талаблар асосида лойиҳалаш Республикамиз табиий-иқлим шароитидан ташқари маҳаллий ижтимоий-демографик омиллар, қўп болали оилаларнинг яшаш анъаналари, оила турмуш тарзи ва унинг ёзғи яшаш шакли қаби ҳалқилувчи омилларга асосий эътиборни қаратишни талаб қилади.

Дарҳақиқат, Республикамиз иқлим шароитида ёзғи иссиқ давр узок, ва қийин кечганлиги сабабли оила турмуши юмушларини асосан салқин мўъжаз иқлим ҳосил қилувчи ташқи ва ички ҳовлида ташкил қилишни, ёзғи хоналарни горизантал ҳовли билан омихта боғлашни, ошхона, ҳовли ичи майдонини ҳамда асосий хоналарни горизантал ва вертикал табиий шамоллатишни мувофиқлаштиришни талаб қилади. Масалан, бизнинг шароитимизда ошхона ва хужалик хоналарини ёруғлантириш, ҳовли майдони орқали алоҳида ҳоли равишда шамоллатиш мақсадга мувофиқ ва хоказо.

Қуриб турибмизки, маҳаллий талаблар асосида замонавий уй-жойлар режасини такомиллаштиришда қўп болалик ва уч авлодли оилалар турмуш тарзининг кечишини, хоналар ва ҳовли, маданий маъиший ва хужалик хоналарни ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш хусусиятларини алоҳида урганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, қўп болали ҳамда бир-икки авлодий оилаларда оила турмушини ташкил қилиш, болалар тарбиясини яхши йулга қўйиш, оила аъзолариганг дам олиши ва овкатланиши умум оилавий ва шахсий яшаш

хоналарини тўғри жойлаштиришга куп жихатдан боғлиқдир.

Оила аъзоларининг ортиб бориши, қишлоқ оилаларда болаларнинг тугилиши, уларнинг тугилиш оралиги асосан 1,5-2 йилни ташкил қилиб, бу эса болалар ва шахсий яшаш хоналарининг жойлашишига алоҳида эътибор беришни тақозо этади.

Ижтимоий кузатувлар шуни курсатадики, қишлоқ ва шаҳар муҳитидаги уйларда умум оилавий хонани (меҳмонхона) сифатида фойдаланиб, асосан дам олиб ҳордик чиқариш, меҳмон кутиш, оила бошликларининг хусусий мутооласи ва шахсий машгулотлари учун фойдаланилади. Айни пайтда ёзги хоналар ва ховли, айникса, ёзги шароитда барча оилавий юмушларни бажариш жараёнини утказишни уз иммасига олади. [12,18]

Катта оилаларда ётокхоналарнинг сони ва тўғри жойлаштириш оилада ором олиш ва қулайлик яратиш демакдир. Бундай оилаларда болалар хоналари нафакат ухлаш, балки болаларнинг уйинлари билан машгул бўлиш хонаси ҳамдир. Шуни ҳамда одоб ва тарбия омилларини назарга олиб болалар хоналарини ота-она хонаси ва қария ота-оналар хонаси иложи борица ҳолилаштириш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда ота-оналар хонасида 0-4 ёшгача бўлган болаларни ухлаш ҳолатлари диққатга сазовордир.

Умуман кўп болали ва куп авлодли оилаларда болалар ва катталарнинг шахсий яшаш, яъни ёток хоналарнинг турини шакллантириш ва жойлайтириш уйни лойихалашда муҳим роль уйнайди. Маҳаллий миллат оилаларига хос бўлган яна бир муҳим нарсая қарияларнинг мавқеи ва оилада тутган ўрнидир. Айни пайтда қария ота-оналар болалар тарбиясида ва уй-рузгор ишларида оиланинг энг яқин маслаҳатчиси ва кўмакчиси дир. Шунинг учун ҳам уларга бўлган ҳурмат эътибор чексиз, ховлида улар учун алоҳида яшаш хоналари ташкил қилиш эса халқимиз удумидир. Қариялар хоналарини ховлида алоҳида қириб-чиқувчи эшиклар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. [30,31]

Келажакда халқимизнинг маданияти ва қизиқиш доирасининг тобора ошиб бориши билан, эркин ижод, хусусий мутоала, малака ошириш каби

юмушлар уй хоналари таркибида ҳар бир катта ёшдаги оила аъзоларининг шахсий машгулотлари учун алоҳида ишлаш хоналари ва жихозларини ташкил қилишни ҳам тақозо этади.

Шундай қилиб, назарий мулоҳазалар ва илмий-тадқиқотлар шуни курсатадики, яқин келажакда Республикамиз қишлоқ кичик шаҳарлари ва туман марказларида оиладаги шахсий яшаш хоналари қуйидаги кўринишларда бўлиши кузда тутилади.

- оиланинг барча ёшдаги ҳар бир аъзolari учун ўзгарувчан (универсал) ётоқхона тусдаги шахсий яшаш хоналари (ухлаш, хусусий мутоала, касб фаолияти, ва бошқа юмушлар учун);
- эр-хотин ётоқ хонаси (0-4 ёшлик боланинг ухлаш жойи билан);
- қария ота-оналарнинг яшаш хонаси (ётоқхона);
- умумий хона оиланинг дам олиш, ва бошқа юмушлар учун;
- меҳмонхона+кабинет;
- яшаш ховлиси.

Қишлоқ аҳолисининг асрий турмуш удумларига кура, хонадондаги овқатланиш хонаси оила аъзоларининг дам олиш, укиш ва бошқа юмушлардан буш пайтлари биргаликда бўладиган асосий жойидир. Бу жой рус тилидаги «кухня», яъни учок боши маъносини ҳам англатадиган суздан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам хонадонда овқатланиш жойи Республикамиз шароитида кам каватли ховлили уйларда узига хос шарқона тарзда ечилиши лозим. У оила аъзолари учун доимо бирга бўладиган, йигиладиган, ўзаро мулоқот қиладиган «макон» вазифасини ҳам бажариб, яхлит ҳолда - овқатланиш жойи, умумий хона тарзида ечилиши маъқулдир. Қишлоқ аҳолиси томонидан уйларида овқатланиш жойини асосан қуйидагича уч хил кўринишда ечилиши кузатилади:

- овқатланиш ва дам олишни ҳовлида алоҳида махсус жойда ташкил қилиш;
- ошхона ва унга ёрдамчи хоналарни уйнинг асосий таркибий қисмидан ажратиш ва умумий хонага яқинлаштириш;
- янада ривожлантирилган ҳолда, яъни ошхонани уйнинг ҳажмий тузилиши, умумоилавий хона ва ёзги хоналарнинг

режалаштирилишига боғлиқ ҳолда ечиш.

Бунда умумоилавий яшаш хонаси, ошхона ва ёзги хоналарнинг ўзаро қулай боғланиши ўта муҳим ҳисобланиб, худди шу боғланиш каторида оиланинг овкатланиш жойи жойлашиши мақбулдир. Хонадоннинг ушбу хоналарини тўғри жойлаштириш йули билан шу вазифани уддалаш мумкин.

Шундай қилиб, турли типдаги қишлоқ оилалар учун хонадондаги хужалик хоналарини турли тарзда: ошхона, ва овкатланиш жойи; ишчи ошхонаси; ёзги ошхона ва овкатланиш жойи; овкатланиш жойи ва меҳмонхона каби кўринишларда лойиҳалаш мумкин.

Самарқанд вилоятининг мураккаб иклимий шароитида турар-жой меъморчилигининг асосий муаммоларидан бири хонадонда кишки ва ёзги турмуш тарзини ташкил қилишни такомиллаштиришдир. Расмий қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК) га биноан кам ва урта каватли уйларнинг ёзги хоналари одатда балкон, лоджия, веранда ҳисобланиб, улар уйларнинг ташқи қурилишига бадиий-эстетик тус беришда ўзига хос меъморий восита сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек бу ҳилдаги ёзги хоналар иссиқ иклим шароитида ёзги турмуш тарзини тўлиқ қаноатлантира олмайди.

Хонадондаги ёзги хоналарнинг асосий вазифалари рўзғор юмушларини бажаришни осонлаштириш, хонадонда қулай био-гигиеник шароит яратиш, хоналарни ташқи муҳит-табиат, қуёш ва тоза ҳаво билан боғлашдир. Республикамиз қишлоқ меъморчилигидан анъанавий уйларнинг ҳажмий фазовий тузилиши шундайки, улардаги ташқи ва ички ҳовли бутун уй ечимининг композицион маркази ҳисобланиб, хонадоннинг барча хоналарини ташқи муҳит билан боғлаб туради. Уларда қулланилган турли айвонлар уй билан ушбу ҳовли ва ташқи муҳит орасидаги зарур омехта боғловчи қисмлардир (2.1,2.4,2.5-расмлар).

Хуш, ёзги турмуш тарзини қулай таъмин этувчи таркибий функционал қисмлар хусусан нималардан иборат? Халқимизнинг қулайлик тажрибалари шунини курсатадики, кам каватли ҳовлили уйларида ёзги хоналар асосан ташқи ва ички ҳовли, айвон, дала, очик терраса ва

қуёш нуридан фойдаланувчи, сўрилар орқали тусилган фойдаланувчи томлардан иборатдир. Шулардан энг куп тарқалгани ички ховлилар, айвонлар ва далонлардир. Уйнинг меъморий ечими, оила аъзоларининг сони ва оиланинг тузилишига қараб, ёзги хоналар кўриниши турличадир. Умуман ёзги хоналар халқ уйларида хонадон аъзоларининг ёзда доим бўладиган, овқатланадиган, дам олиш ва уз шахсий юмушлари билан шугулланадиган жойи вазифасини ўтаб келган. Айни пайтда бу хоналар уй-жой микро-иқлимни ташкил қиладиган ва яхшилашга ёрдам берадиган муҳим таркибий қисмлардир.

Ёзги хоналар ва ховли микро иқлимни текшириш ва уни бошқа текширув натижалари билан тақдослаш шуни курсатадики, хонадонда ховлининг бўлиши ва унда ёзги хоналарнинг қулай ташкил этилиши иссиқ ҳаво ҳароратини 15^0-10^0 C^0 тушуриб, намликни 20-25 фоиз оширишни таъмин этади.

Хонадондаги ёзги хоналар ва ховлилар сатҳини меъёрлаш, оила аъзоларининг сони, миллий-турмуш тамойили, фойдаланиш услуби ва табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиши лозим. Ушбу омилларни ҳисобга олиб ёзги хоналарни ва ховлини хонадон таркибида қуйидагича ҳолатларда ечиш мумкин:

- айвонни умумий хона ва ётокхонаси ёнида жойлаштирган ҳолатда;
- терраса - айвонни умумий хона ва ошхона олдида ёки алоҳида, иккинчи каватда ётокхоналари ёнида жойлаштирган ҳолатда;
- ховлини эса икки томонидан қурилган ҳолатда;
- ховлининг периметри бўйича ёки уч-тўрт томонидан қурилган ҳолатда;
- ховли майдонини ёзги хоналар (айвон ёки терраса) ёрдамида икки ёки уч булакларга бўлинган ҳолда лойиҳалаш мумкин (3.2,3.4,3.5-расмлар).

Ховлининг шакли ва улчовлари, хоналар ва ховли майдонига қуёш нурининг қай даражада тушиши ва ориентациясига қараб аниқланиши мақсадга мувофиқдир.

Айвонларни турли баландликда, катта (кенг) ёки кичик шаклларда қуллаш мумкин. Террасаларни эса, яшаш хоналарига туташган ёки

хоналар оралигида жойлаштирилгани маъқул. [12,30]

Шундай қилиб, Ургут шахрининг мураккаб иссиқ табиий - иклими шароитида ёзги хоналарни ва ховлиларни шакллантириш ва ривожлантириш уй қуришнинг нафақат таркибий қисми, балки хонадон микроклимини тартибга солиш ва ташқи очиқ муҳит билан қулай боғланишни таъминлаш ҳамдир. Айти пайтда бундай хоналарга езда дам олиш, меҳмон қутиш, ухлаш, хужалик юмушларини бажариш каби вазифалар ҳам юклатилиб, улар аҳолининг ёзги турмуш тарзини таъминлаш билан бир қаторда уйнинг бадиий-эстетик кўринишини тантанавор тусга киритувчи ўзига хос меъморий восита ҳамдир.

Маданий - маъиший, ёрдамчи хоналар ва хужалик ва ишлаб чиқариш бинолари. Ижтимоий қурастишлар шуни қурсатадики, замонавий қишлоқ хонадонларда маданий-маъиший мақсадларда фойдаланишга мулжалланган умум оилавий яшаш хоналарининг вазифаси сезиларли даражада қенгайиб бормоқда. Оила аъзоларининг биргаликда телевизор қуриши, янги ахборотлар ва видеоманитофон телекурсатувларини томошо қилиши, оила аъзоларини қизиқтирувчи, ижтимоий — фазони ташкил қилишни тақозо этади. Бундан ташқари оилага қушимча даромад қелтирувчи ақлий меҳнат билан шугулланиш учун ижодий устахоналар, шунингдек хонадонда алоҳида оилавий спорт-соғломлаштириш, ишлаб чиқариш-тадбирқорлик мажмуаларини ташкил қилиш шулар жумласидандир.

Техника тараққиёти ва ҳозирги иқтисодий қайта қуриш жараёни умумоилавий яшаш хоналари таркибида махсус қутубхона ва шахсий компютерлар билан жиҳозланган замонавий иш кабинетларини ҳам ташкил қилишни тақозо этмоқда. Бундай иш кабинетини махсус хона тарзида ёки қичикроқ оилаларда, умумий хона таркибидаги алоҳида иш зонаси тарзида шаклланиши мумкин. [30]

Шуни ҳам таъқидлаш қеракки, ҳозирги вақтда маҳаллий миллат аҳолисининг телекурсатувларни томошо қилиш мақсадида ахлоқ ва одоб

муносабатларини назарга олиб алоҳида хона ташкил қилиш анъанаси ҳам жонлантирилган.

Куриб турибмизки, умум оилавий яшаш хоналарининг вазифалари кундан-кунга ошиб бормокда. Овкатланиш, тантанали мароимлар дам олиш, телекурсатувлар томошаси, мафкуравий ва кизикарли машгулотлар билан шурулланиш, меҳмон қабул қилиш ва бошқалар булар умумий хонанинг бугунги кундаги турли-туман ўзига хос қурилишларидир, ва улар янги типологик каторларни яратишни тақозо этади.

Маҳаллий миллат аҳолиси хонадонларидаги меҳмонхоналар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Миллий турмушимиз анъаналари билан боғлиқ бўлган ўзига хос тантанаворлик, тўй-марака, меҳмон чақириш ва меҳмонга бориш каби тамойиллар халқимиз онгига сингиб кетган, Ҳафтада бир-икки мартагача бўлиб турадиган бундай анъаналар умумоилавий хоналар таркибида алоҳида тантанавор жойни - меҳмонхона ташкил қилишни тақозо этади Фаолияти турлича: хужалик турмуши, ишлаб чиқариш меҳнати ёки ва маданий-турмуш тарзидаги оилалар ҳам хонадонда алоҳида меҳмонхона ташкил қилишга интилади. Шунинг учун ҳам ҳатто турмуш тарзи турлича бўлган маҳаллий миллат оилаларида нафакат меҳмон кутиш, балки турли шодиёналар утказиш учун ҳам алоҳида жой ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ аҳолиси турмуш тарзида одатда бундай жой ошхона билан боғлиқ бўлиб уй ва ҳовли муҳитига қўшилиб кетган бўлади.

Турли-туман миллат ва оилалар турмуш фаолиятидан келиб чиққан ҳолда умумоилавий яшаш хонасини қуйидагича қурилишларда талқин этишимиз мумкин:

- ошхона + овкатланиш зонаси + меҳмонхона;
- ошхона-овкатланиш + меҳмонхона + дам олиш зонаси;
- ошхона-овкатланиш зонаси + меҳмонхона + кабинет + дам олиш зонаси;

-ошхона + овкатланиш зонаси + меҳмонхона + кабинет + дам олиш зонаси.

Ушбу умумоилавий хоналар хонадон таркибида яхлит универсал тарздаги қисман алоҳида бир-биридан ажратилган ёки ажратилмаган муҳитни ташкил қилиш мумкин. Демак умумоилавий функцияларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг яхлит маконда универсал тарзда жойлашиши биринчидан меъморий режалаштириш воситалари ёрдамида оилага турмуш тарзига самарали хизмат курсатишни ташкил қилиш, қулай микро иқлим яратиш, иккинчидан, турли қиммат техникавий воситаларидан воз кечиш, учинчидан, хонадонда узвий боғланган яхлит фазовий муҳит ташкил қилиш ва шароитга қараб ушбу муҳитни узгартириб туриш имкониятига эга бўлишга ёрдам бериш демакдир.

3.3. Кам қаватли турар жой уйларни хажмий-режавий ташкиллаштириш, уларни иморатлар қурилишда қуллаш ва тавсиялар.

Самарқанд вилоятининг турли архитектуравий-қурилиш районлари ўзига хос маҳаллий табиий-иқлим шароитларига эга. Шу билан бирга вилоятдаги барча шароитлар учун хос бўлган умумий хусусиятлар ҳам борки, булар: юқори даражадаги қуёш радиацияси, иқлимнинг(кундуз кунли, кечкурун, окшом, эрталаб) кескин ўзгарувчанлиги ва сувнинг камчилигидир. Шулардан биринчиси энг бош омил ҳисобланиб, ёзги даврда вилоятнинг деярли барча ҳудудларида юқори даражада иссиқ ва қуруқ иқлим бўлиб, турар жойларда ноқулай яшаш муҳитини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам турар жойларни ёзда ушбу бош омил таъсиридан муҳофаза қилиш ва хонадонда яшашга қулай биогигиеник шароит яратиш жуда муҳимдир.

Айни пайтда уй-жойнинг қулай ҳажм-режавий ечими ва шундай уйлардан тузилган турар жой гуруҳларини жойлаштириш услуби хонадонларда самарали шабада ва хавонинг ҳаракатини шакллантиришга, турар жой гуруҳларида ва ҳудудида шомол йуналишини ва тезлигини бошқаришга, жазирама иссиқ кунлари эса хавонинг уй ичида (соатга 0,1-0,5м) ва турар жой гуруҳлари ҳудудида

шамолнинг (соатига 1-2,5м) тезликдаги ҳаракатига мос шароит яратишга, қуёш нури, радиацияси, иссик шамол, чанг-тузоннинг салбий таъсирини пасайтиришга қаратилиши зарур. Бунинг учун эса куйидаги меъморий-режавий вазифалар тўғри ҳал этилмоғи лозим:

а) хонадон ички муҳитда ҳаракатни узаро кесишмайдиган функционал зоналар ва боғланишларга бўлиб чиқиш;

б) ёзги хоналарни ҳовлида мақсадга мувофиқ жойлаштиришга эришиш;

в) ҳовли муҳитини шакллантириш (1,2,3 ҳовлилик тарзида тузиш ва ҳовлини хонадоннинг барча хоналарини бир-бири билан қулай боғлаш);

г) хонадонда қулай био-гигиеник шароит яратиш ҳамда уйни 3 ёки 4 томонидан ёндоштириш (блокировкалаш) мақсадида барча хоналарни ички ҳовли муҳитига қаратиш;

д) хонадонни қушни хонадонларга ёндоштиришда ҳовли муҳитининг қулай жойлаштириш ва улчовларини назарда тутиш.

Юқорида баён этилган барча меъморий-режавий талаблар мажмуасидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг қишлоқ, туман марказлари ва кичик шаҳарларида юқори тиғизликда қуришга мўлжалланган, кам каватли уй-жойларнинг туркумли тажриба лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Туркумга турли катталиқда ва тузилишдаги оилаларга мўлжалланган, хоналар сони 4 дан 10 гача бўлган 6-та ҳовлили турар - жой лойиҳалари ишлаб чиқилди ва киритилган уйлар орасида 1-2 хоналик ҳовлили уйлар йук, чунки вилоят шароитида, айниқса, демографик, турмуш тарзи қишлоқ оилаларига яқин турувчи кичик шаҳарлар шароитида 1 -2 хоналик уйларга зарурат йук ҳисоби. Уч хоналик хонадонлар эса 2-4 кишидан иборат ёш оилаларга мулжалланган бўлиб, асосан улар учун махсус типдаги уйлар лойиҳаланади.

Вилоятида, айниқса қишлоқ ва кичик шаҳарларда 4-9 хоналик уйларга эҳтиёж сезиларли даражада юқори, чунки куп хонали уйлар халқимизнинг маҳаллий ижтимоий-демографик ва анъанавий турмуш

тамойилига жуда мос тушади. Бундай уйларни бир-бирига ёндоштириб куриш эса 2 ёки 3 авлоддан тузилган мураккаб оилаларнинг ва умуман сони, таркиби ва тузилиши турли-туман бўлган маҳаллий миллат хонадонларининг турмуш тарзи учун қулай имкониятлар яратиб беради. [12,30,31]

Туркумдаги уйлар таркибида бир қаватли, аралаш қаватли, яъни қисман бир, қисман икки қаватли, алоҳида икки қаватли ва айрим ҳолларда уч қаватли ҳовлили уй лойиҳалари ишланган. Бундан ташқари туркум таркибига 4, 5 ва 6 нафар хонадонлардан иборат алоҳида уйлар лойиҳаси ҳам киритилган. Ушбу лойиҳаларни қўллаш натижасида тарҳи турлича бўлган ва композиция ҳар хил бўлган иморат қурилишига эга бўлиши мумкин.

Таклиф этилган уйларнинг режалари бир ҳовлили, икки ҳовлили, уч ҳовлили ва аралаш, яъни бир нечта хонадон мажмуидан Г -, П-, Р ва мураккаб шаклдаги қурилишлардан иборат.

Фойдаланишда қулайлик яратиш учун ушбу ҳовлили уйларнинг типологик таснифи қуйидагича ишлаб чиқилган.

Бир-икки қаватли 4-10 хонали 1-2 ҳовлили уйлар бўйича:

тарҳи Г- шаклидаги бир-икки қаватли 4-9 хонали уйлар;

тарҳи П-шаклидаги бир-икки қаватли 4-9 хонали 1-2 ҳовлили уйлар;

тарҳи мураккаб шаклдаги қўш ҳовлили 1-2 қаватли 4-9 хонали уйлар;

бир-икки қаватли 4-6 хонали 2-3 ҳовли уйлар:

тарҳи ҳоҳ шаклидаги қўш ҳовлили 1-2 қаватли 4-9 хонали уйлар;

Бир қаватли ҳовлили уйлар П-, Р-, ва Г- шаклдаги режаларга эга. Биринчи уйда барча хоналар ҳовли атрофида жойлашган. Уйга куча тарафдан даҳлиз еки долон орқали, шунингдек айвон орқали ҳам кириш мумкин. Даҳлиздан кирилганда ундан ҳар иккала хоналарга ўтиш, айвондан кирилганда эса сатҳи 60 дан 90 кв.м гача бўлган тўртбurchакли ҳовлига ўтиш мумкин. Чап томонда кундуз қуни бўлинадиган умумоилавий хона, ўнгда эса ётоқ хоналар, кираверишдаги галерея орқали ўтилганда ухлаш учун бир гуруҳ хоналар жойлаштирилган. Ҳовли этагида хожатхона ва кир ювиш хонаси жойлашган. Уй 6 дан 10-тагача кишидан иборат 2 ёки 3 авлоддан тузилган мураккаб оилага

мулжалланган. Уларнинг хаммасида тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш ишлари учун керакли бинолар жойлаштирилган.

Г-шакли куринишдаги уйда эса хоналар ховлининг икки томонидан жойлаштирилган. Тарҳи П-шаклдаги уйда ҳовли муҳити умумий хона ва даҳлизга ёндошган терраса билан икки қисмга ажратилган. Хизматчи хоналар мажмуаси (ошхона, омборхона, хожатхона ва бошқалар) яшаш хоналаридан алоҳида жойлаштирилган.

Ҳовли муҳити ва хоналарни шамоллатиш учун асосий айвон баландлигини ошириш ёхуд айвонни икки қават баландликда ишлаш ёки ёпик долон-дарвоза орқали амалга ошириш кузда тутилган.

Р-шаклдаги уйда (3.6-расм) шамоллатишни эса шийпон ёрдамида яъни ётоқ хоналари олдидаги даҳлиз баландлигини кутариш орқали бажарилади. Бу типдаги уйларни бир-бири билан ёки бошқа типдаги уйлар билан уч томондан ёндоштириб қуриш имкониятлари мавжуд. Икки қаватли уйлар типда Г-шаклдаги режада ишланган бўлиб, 6-10 кишилик оилаларга, шунингдек 2-3 авлоддан тузилган мураккаб хонадонларга ҳам мулжалланган. Уйга айрим хонадонларда ҳовли орқали, бошқа хонадонларда эса дарвозахона орқали кириш мумкин. (3.4-3.6 - расмларга қаранг). Ушбу уйларда хоналарни жойлаштириш қаватлар бўйлаб жойлаштирилган. Кундуз кунги, яъни умумоилавий хоналар (ёрдамчи ва хизматчи хоналари билан бирга) ва асосий ёзги хоналар биринчи қаватда, тунги хоналар, яъни ётоқ хоналар ҳамда уларга тегишли ёзги хоналар, иккинчи қаватда жойлашган. Қаватлар уй ичидаги зинапоя орқали боғланган. Баҳор-куз пайтлари эса қаватлар асосан ташқи, енгил жимжимадор ишланган зинапоя орқали боғланади.

Оиланинг усиши жараёнида уйдаги хоналар сони уйнинг бирор қисмига иккинчи қават қуриш йули билан амалга оширилади. Хоналарни шамоллатиш тугри аралашига, яъни бурчакдан горизантал ёки тик куринишларда бажарилади. Уйларни узунлик бўйлаб, 2-3 ва 4 томонлама ёндоштириб қуриш имкониятлари мавжуд.

Бир ва қисман икки қаватли уйлар режаси мураккаб шаклга эга бўлиб, хоналарни ўзаро ҳолилаштириш ва микроиклимни яхшилашга ёрдам берувчи алоҳида ҳовлилардан тузилган (3.4-3.6 - расм).

Шунингдек, Г-шаклдаги режада ечилган тўртта хонадондан иборат икки каватли уй лойихаси ҳам ишланган (3.6 - расм). Унда уй режасининг ечими шундайки, иккинчи каватда қурилган ётоқ хоналарни ва фойдаланувчи том урнини зарурат тугилганда узгар-тиб туриш имконияти яратилган. Бу эса уз навбатида уй силуетини узгартиришга ва шу аснода, турар жой қурилишини кифоасини чиройли ечишга ёрдам беради. Уйларни бир-бирига ёндоштириб қуриш эса ҳар тўртала тараф бўйлаб ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу каби узига хос қулайликлар ушбу уйларни қуришда турли шакллардаги ер участкаларидан кенг фойдаланишга имкон беради.

3.4-3.6 - расмлардаги уйнинг режаси асосида бундан ташқари уч каватли уй ечимини ҳам олиш мумкин. Бунда учинчи каватдан бошқа каватларга боғланмаган ҳолатда алоҳида фойдаланиш мумкин, чунки учинчи кават 3-4 хонали режа хожлаштирилган муъжазгина (саҳни 24 кв.м) ҳовлига эга бўлган алоҳида хонадондан иборат бўлиб, унга куча тарафдан очик зинапоё орқали чиқадди. Бундай ҳолатда барча хонадонларни ёндоштириб қуриш орқали мураккаб оилаларга боп умумий ҳовлига эга бўлиш мумкин.

Уйларни бир-бирига ёндоштириб қуриш, турли хил йуллар билан, масалан хонадонларнинг алоҳида типларини олиб ёки аралашган, яъни лойихаланган уйларнинг турли типларини исталган қурилишда бир, икки ва уч каватли уйлардан фойдаланиб бажарилиши мумкин. Бу эса турар – жой муҳитининг янада жимжимадор, маҳабатли қурилишлардаги ечимини яратишга имкон беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай уйлардан шаклланган алоҳида турар – жой гуруҳлари ва бу гуруҳлардан маҳаллалар ташкил қилиниб нафақат ташқи қурилишидан, балки ҳовли ичи муҳитидан ҳам тантанавор, бадиий-эстетик қурилишларга эга бўлиш имкониятлари жуда катта, чунки ҳовли ичи ободончилиги, ундаги асосий ва ёрдамчи ёзги хоналар, каватлардаги дераза ва конструктив элементларнинг узаро гармоник мутаносибликда ва нафис композицияларда ечилиши бундай эстетик ва жонли қурилишларга эга бўлишда ёрдам беради. [18,31,30]

Шунингдек, ҳовли ичи муҳитида уйларни алоҳида ёки бир-бирига

ёндостириб куриб ҳам уйгунлашган композицияларга эришиш мумкин. Унда ховлидаги гулзор ва дарахтлар, сўри, баланд кўтарил ган ишжом, суфа, мўъжазгина фаввора ва шу каби ховли элементлари нафакат табиат гўзаллигипи, балки кулай микроиклимни ҳам вужудга келтиришда катта имконият тугдиради (3.6,3.7 - расм). Демак бу ерда ховли муҳити нафакат хонадонда, балки бир нечта хонадонлардан тузилган уйлар гуруҳини ташкил қилишда ҳам муҳим композициявий элемент бўлиб ҳисобланмокда.

Қишлоқ ховлили турар жой уйларни гуруҳлаш ва ташкил этиш усуллари. Лойихалари ишлаб чиқилган янги типдаги уйларнинг турли режаларда, аммо ўхшаш конструктив услубларда ечилиши шаҳарсозликда турар - жой қурилишининг турли-туман ҳолатларини: алоҳида уй, ёндостиган (туташган) уйлардан тузилган турар жой гуруҳлари ва маҳалла, ҳамда махсус уйлар мажмуаси каби чексиз композиция вариантларни олиш имкониятини беради. (3.7 -раем).

Уйларни бир-бирига ёндостириб (блокировкалаш) кушиб қуришнинг куйидаги асосий композициявий услубларига тухталиб утамик.

1. Чизикли композиция. Бунда ховлисига эга булган алоҳида қурилган уйлар томоркаси орқали ёндостирилади. Икки хил қурилишда :

а) алоҳида уйларни куча бўйлаб ховлилари орқали қатор ёндостириш ва

б) шундай уйларни куча кизил чизиги бўйлаб ёки ундан ичкарига бир, икки, уч ёки тўрт қаторутказиб жойлаштириш мумкин. Бундай ёндостиришда турар жой уйлариинг куча бўйлаб ҳам бўйига ҳам баландга тантанавор кўрилишини олишимиз мумкин. Шунингдек, чизикда қаторлаб ёндостиган уйлар композициясини тузиш мумкин. Шунингдек, чизикда қаторлаб ёндашган уйлар турлича рельефда ёки узига хос вом ос композиция берди. (3.7-расм).

Ҳар бир алоҳида олинган уйда кулай турмуш шароитларининг булишига карамай, уйларни чизикли ёндостиришнинг ўзига хос камчиликлари ҳам бор. Муҳандислик тармокдарининг чўзилиб кетиши,

курилишнинг нисбатан паст тигизлиги, аҳолига жамоа ҳаётини ташкиллаштиришга имконият камлиги шулар жумласидандир.

Гурухли ёндоштириш композицияси. Композиция (гиламли) Турар жой курилишида уйларни бир-бирига гурухли ёндоштириш натижасида хажмий фазовий ечими ва имкониятлари турли-туман бўлган тураржой гурухларига эришиш мумкин (3.7 - расм). Гурухлар хилма-хиллигини жойлашадиган оилаларнинг типлари, зарур курилиш тизиглиги, курилиш участкасининг шакли, жой рельефи ва бошқалар белгилаб беради. Бунда турли хонадонларнинг ягона турар жой гуруҳида бирикиши ҳар бир хонадон турмушига қулай шароит туғдирибгина қолмасдан, балки ушбу турар жой гуруҳида яшовчиларнинг жамоа ҳаётини ташкил қилишда ҳам қулай шароитлар яратади, чунки турар жой гуруҳида турли мақсадларда: болалар ўйинлари, жамоанинг ўзаро мулоқотлари ва шу каби юмушларини бажариш мумкин бўлган жамоа ҳовлисини ташкил қилишга эришиш мумкин. [8,12,18,30,31]

Бир неча турар - жой гуруҳлари бирлашиб маҳалла ва унинг марказини ташкил этиши мумкинки, бу ерда энди болалар муассалари (болалар богчаси, мактаб) спорт майдончалари, кичик бозор, савдо дукончалари, миллий чойхона, ховуз ва ниҳоят маҳалла клубини ташкил қилиш мумкин (3.7 - расм) бир-бирига бундай ёндоштириб қурилиш (3.7 - расм) текис ҳамда рельефи, шакли мураккаб тузилган нисбатан кичик участкаларда олиб бориш жуда қулайдир. Бунда сезиларли даражада юқори тигизликдаги турар - жой иморатлар курилишини амалга ошириш мумкин. Уйларни гиламнусаха композиция ёндоштириш, аслда шартли равишда номланган бўлиб, турар - жой курилишининг меъморий - фазовий ва режавий тузилиши уларнинг шундай ёндошганда гиламбоп жимжимадор шакллардаги қурилишдан келиб чиққан. Жимжимадор ёндоштириш, рельефи нишаб жойларда, айниқса, уйларни поғоналаштириб қурилганда кишига завқ берувчи меъморий қурилишларга ва композицияларга эга бўла олади.

Гилам нусхасили композиция ва бирлаштириш: Гилам нусхасида

бирлаштирилган турар – жой гурухлари иморат курилишнинг оптимал зичлиги ҳосил қилиш имкониятини яратади. Бу эса Навоий вилоятининг мураккаб табиий-иклим шароитида мос келадиган кизикарли ва қуркам турар жой гуруҳи ва маҳаллаларни яратиш имкониятини беради.

Гилам нусхасида композиция нафакат микроиклим шароитни ва яшаш қулайлиги, ундан ташқари хилма-хил турдаги оилаларни жойлаштиришни таъминлайди, чунки таклиф қилинаётган барча турдаги уйлар ва модул системаси, шаҳарсозликда хилма-хил вариантларни бериш имконияти тугилади.

Уйларни туташтириш композицияси. Вилоят ҳудудида табиий-иклим шароити ноқулай (шамол, чанг-тузонли) уйларни бир-бирига берк, туташ ёндоштириб қуриш мақсадга мувофиқдир, чунки уйларни бундай қуришда барча хонадонларга кириш асосан ички муҳитдан ташкил этилган бўлиб, ташқарига фақат ёрдамчи хоналаргина қаратилган бўлади. Уйларни бундай жойлаштириш барча яшаш хоналари ва ҳовли муҳитини ноқулай ташқи иқлим таъсиридан (чанг-тузонлари, совуқ ва иссиқ, «гарм-сел» шамоллари)дан сақлашда айниқса қулайдир. Бунда ички очик ҳовли муҳитни ободонлаштириб ва қукаламзорлаштириб қулай микро иқлим яратиш имконияти ҳам каттадир.

Турар жой гуруҳларининг катталиклари 4 тадан 12 тагача ёндошган уйлардан иборат бўлиб, рельефи ($5-10^0-15^0$ гача) қияликда қурилиш майдонларида исталган услубда уйларни бир-бирига ёндоштириб қуришни қўллаш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар бир ёндоштириш услубида ҳам уйларнинг эталонли тартибда қуриш имкониятлари мавжуд. [7,12,18]

Шундай қилиб, таклиф этилаётган уйлар типлари ва уларни ёндоштириб қуриш катта қулайликларга эга бўлиб, турар жой меъморчилигида турли-туман бадиий-эстетик композицияларга ва қурилишда юқори тиғизликга эришиш, мавжуд табиий-иклим шароитлар анъанавий урф-одатларни эътиборга олиш имкониятларини беради.

Ёпик туташтириш композицияси. Навоий вилояти табиий-иклим минтакалари учун таклиф этилаётган «блок+квартира+ҳовли+уй»

«блок+квартира+хоали+хужалик уй» модел ва уйлар ноёменклатурасидан ташкил килинган ёпик композицияларда ҳамма уйларнинг хоналари ва ховлилари лойихаланаётган минтаканинг табиий-иклимий муҳити талабаларига тулик жавоб беради ва қурилган турар жой гуруҳи ва маҳаллаларни ташкиллаштиришда мураккаб табиий-иклим шароитида ҳавонинг оптимал ҳаракатини яратиш натижасида хона ва ховлиларда оптимал микро иқлимга эришилади ва уларнинг ҳажмий-фазовий композицияларини яратишнинг янги чуқуларига эришилади.

Шундай қилиб таклиф қилинаётган модел уйлар турларининг номенклатураси Навоий вилояти қишлоқ ва туман марказлари иморатлар қурилишида, натижада турар жойлар қурилишининг хилма-хил композицияларини, қурилишнинг юқори зичлигини ҳосил қилиш имкониятлари (нозиклик, муқомаллик, қиёфа, архитектура ва шаҳарсозлик санъати имконияти, пропорция, ритм, масштабlilik ва бошқалар) ни беради.

Ишлаб чиқарилган ва таклиф қилинаётган уйларнинг лойихаси асосида арх.н. Р.Т. Тоштемиров томонидан ишлаб чиқилган куп авлодли ва мураккаб оилалар учун «усувчи уй» модели ётади. Бу моделнинг асосида анъанавий халқ уйларидаги турар жой ва хужалик иморатлари тузилиши, оила талабидан қелиб чиқган ҳолда, аста-секинлик билан мослашиб бориши, оилада сон ва сифат узғаришлари руй берганда, уйнинг режавий ечими ва консрукциялари шундай ишланганки, ҳеч қандай узғаришсиз 1-2 қаватни қуриш имконияти яратилган. Улардан ташқари уйларнинг режа ва ҳажмий-фазовий ташкиллаштириш асосидаги «гипкая планировка» тамоилари ётади. Натижада оиланинг дам, уқиши ва бошқа сифат босқичларига утқанда, ҳеч қандай ҳаражатсиз, уларнинг режавий тузилиши узғариши мумкин.

Иқтисодий масалалар. Ургут шаҳри турар жой қурилишда ерларнинг танқислиги, авж олиб бораётган бугунги кунда қурилишнинг иқтисодий жиҳатдан қулай, мақсадга мувофиқ ечимларини топиш долзарб масаладир. Қишлоқ уйлари кам қаватли, юқори тифзли ҳовлили уйларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун кичик шаҳарлар ва туман марказларида ҳозирги кунда қурилатган бир-икки қаватли

томоркали уйлар ва секцияли типовой 2-4 каватлик уйларнинг курилишидаги иқтисодий кўрсаткичларини ушбу таклиф этилаётган уйлар курсаткичлари билан таққослаб курамиз Таққослашда ҳар учала ҳолат учун ҳам бир хил катталиқдаги курилиш ҳудуди олинган (3.4-3.6 - расм).

Таклиф этилаётган ҳовлили уйларини берилган ҳудудда гиламнусха услубида ёндоштириб куриш кўзда тутилган. Таққослаш шуни курсатадики, 1-2-3 каватли ҳовлили уйлардан тузилган турар – жой гуруҳлари 2-4 каватли секция типидagi уйларга нисбатан 1,22 марта куп, бир каватли томоркали уйларга нисбатан эса 4 марта куп аҳолини жойлаштириш имконини беради (1-жадвалга қаранг).

Куриш ҳудудида фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги таққослаш.

Жадвал 1.

Курилиш услуби	Уй-жой курилишининг тигизлиги (1 гектардаги одам сони)	Курилиш ҳудудидан фойдаланишдаги самарадорлик
Бир каватли томоркали уйлар курилиши	82 одамга	1,00
2-4 каватли секцияли уйлар курилиши	262 одамга	1,22
Янги типдаги 1-2-3 каватли уйлардан гиламнусха услубида курилиши	320 одамга	4,00

Иқтисодий самарадорликдан ташқари гиламнусха услубда курилган ички ҳовлили уйларда секиияли уйларга нисбатан био-гигиеник шароит ва оилавий турмуш қулайлиги анча юқори эканлиги юқорида қайд қилиб ўтилди УзНИИП градостроительства ТашЗНИИЭП институтларининг ҳамкорликда олиб борган текширишлари ҳам ҳовлили уйларнинг шаҳарсозликда юқори даражада самарадорликка эга эканлигини курсатган. Уйлардаги яшаш фондининг зичлигини таққослаш ҳам буни тасдиқдайди: 1-2 каватли ҳовлили уйларни куришдаги тигизлик 2 каватли ёндоштирилган уйларга нисбатан 52 фоизга, 2-3 каватли

секцияли уйларга нисбатан эса 20 фоизга юқоридир. Турар жой қурилишидаги тигизликнинг бундай ошиши 30 минг аҳолилик шаҳар ҳудудидан 4 мартагача қискартириб фойдаланиш имкониятини беради. [12,30]

Ушбу таққослаш таклиф этилган уйлардан 1-2 каватли ҳовлили уйларни қуришда муҳандислик коммуникацияси ва тармоқларини утказиш ва турар жой ҳудудини ободонлаштириш ҳаражатлари, шундай каватли оддий ёндоштирилган уйларни қуришдагига нисбатан 1,2 баробар кам, 2 каватли ҳовлили уйларни қуришда оддий ёндошган уйларга нисбатан 1,5 баробар кам ва шундай каватли секцияли уйларни қургандагига нисбатан эса 2 баробар кам сарф бўлишини курсатади.

Булардан ташқари таклиф этилаётган уйларнинг иктисодий самарадорлигини кенгроқ аниқлаш учун улар Республикамиздаги кам каватли қурилишда қулланиб келинаётган ва лойиха-эталон сифатида қабул қилинган 1-2 каватли ҳаракатдаги намуна лойиҳалар билан таққослаб қўрилди.

Улардаги конструктив ечимлар ва қурилиш усуллари узвий таққосланган, уйлардаги конструкция ва қурилиш материаллари бир хил танланди. Текширишлар шуни курсатадики, 1-2 каватли ҳовлили уйлардан (янги типдаги уйларнинг турли ечимлари узаро ва лойиҳа-эталонга нисбатан таққослаб чиқилди), бир каватли уйлар бир хонадонли уйларга караганда 40 фоизга арзон; 2 каватли ички ҳовлили уйларнинг I кв.м умумий турар жой майдоннинг нархи бир хонадонли уйларга нисбатан 12 фоиз арзон; 2 каватда жойлашган икки хонадонли ёндоштирилган (қуп хоналик уйлардан ташқари) уйлардагига нисбатан эса 10 фоиз арзон ва 2 каватли секиияли уйлардаги I кв.м умумий турар жой майдони баҳосига яқинлашиб боради (улардан 2 фоизга қиммат).

Уйларни буйи томони бўйлаб ёндоштириш, ҳовлини уй таркибининг марказига жойлаштириш ва ободонлаштиришга кам ҳаражатлар сарфлаш уй-жой қурилиш нархини 15-20 фоизга пасайтиришга имконият тугдиради.

Бундан ташқари хонадонда кондиционерлардан фойдаланишдан воз кечиш ва бунинг эвазига электр энергияси ҳаражатларини пасайтириш ва

уй-жой микроклимини меъморий-режавий воситалар ёрдамида табиий бошқаришга ўтиш 10-30 минг кишилиқ қишлоқ ва шаҳарда ҳар йилда 100 миллионлаб сумни тежаш имконини беради.

Уйларнинг нарҳини самарали қурилиш материалларидан фойдаланиб янада пасайтиришга эришиш мумкин. Яқин келажакда ва ҳозирги даврда Республикамизда самарали асбесцемент, куйма конструкция, серговак тулдиргичли енгил бетондан ишланган темир-бетон конструкциялари, гипсокордон, маҳаллий қурилиш материаллари, лойбетондан тулдирилган синч қурилмалар (силикат ва газсиликатли блоклар, керамзит, аглоперит ва бош.) ни қўллаш кенг йулга қўйилмоқда.

Шундай қилиб, қишлоқ уй қурилиши индустриясига эга бўлган қишлоқ кичик шаҳарларда ва туман марказлари турар жойларни кам қаватли юқори тигизли ховлили уйлардан қуриш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, бу турар жой эса иморатлар қурилишда қулланилаётган уйлар таснифини бойитишга, аҳолининг ижтимоий турмуш фаровонлиги ва шароитларидан қилиб чиқадиган талабларни қондиришга, Республиканинг иқлим шароитига мослашишга ва ниҳоят, қурилиш таннарҳини уртача 10-15 фоизга пасайтиришга имкон туғдиради.

III боб хулосаси

Замонавий турар – жойлар архитектурасининг долзарб масалаларидан бири қишлоқ кичик шаҳар ва туман марказларида турар – жой иморат қурилишига мулжаллаган наъмунавий уйларни яратиш масаласидир. Қишлоқ кичик шаҳар ва туман марказлари аҳолисининг турмуш тарзи бир – бирига жуда яқин ва биринчидан кичик шаҳар ва туманлардан оила таркиби ва унинг уртача катталиги, таркиби ва тузилиши билан фарқ қилса, иккинчидан кичик шаҳар ва туман марказларидаги оилаларнинг турмуш тарзи узига хослиги туфайли, меҳнат фаолияти, тадбиркорлик хоали – жой ва ердан ҳудди қишлоқ оилаларидек унумли фойдаланилади.

1. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг анъанавий халқ уйларида аҳолининг меҳнат фаолияти тадбиркорлиги ва ишлаб чиқариш тизимлари урганилди ва таҳлил қилинди. Халқ анъанавий уйларда тадбиркорлик ва

ишлаб чиқариш хона ва биноларнинг жойлаштиришнинг 7-тури аниқланди ва улардан унумли фойдаланиш даражаси аниқланди.

2. Қишлоқ, кичик шаҳар ва туман марказлари аҳолисининг меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлиги турлари бўйича кам каватли турар – жой уйларнинг модели: «Хужалик» «Хужалик+тадбиркорлик», «Хужалик+ишлаб чиқариш», «Ишлаб чиқариш - тадбиркорлик» моделлари аниқланди.

3. Юқорида келтирилган моделлар асосида қишлоқ ховли уйларнинг хужалик зоналарининг турларини схемаси аниқланди.

4. Навоий вилояти қишлоқлари учун ва уларнинг оилавий турмуш тарзидан келиб чиқиб умумоилавий хоналарининг куйида типологик катори аниқланди:

- Ошхона+овкатланиш зонаси+меҳмонхона;
- Овкатланиш+дам олиш зоналари+меҳмонхона+ёзги хона;
- Овкатланиш зонаси+дам олиш зонаси-кабинет+меҳмонхона+ёзги хона-ошхона+овкатланиш зонаси+меҳмонхона+кабинет+ёзги хона (Атрум).

5. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳар, қишлоқ ва туман марказлари учун I – II каватли ховли уйларнинг наъмунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди турар–жой иморатлар қурилишига тавсия этилди.

6. Қишлоқ ва туман марказлари турар-жой иморат қурилишида кулаш учун куйидаги кам каватли ховлили турар–жой уйлар билан қуриш ташкил этиш учун, уларнинг куйидаги композициялари аниқланди:

- чизикли, гурухли, гиламли, ярим ёпик ва ёпик туташтириш.

7. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри қишлоқ ва туман марказларида турар жой қуриш ва унинг ривожланган моддий – индустриал базаси, таклиф қилинаётган қишлоқ уйларини номенклатураси на факат аҳолининг турмуш тарзи хужалик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ишларини олиб бориш учун қулайлик, турар жой иморат қурилишининг ҳар бир ҳудуд

учун хос вам ос булган қишлоқ архитектураси ва киёфасини курхомлигига олиб келади ва нихоят курилиш таннархини уртача хисобда 10 – 15 % пасайтиришга эришилади.

Якунний хулосалар ва таклифлар

Магистирлик диссертацияси ишида олиб борилган илмий-тадқиқотлар ва кузатувлар Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, қишлоқ ва туман марказларида кам каватли ховли уйларнинг архитектуравий-режавий ечимлари, хажмий-фазовий шакллантириш, уларни турар – жой иморат курилишида куллаш, турар жой уйларнинг оитимал функциявий ва биогигиеник сифати ва натижада уларнинг архитектуравий-режавий сифатини кутаришга каратилган.

1. Кузатишлар шуни курсатадики, хозирги замон турар жойларини лойихалаш ва курилишнинг такомиллашган ва юкори даражага кутарилган бир пайтда. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри қишлоқ ва туман марказларида якка тартибда

хусусий хужалик ва тадбиркорлик ишларини олиб борувчи оилалар томонидан курилайётган кам каватли ховли уйлар нафакат архитектура ва шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайди, хаттоки қишлоқ ва шаҳарлар киёфасига салбий таъсир килмокдалар.

2. Ишда турар жой биоларини лойихалашга таъсир киладиган омиллар комплекс тахлил килинган, Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, қишлоқ ва туман марказлари ва шаҳарлари шароитида куриладиган кам каватли ховли ва томоркали уйларга янги типологик талаблар аникланган ва шулар асосида турар жой уйларни лойихалашни тавсия этилади.

3. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳар қишлоқларининг мураккаб табиий-илим шароитида, кам каватли ховли ва томоркали турар жой уйларда, оптимал биогигиеник, физиологик ва психологик параметрларни таъминлашни факат архитектура ва шаҳарсозликнинг воситалари ёрдамида оширилиши зарур. Агар архитектура ва шаҳарсозлик усуллари ва воситалари ёрдам бермаса унда техник воситаларни куллашни тавсия этилади.

4. Кам каватли ховли ва томоркали турар жой уйларни лойихалашда ахолининг меҳнат фаолияти асосида уларнинг хужалик - тадбиркорлик, хужалик - ишлаб чиқиш, наъмунавий турлари аниқланган.

5. Таклиф қилинаётган ҳар бир кам каватли ховли ва томоркали турар жой уйларнинг узига хослиги, махсус ва оптимал функциявий-режавий тузилишга, ҳажмий-фазовий композицияларга эга эканлиги аниқланган ва тавсия этилган.

6. Қишлоқ кам каватли ховли ва томоркали хоали турар - жой уйларнинг ҳажмий-фазовий композициялари ва уларда қулланилган янги айвонлар тузими, Атриум-холл ва айвонлар системаси шундай йуналтирилганки, биринси галда, улар Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри қишлоқларининг мураккаб табиий-иклимий шароитида шамоллаштиришнинг оддий ва мураккаб системалари орқали ҳавонинг оптимал тезлиги ва ҳароратнинг 5° - 10° пасайишига олиб келади ва натижада хона ва ховлиларда яшаш шароити яхшилашга олиб келади. Иккинчидан, хужалик – тадбиркорлик ва ишлаб ишларини олиб бориш учун қулай имкониятлар яратилган. Учинчидан, оиланинг турмуш тарзи ва тадбиркорлик жараёнлар ва функциялар бир-бирига ҳалокит бермайди, лекин улар бир-бири билан уйғунланиб кетган, натижада улар ҳамма фаолиятларига тулик жавоб беради.

7. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, қишлоқ ва туман марказлари иморат қурилиши ва шаҳарсозлигида қуллаш учун кам каватли ховли ва томоркали турар жойларининг оила меҳнат фаолияти бўйича турлари номенклатураси ва модели аниқланган.

8. Бу таклиф қилинаётган кам каватли ховли ва томоркали турар жой уйлари типлари номенклатурани ва модел, иморатлар қурилишда қулланилса Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, қишлоқ ва туман марказлари турар жой архитектураси ва улар кифасининг сифатини кутариш ҳамда капитал қурилишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

- 1. Каримов И.А.** Узбекистан ХХI аср бусагасида.Т., Узбекистан 1997й.
- 2. Каримов И.А.** Юксак маънавият енгилмас куч. Т. «Узбекистон» 2010 й.
- 3. Каримов И.А.** Узбекистан на пути углубления экономических реформ. Т., Узбекистон 1996.
- 4. Каримов И.А.** Узбекистон мустакиликка эришиш оstonасида. Т. «Узбекистон» 2011 й.
- 5. Каримов И.А.** «2012 йил Ватанимиз тараккиётида янги боскичга кутариладиган йил булади» 2011 йилинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Узбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йуналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Зарафшон» газетаси 2012й. 12 январь.
- 6. Убайдуллаев Х.М., Иноғомава М.М..** Турар жой ва жамоат биноларининг типологик асослари. Т. 2009 й.
- 7. КМК 2.01.04 – 94.** «Лойихалаш учун ижтимоий ва физикавий геологик маълумотлар». Тошкент, 1994 й.
- 8. КМК 2.08.01 - 05.** «Турар жой бинолари» Тошкент, 2005 й.
- 9. ШНК 2.07.01 – 94** «Шахарсозлик, шаҳар ва қишлоқ аҳолии пунктларини режалаштириш ва қуриш» Тошкент, 1994 й.
- 10.** Архитектурное проектирования жилых зданий.М.,Стройиздат 1990.
- 11. Бархин Б.Г.** Методика архитектурного проектирования-М.: Стройиздат, 1991.
- 12. В.К.Лицкевич** "Жилище и климат". Москва стройиздат 1984.
- 13. Виншу И. А.** Архитектурно-планировочная организация сельских населенных пунктов -М.: Стройиздат, 1986.
- 14. Валиев Р. М., Эсенов А. Е.** Некоторые вопросы оздоровления городских среды в условиях Узбекистана, Строительство и архитектурно Узбекистана, 1979, № 9.-14-15 с.
- 15. Губеренский Ю. Д., Лицкевич В. К.** Жилище для человека.-М.: Стройиздат, 1990.
- 16. Гтберг В. Д.** Учёт факторов внешней среды в процессе проектирование. Жилищное строительство, 1977, № 2, с.21-22.
- 17. Джаббар О. С.** Новый тип жилища для Бухары. - Строительство и архитектура Узбекистана, 1980, № 7, с.24-28.
- 18.** Жилая ячейка а будущем. - М.: Стройиздат, 1982.
- 19.Карташова К. К.** Формирование архитектурно-планировочной

- структуры городского жилища на социально-демографической основе.- М.: 1986.
20. Кодирава Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана 30 XX-начала XXI вв. традиции и современное. Тошкент 2007
21. **Кандилис Ж.** Стать архитектором.-М.: Стройиздат, 1979.
22. **Лавров В. А.** Градостроительственная культура Средней Азии - М.: Госиздат архитектуры градостроительства, 1950.
23. **Махкамов А. А.** Сельские жилые дома юга.-М.: Стройиздат, 1984.
24. **Матусевич Н.З.,** Товбин А. Б., Эрмант А. В. Ориентиры многообразия. -Л., Стройиздат, 1976, -216 с.
25. **Нормали** планировочных элементов. Жилые дома.-М.:Стройиздат, 1975.
26. **Розенблюм С.А.,** Шахназарова. Приквартирные домики в многоэтажном жилище. - Строительство и архитектура Узбекистана, 1973, № 1, -20-25 с.
27. **Римша А.Н.** "Город и жаркий климат" Краткий обзор урбанизации территорий жаркого климата (Азия, Африка, Латинская Америка и 4-й строительно-климатический пояс СССР)" Москва стройиздат 1975
28. **Сухонов И. С.** Лучистая энергия солнца и архитектура.-Тошкент: Фан, 1978.-224с.
29. Архитектурное проектирование жилых зданий.М.,Стройиздат 1990.
30. **Фирсанов В. М.** Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климата. - М.: Высшая школа, 1982.
31. Архитектурное проектирование жилых зданий.М.,Стройиздат 1990.
32. **Тоштемиров Р.Т.,** Сохранить народное зодчество Узбекистана. – Декоративное искусство СССР, 1976, № 7, с. 43-45.
33. **Тоштемиров Р.Т.,** Исследование объемно – планировочной структура многоэтажных жилых домов условиях Узбекистана. канд. дисс.Киев – 1984.
34. Архитектурное наследие Узбекистана издательство Ан УзССР. Тошкент 1960
35. Оболенский Н. В. Архитектура и солнце.- М.: Стройиздат, 1988.
36. **Губеренский Ю. Д.,** Лицкевич В. К. Жилище для человека.-М.: Стройиздат, 1990.

37. Шевцов К.К. Проектирование зданий для районов особыми природно – климатическими условиями. – М. Высшая школа. 1986.
38. Маклакова Т.Т. Функция, конструкция, композиция в архитектуре. Учебник. М.: АСВ, 2002. – 256 с.